


Ж. Кабиров  
А. Сагдуллаев

Ж. КАБИРОВ, А. САГДУЛЛАЕВ



ЎРТА  
ОСИЁ  
АРХЕОЛОГИЯСИ

УЗБ. 2  
902, 6  
К-13

пр 92

Ж. КАБИРОВ, А. САГДУЛЛАЕВ

# ЎРТА ОСИЁ АРХЕОЛОГИЯСИ

*Ўзбекистон ССР Халқ таълими  
министрлиги олий ўқув юртларининг  
тарих факультетлари студентлари учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этган*

БИБЛИОТЕКА  
Исторического  
факультета

*Сўрашув*

ТАҚРИЗЧИЛАР: тарих фанлари номзодлари:

М. Раҳимов, А. Ҳазратқулов, У. Алимов, Қ. Абдуллаев, Б. Турғунов

К 12

Кабиrow Ж., Сагдуллаев А.

Урта Осиё археологияси: Олий ўқув юрт. студ. учун қўлланма.— Т.: Уқитувчи, 1990.— 160 б.

1. Автордош.

Кабиrow Д., Сагдуллаев А. Археология Средней Азии: Учеб. пособие для студ. вузов.

63.4я73

050200000—83  
К 353(04)—90 141—90

© «Уқитувчи» нашриёти, 1990

ISBN 5—645—00968—1

## МУҚАДДИМА

Урта Осиё кишилиқ маданияти тарихининг энг қадимги масканларидан бири эканлиги антик давр тарихчиларига қадим замонлардаёқ маълум эди. Қадимги римлик тарихчи Трог Помпей ўрта осиеликлар қадимийликда мисрликлар билан баҳслаша оладилар, деб бежиз айтмаган эди.

Кейинги ўттиз йил ичида Урта Осиёнинг водий, дашт, тоғ олди ва тоғлик жойларидан тош асир, бронза ва қадимги даврнинг ҳамма босқичларига мансуб жуда кўп ёдгорликлар топилди. Бу топилмаларнинг натижалари кўпгина илмий мақолалар ва йирик асарларда ўз ифодасини топди. Мазкур асарлар кенг жамоатчилик ўртасида Урта Осиёнинг ибтидоий ва қадимги тарихига нисбатан жуда катта қизиқиш уйғотди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида қайта қуриш, янгиланиш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда узок ўтмишимизни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Университет ва институтларнинг тарих, шарқшунослиқ ва бошқа факультетларида таълим олаётган студентларга — бўлажак олим ва ўқитувчиларга Урта Осиё халқларининг илк ва қадимги даври ҳақида чуқурроқ билим бериш ҳозирги замоннинг энг муҳим масаласи бўлиб турибди. Кишилиқнинг илк ва қадимги даврини ўрганмай туриб, унинг кейинги даври ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди, чунки маданиятнинг дастлабки пойдевор тоши ўша вақтда қўйилган.

Кишилиқ маданиятининг дастлабки босқичини ўрганишда археология фанининг аҳамияти беқиёсдир. СССР, хусусан Урта Осиё бўйича мазкур соҳада нашр этилган илмий адабиётларни ўрганиш студентлар учун анча оғир кўчиши назарда тутилиб, «Археология асослари» ва «СССР археологияси» каби қўлланмалар бундан 20—25 йиллар илгари яратила бошлаган бўлса-да, лекин Урта Осиё археологиясини ўрганишга бағишланган қўлланма сўнгги йилларгача яратилгани йўқ.

А. В. Арциховскийнинг бундан йигирма йилча илгари ўзбек тилида нашр этилган «Археология асослари» дарслигида Урта Осиё археологиясига онд материаллар жуда оз эди. М. Ж. Жўрақуловнинг 1984 йилда оз нусхада (минг дон) босилиб чиққан «Урта Осиёнинг ибтидоий археологияси» қўлланмаси ҳозирокъ библиографик камёб нашр бўлиб қолди.

Шу тариқа студентлар талабини ҳисобга олиб, «Урта Осиё

археологияси» ўқув қўлланмасини тайёрлашни лозим топдик. Қўлланма муқаддима, уч боб ва хулосадан иборат бўлиб, унга расм, жадвал ва хариталар илова қилинган. Қўлланмани тайёрлашда Урта Осиё археологиясининг сўнгги йиллардаги янги кашфиётларидан фойдаланилди. Қўлланмада Урта Осиёнинг энг қадимги тош асрдан илк темир давригача бўлган археологияси ҳақида қисқа ва умумий маълумот берилган.

«Урта Осиё археологияси» нашрга ўзбек тилида тавсия этилган дастлабки қўлланмалардан бири бўлганлигидан унда камчиликлар бўлиши табиийдир. Қўлланма юзасидан билдирилган мулоҳазаларни авторлар миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

## 1-БОБ. УРТА ОСИЁДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН

### 1.1. АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Кишилик жамиятининг вужудга келиш жараёни узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўтмишни ўрганиш эса давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Уни ўрганмай туриб, келажакка назар ташлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ф. Энгельс биз учун тарих ҳамма нарсадан муҳимдир, деб бежиз айтмаган эди. Тарих эса, К. Маркс айтганидек, ўтмишнинг кўзгуси ва келажакнинг устозидир.

Археология тарихнинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўрин тутати. «Археология» термини «архайос» — қадимги, «логос» — фан, деган иккита қадимги грекча сўзнинг бирикишидан ташкил топгандир; демак, «археология» қадимги билимлар ҳақидаги фан, деган маънони билдиради. Лекин илгариги вақтда археологияни фаннинг қайси соҳасига қўшиш тўғрисида кескин баҳслар бўлиб, баъзилар уни қадимги санъат ҳақидаги фан десалар, бошқалар қадимги дунё ҳақидаги фан, яна бошқа бировлар синган сопол идишларни ўрганувчи фан деган фикрларни билдирганлар, баъзи олимлар эса уни тарих фанининг хизматкори бўлган иккинчи даражали фан, деб тушунганлар.

Тарих ва археология аслида ўзаро чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ягона фаннинг икки соҳасидир. Чунки археология ҳам тарих фани ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни ёритишда тенг иштирок этади. Шунинг учун улардан бирини бошқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мазкур фанни тарих ва археологияга, олимларни эса археологлар ва тарихчиларга ажратиш шартлидир, холос. Шу нарса равшанки, тарихнинг асосий манбаи ёзув ва унинг манбалари бўлиб, унинг пайдо бўлиши милоддан аввалги IV—III мингйилликларга бориб тақалса, археологиянинг манбалари унга нисбатан жуда қадимийдир ва бу манбаларнинг пайдо бўлиши инсоннинг ҳайвондан ажралиб чиқа бошлаш даври, яъни 2,5—3 миллион йил қадимий даврга бориб тақалади. Биз кишилик жамияти бутун тарихини 24 соат деб фараз қилсак, шундан 23 соату 56 минути ибтидоий — ёзма манбаларсиз даврга, қолган 4 минути эса ёзма тарихга тўғри келади.

Демак, кишилик жамияти тарихининг жуда катта даври археологик манбаларга таянган ҳолда қайта тиклаб талқин этилади. Зеро, археологияни тарихдан ажратиб, ёрдамчи фан тарзида иккинчи ўринга суриб бўлмайди. Кейинги бир асрда ар-

хеология соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар бу фикрни тўла-тўқис тасдиқлайди. Бинобарин, бошқа бирон фан кишиларнинг дунё ҳақидаги тасавурларини археологиячалик ўзгартириб юбора олмайди.

Археология, А. В. Арциховскийнинг таърифича, кишилиқ ўтмиш тарихини моддий манбалар асосида ўрганувчи фан бўлсада, лекин бу таъриф мазкур фаннинг мазмунини тўлиқ ифода-лаб бера олмайди. Бу жиҳатдан М. Е. Массоннинг археология—тарихнинг бир соҳаси бўлиб, кишилиқ жамияти ўтмиши ва фаолиятини хилма-хил изларга, аксарият ҳолларда моддий ёдгорликларга, имконият бўлган жойда эса ёзма манбаларга, тил, этнография, геология, тупроқшунослик, антропология, зоология, ботаника ва бошқа фанлар ютуқларига таяниб ўрганувчи фандир, деган таърифи тўлароқдир.

Демак, инсоният ўтмиш даврларини археологиясиз ўрганиб бўлмас экан. Археология инсониятнинг ўтмиш тарихини ўрганишда археологик экспедициялар натижасида топилган ибтидоий мақоғлар, қишлоқлар, шаҳарлар, мудофаа ва сув иншоотлари, қоятош расмлари ҳамда бошқа буюмларга суяниб кўради. Археологик экспедициялар дейилганда область, шаҳар, район, қишлоқ ва бошқа жойларда моддий маданият ёдгорликларини дала-тадқиқот йўли билан ўрганиш усули тушунилади.

Жойларда археологик экспедицияларни махсус илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларининг археология кафедралари, санъатшунослик институтлари, музейлар, шунингдек ўлкани ўрганиш тўғараклари ташкил этади.

Ҳозир Урта Осиёнинг барча республикаларида шаҳар, район, қишлоқ ва овулларда юзлаб археологик экспедиция ва отрядлар самарали иш олиб бормоқдалар.

Археологик экспедиция ва отрядларнинг иш услуби уч поғонали бўлиб, археологик қидирув, синов ва қазииш ишларини амалга оширишдан иборатдир, унинг вазифаси ёдгорликнинг пайдо бўлган даври, қанча яшагани, инқирозга юз тутиши ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Археологик қазиишмалар археологик қидирув ва синов натижасида қўлга киритилган маълумотларга таяниб, мазкур жойда ёдгорликни батамом қазиб тугатишдан ва ёдгорлик ҳақида хулосалар чиқаришдан иборат бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, археологик ёдгорликларнинг бир қисми ер остида ва бошқа бир хиллари ер устидадир. Археолог у ёки бу ёдгорликни қазир экан, шубҳасиз маданий қатламларга дуч келади. Маданий қатлам дейилганда инсониятнинг турмуши, ҳўжалиги ва ғоявий фаолиятининг излари сақланиб қолган тупроқ қатлами тушунилади. Чунончи, ғор-макон, очик манзилгоҳ, қишлоқ ва шаҳар маданий қолдиқларининг жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жойланиши маданий қатламини ифодамайди. Бу қатлам йиллар, асрлар ва минг йиллар оша аста-секин вужудга келади.

Археологик ёдгорликлар бир ёки бир неча ўн маданий қатламдан иборат бўлиб, уларнинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 30—35 метргача бориши мумкин. Бу эса мазкур жойда одамлар қанча вақт яшаганлигига боғлиқ бўлади.

Маданий қатлам у ёки бу ёдгорликда шурф ташлаш, кенг кўламдаги қазииш ишлари натижасида аниқланади.

Шурф аслида немисча сўз бўлиб, ўзбек тилида қазимоқ деган маънони билдиради. Шурф солиш дейилганда ёдгорликдаги дастлабки қазииш ишлари тушунилиб, шурф ташлашдан асосий мақсад маданий қатламини аниқлаш ва ёдгорлик ҳақида дастлабки маълумот олишдир. Шурф кўпинча квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклларида бўлиб, чуқурлиги ва кенглиги маданий қатламга қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Кенг кўламдаги қазииш натижасида маданий қатлам тўла очилиб, инсон фаолиятининг излари бўлмаган ергача ковлаб тушилади, археологияда у «материк»—безовта қилинмаган ер деб аталади.

Урта Осиё юксак маданият ўчоғи бўлиб, Қадимги Шарқ дунёсининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу ажойиб ўлканинг қулай табиий шароити—бой ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси энг қадимги аждодларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Бу ўлкага одамлар гуруҳи илк тош асридаёқ кириб кела бошлаган. Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистондан топилган илк тош асри маконлари фикримизнинг далилидир. Илк тош асридан кейинги мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир даврларига келиб, ибтидоий ва қадимги одамларнинг ўлка бўйлаб анча кенг тарқала бошлаганини топилмалар тўла тасдиқлайди.

Эълон қилинган адабиётлардан шу нарса равшанки, Урта Осиёнинг тоғлик, тоғолди, водий ва ҳатто Қизилқум ва Қорақум саҳроларидан тош асри маконлари ва манзилгоҳлари, энеолит ва бронза даври қишлоқлари, мазор қўрғонлари ва хумдонлар, илк темир даври қишлоқлари ва шаҳарлари, феодал шаҳарлари, сув иншоотлари ва мудофаа деворларининг қолдиқлари, шунингдек турли даврга мансуб қоятош расмлари кўплаб топилган.

Кўриниб турибдики, Урта Осиё археологик ёдгорликларининг хилма-хиллиги ва зичлиги жиҳатидан СССРдагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам фахрли ўринни эгаллайди. Демак, Урта Осиё археологлари маданий қатламлардан топган буюмлар мазкур ўлканинг ибтидоий ва қадимий тарихини ўрганишнинг энг муҳим манбаларидирки, уларни ўрганиш билан археолог ёки тарихчиларгина шуғулланмай, балки бошқа қатор фанларнинг му-тахассислари ҳам шуғулланадилар.

Урта Осиёдан топилган археологик манбаларни шартли равишда қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Табиий манбалар (палеозоология, палеоботаника)— инсон ва ҳайвон суяклари, ўсимликлар қолдиқлари ва геологик қатламлар бўлиб, уларни асосан зоологлар, ботаниклар ва геологлар ўрганадилар.

хеология соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар бу фикрни тўла-тўқис тасдиқлайди. Бинобарин, бошқа бирон фан кишиларнинг дунё ҳақидаги тасаввурларини археологиячалик ўзгартириб юбора олмайди.

Археология, А. В. Арциховскийнинг таърифича, кишилик ўтмиш тарихини моддий манбалар асосида ўрганувчи фан бўлсада, лекин бу таъриф мазкур фаннинг мазмунини тўлиқ ифода-лаб бера олмайди. Бу жиҳатдан М. Е. Массоннинг археология— тарихнинг бир соҳаси бўлиб, кишилик жамияти ўтмиши ва фаолиятини хилма-хил изларга, аксарият ҳолларда моддий ёдгорликларга, имконият бўлган жойда эса ёзма манбаларга, тил, этнография, геология, тупроқшунослик, антропология, зоология, ботаника ва бошқа фанлар ютуқларига таяниб ўрганувчи фандир, деган таърифи тўлароқдир.

Демак, инсоният ўтмиш даврларини археологиясиз ўрганиб бўлмас экан. Археология инсониятнинг ўтмиш тарихини ўрганишда археологик экспедициялар натижасида топилган ибтидоий маконлар, қишлоқлар, шаҳарлар, мудофаа ва сув иншоотлари, қоятош расмлари ҳамда бошқа буюмларга суяниб кўради. Археологик экспедициялар дейилганда область, шаҳар, район, қишлоқ ва бошқа жойларда моддий маданият ёдгорликларини дала-тадқиқот йўли билан ўрганиш усули тушунилади.

Жойларда археологик экспедицияларни махсус илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларининг археология кафедралари, санъатшунослик институтлари, музейлар, шунингдек ўлкани ўрганиш тўғараклари ташкил этади.

Ҳозир Урта Осиёнинг барча республикаларида шаҳар, район, қишлоқ ва овулларда юзлаб археологик экспедиция ва отрядлар самарали иш олиб бормоқдалар.

Археологик экспедиция ва отрядларнинг иш услуби уч поғонали бўлиб, археологик қидирув, синов ва қазиниш ишларини амалга оширишдан иборатдир, унинг вазифаси ёдгорликнинг лайдо бўлган даври, қанча яшагани, инқирозга юз тутиши ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Археологик қазинмалар археологик қидирув ва синов натижасида қўлга киритилган маълумотларга таяниб, мазкур жойда ёдгорликни батамом қазиб тугатишдан ва ёдгорлик ҳақида хулосалар чиқаришдан иборат бўлади.

— Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, археологик ёдгорликларнинг бир қисми ер остида ва бошқа бир хиллари ер устидадир. Археолог у ёки бу ёдгорликни қазир экан, шубҳасиз маданий қатламларга дуч келади. Маданий қатлам дейилганда инсониятнинг турмуши, ҳўжалиги ва ғоявий фаолиятининг излари сақланиб қолган тупроқ қатлами тушунилади. Чунончи, гор-макон, очиқ манзилгоҳ, қишлоқ ва шаҳар маданий қолдиқларининг жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда жойланиши маданий қатламни ифодалайди. Бу қатлам йиллар, асрлар ва минг йиллар оша аста-секин вужудга келади.

Археологик ёдгорликлар бир ёки бир неча ўн маданий қатламдан иборат бўлиб, уларнинг қалинлиги бир неча сантиметрдан 30—35 метргача бориши мумкин. Бу эса мазкур жойда одамлар қанча вақт яшаганлигига боғлиқ бўлади.

Маданий қатлам у ёки бу ёдгорликда шурф ташлаш, кенг кўламдаги қазиниш ишлари натижасида аниқланади.

Шурф аслида немисча сўз бўлиб, ўзбек тилида қазимоқ деган маънони билдиради. Шурф солиш дейилганда ёдгорликдаги дастлабки қазиниш ишлари тушунилиб, шурф ташлашдан асосий мақсад маданий қатламни аниқлаш ва ёдгорлик ҳақида дастлабки маълумот олишдир. Шурф кўпинча квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклларида бўлиб, чуқурлиги ва кенглиги маданий қатламга қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Кенг кўламдаги қазиниш натижасида маданий қатлам тўла очилиб, инсон фаолиятининг излари бўлмаган ергача қовлаб тушлади, археологияда у «материк»— безовта қилинмаган ер деб аталади.

Урта Осиё юксак маданият ўчоғи бўлиб, Қадимги Шарқ дунёсининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бу ажойиб ўлканинг қулай табиий шароити—бой ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси энг қадимги аجدодларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Бу ўлкага одамлар гуруҳи илк тош асридаёқ кириб кела бошлаган. Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистондан топилган илк тош асри маконлари фикримизнинг далилидир. Илк тош асрдан кейинги мезолит, неолит, энеолит, бронза ва илк темир даврларига келиб, ибтидоий ва қадимги одамларнинг ўлка бўйлаб анча кенг тарқала бошлаганини топилмалар тўла тасдиқлайди.

Эълон қилинган адабиётлардан шу нарса равшанки, Урта Осиёнинг тоғлик, тоғолди, водий ва ҳатто Қизилқум ва Қорақум саҳроларидан тош асри маконлари ва манзилгоҳлари, энеолит ва бронза даври қишлоқлари, мазор қўрғонлари ва хумдонлар, илк темир даври қишлоқлари ва шаҳарлари, феодал шаҳарлари, сув иншоотлари ва мудофаа деворларининг қолдиқлари, шунингдек турли даврга мансуб қоятош расмлари кўплаб топилган.

Кўриниб турибдики, Урта Осиё археологик ёдгорликларнинг хилма-хиллиги ва зичлиги жиҳатидан СССРдагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам фахрли ўринни эгаллайди. Демак, Урта Осиё археологлари маданий қатламлардан топган буюмлар мазкур ўлканинг ибтидоий ва қадимий тарихини ўрганишнинг энг муҳим манбаларидирки, уларни ўрганиш билан археолог ёки тарихчиларгина шуғулланмай, балки бошқа қатор фанларнинг мутахассислари ҳам шуғулланадилар.

Урта Осиёдан топилган археологик манбаларни шарҳли равишда қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Табiiй манбалар (палеозоология, палеоботаника)— инсон ва ҳайвон суяклари, ўсимликлар қолдиқлари ва геологик қатламлар бўлиб, уларни асосан зоологлар, ботаниклар ва геологлар ўрганадилар.

2. Инсон томонидан яратилган манбалар бўлиб, улар меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳалар, сопол идишлар, санъат ва зеб-зейнат буюмлари, қоятош расмлари, ёзув ҳамда ёзма манбалар ва ҳоказолардир. Шунини айтиш керакки, ёзма манбаларни ўрганиш билан хусусан тарихчилар, моддий манбаларни ўрганиш билан археологлар шуғулланидилар. Кишилиқ ўтмишини ўрганишда археологлар моддий буюмлар ва ёзма манбаларга таяниб иш қўрадилар.

Студентлар ва бошқа китобхонлар эътиборини шунга жалб қилмоқ керакки, тарихий ва археологик адабиётларда «ёдгорлик» ва «манба» терминлари кенг қўлланилади. Улар аслида бир маънони билдирувчи синоним сўзлардир. Шундай қилиб, одамлар яшаган жойлар — ибтидоий маконлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари, қоятош расмлари, истеҳкомлар, ибодатхоналар, қадимги сугориш иншоотлари археологик ёдгорликлар деб аталади.

Ўрта Осиёдан топилган барча турдаги ёдгорликлар ва улардан олинган ашёвий буюмларнинг сақланиши бир даражада эмас. Уларни чуқур ўрганиш, даврини аниқлаш, яъни тарихий манба даражасига кўтариш археолог, тарихчи ва бошқа фан мутахассисларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Археолог, тарихчи, этнограф, антрополог ва бошқа олимлар ҳамкорликда ўтказган тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиё халқлари тарихининг бир қанча муҳим масалалари ҳал этилди ва этилмоқда.

Ўрта Осиё археологлари олдида эса ўлка тарихини ўрганиш билан боғлиқ жуда кўп ишлар турибди.

Ўрта Осиё Қадимги Шарқ тарихининг ажралмас қисмини ташкил этади, кишилиқ маданиятининг илк марказларидан бири ҳисобланади. Ўрта Осиё табиий шароити хилма-хил, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой, иқлим шароити асосан мўътадил бўлганлигидан инсоннинг яшаши учун жуда қулайдир. Бу ҳол ибтидоий ва қадимги кишилар диққат-эътиборини тортмаслиги мумкин эмас эди. Шу туфайли одамлар бу ўлкада жуда қадим замонлардан бошлаб яшаганлар. Бу ажойиб, бетакрор ўлканинг ҳамма ерида ибтидоий ва қадимги давр кишилари қолдирган хилма-хил обидалар — тош асри маконлари, ғорлари, бронза даври қишлоқлари ва мазорлари, темир даври қалъалари ва шаҳарларининг харобалари, қоятошларга ишланган расмлар, сугориш иншоотларининг қолдиқлари, қадимий мудофаа деворларининг марзалари жуда кенг тарқалган.

Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маданий ёдгорликларини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Бу ўлка Россияга қўшиб олинган, бу ерга турли касбдаги кишилар кўп-лаб кела бошлади. Улар орасида маҳаллий моддий ёдгорликларга қизиқувчи кишилар ҳам бор эди.

В. В. Бартольд, В. А. Жуковский, Н. И. Веселовский каби машҳур шарқшунослар ҳамда А. Л. Кун, В. Л. Вяткин, И. Т.

Пославский, Н. П. Остроумов ва бошқа ҳаваскорларнинг Ўрта Осиё археологияси ва тарихини ўрганишдаги хизматлари каттадир. Маҳаллий ҳаваскорлардан Ақром Асқаров, М. Мирмуҳамедовларнинг ишлари ҳам диққатга сазовордир.

В. В. Бартольднинг бевосита раҳбарлигида ва таклифи билан 1895 йилда «Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги» тузилиб, унинг устави тасдиқланди. Бу тўғарак аъзолари ўлкадаги археологик ёдгорликларни ўрганиш ишига жиддий эътибор бериб, бу соҳада дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Улар Туркистон археология ёдгорликларини ўрганувчи дастлабки қалдирғочлар эдилар.

Лекин революциядан илгари иш олиб борган олимлар ва ҳаваскорлар Ўрта Осиё археологиясини мунтазам ўрганишни йўлга қўя олмадилар. Ўлка археологиясини бундай ўрганиш иши Улуғ Октябрдан кейин, Совет ҳокимияти даврида рўёбга чиқди.

Кишилиқ жамияти тарихини марксистик тарзда ўрганиш Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ бошлаб юборилди. Биринчи беш йиллик охирларига келиб, Ўрта Осиё тарихини ўрганиш ва унинг археология ёдгорликларини қидириб топиш, қазиб очиш ва тадқиқ қилиш ишларига катта эътибор берилди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё археологияси ривожланишида С. П. Толстов, М. Е. Массон, М. М. Дьяконов, А. П. Окладников, М. М. Герасимов, В. Г. Григорьев, А. Ю. Якубовский, Я. Ф. Фуломов, М. П. Грязнов, А. Н. Бернштам, А. И. Тереножкин, Б. А. Латинин, А. М. Беленицкий, В. А. Шишкин, В. М. Массон, Б. А. Литвинский, Г. А. Пугаченкова, М. А. Итина сингари машҳур археологларнинг хизматлари беқиёс даражада каттадир.

Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, сўнгги 25—30 йил ичида Ўрта Осиё археологларининг катта группаси етишиб чиққан бўлиб, улар жумласига А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов, У. Исмолов, П. И. Альбаум, Ю. Ф. Буряков, Р. Х. Сулаймонов, Н. Неъматов, В. А. Ранов, И. Ахроров, В. И. Сарияниди, К. Акишев, Х. Олтамишбоев, А. В. Виноградов, В. Н. Ягодин, О. К. Бердиев, М. Р. Қосимов, Т. Мирсоатов, Э. В. Ртвеладзе, М. Жўрақулов, Е. Б. Бижанов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳозир Ўрта Осиё археологиясини ўрганиш анча яхши йўлга қўйилган. Бу иш билан махсус институтлар, университет ва педагогика институтлари, республика ва область музейлари қошидаги кафедралар ва бўлимлар шуғулланмоқда.

Ўлка археологиясини ўрганишда Ўрта Осиё республикалари мамлакатда фахрли ўринни эгаллайди.

Ҳозир Ўрта Осиёдаги ҳар бир республикада ўнлаб мустақил археологик отрядлар иш олиб бормоқда. Уларнинг тадқиқотлари ўлка халқлари тарихини ўрганишда катта илмий аҳамият касб этмоқда.

## 1.2. АНТРОПОГЕНЕЗ — ОДАМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган Она ер беш миллиард йил муқаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей эрасининг охирида Ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юривчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут эмизувчи ҳайвонлар тарқалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи босқичларга бўлиниб, учламчи босқич 50—60 миллион, тўртламчи босқич 3—3,5 миллион йилни ўз ичига олади.

Ер тарихидаги энг буюк воқеа ҳайвонот дунёсидан одамзоднинг ажралиб чиқишидир. Олимларнинг илмий фаразларига кўра, одамзод тўртламчи босқич бошларида пайдо бўлган.

Тўртламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриморолидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисми эса тропик минтақалар эди. Учламчи босқичнинг охири ва тўртламчи босқичнинг бошларида мазкур ўлкаларда маймунларнинг хилма-хил турлари яшаган.

Улар орасида одамсимон маймунлар ҳам бўлиб, улар одамнинг энг қадимги аجدодлари эди. Улар дриопитек, рамайитек, австралопитек ва бошқалар бўлиб, шулардан австралопитеклар одамга кўпроқ ўхшашлиги билан ажралиб турарди. Австралопитек мия қутисининг ҳажми 500—600 см<sup>3</sup> бўлиб, у икки оёқда тик юрган, ўсимлик ва гўштни овқат сифатида истеъмол қилган.

1959—1960 йилларда Шарқий Африкадаги Олдувой дарасида инглиз олими Л. Лики австралопитекларга мансуб бўлган мавжудод—зинжантроп ва презинжантроп — «ишбилармон одам» қолдиқларини, дара ёнидан эса оддий тош қуроқлар топган ва улар бундан 1750000 йил муқаддам ясалган, деган фикрни билдирган эди. Л. Ликининг ўғли Ричард Лики Кения ва Эфиопия территориясидан қидирув ишлари натижасида австралопитек ва презинжантроп сингари мавжудодларнинг жуда кўп суяк қолдиқларини ва меҳнат қуроқларини топишга муваффақ бўлган.

Эфиопия презинжантроплари ҳам «ишбилармон одамлар» деб аталиб, бу мавжудодлар бундан 2,5—3 миллион йил муқаддам яшаган эканлар. Бу «ишбилармон одамлар» — архантроплар (грекча архайос — дастлабки, антропос—одам) тошдан меҳнат қуроқлари яшаш қобилиятига эга бўлганлар. Тадқиқотчиларнинг мулоҳазаларига кўра, Африка архантроплари ер юзидаги энг қадимги қазилма одамларнинг дастлабки вакиллари ҳисобланади.

Агар шимпанзе маймуни мия қутисининг ҳажми 350—400 см<sup>3</sup> ни ташкил этса, «ишбилармон одам» мия қутисининг ҳажми 670—680 см<sup>3</sup> ни ташкил этган.

Одам ҳайвонот дунёсидан узоқ давом этган ривожланиш жараёни оқибатида ажралиб чиққан. Машҳур инглиз табиатшунослари Ч. Дарвин ва Т. Гексли одамсимон маймунлар одам аجدодлари эканини таъкидлаб, эволюцион жараён натижасида одам худди шу одамсимон маймундан келиб чиққанини исбот қилганлари ҳолда диний афсоналарга қаттиқ зарба бердилар. Дарвин маймунининг одамга айланишидаги асосий омил жинсий танланишдир, деган эволюцион таълимотни яратди. Лекин у маймунининг одамга айланиши жараёнидаги буюк социал омилни—меҳнатнинг ўзгартирувчилик моҳиятини пайқаманган эди. Ф. Энгельс «Маймунининг одамга айланиши жараёнида меҳнатнинг роли» деган асаридан<sup>1</sup> Дарвиннинг эволюцион назариясига юксак баҳо берди, маймунининг одамга айланишида асосий, бош омил меҳнат эканлигини таъкидлаб, ўзининг оламшумул тарихий аҳамиятга молик меҳнат назариясини яратди. 1891—1892 йилларда голландиялик олим Э. Дюбуа Индонезиядаги Ява оролидан питекантроп (грекча питекос — маймун, антропос—одам) маймун-одамнинг суяк қолдиқларини топишга муяссар бўлди. Питекантроп мия қутисининг ҳажми 800—900 см<sup>3</sup> бўлиб, олимларнинг фикрича, бу мавжудод бундан 700—800 минг йил илгари яшаган. 1950—1960 йилларгача олимлар уни меҳнат қуроқлари ясай олиш қобилиятига эга бўлган илк одам деб ҳисоблаб келдилар. Кейинги вақтда Осиё, Африка ва бошқа жойлардан питекантропларнинг жуда кўп қолдиқлари топиб, ўрганилди. Эндиликда питекантроп Африканинг «ишбилармон одами» дан кейинги босқичда турувчи энг қадимги одам эканлиги аниқланди. Улардан энг қадимгисининг санаси бундан 1,5—1,9 миллион йилга бориб тақалади.

1927 йилда Пекин шаҳри яқинидан канадалик олим Д. Блэк топган синантроп ҳам хитой одамлари энг қадимги одамлар — архантроплар ҳисобланади, деган фикрни тасдиқлади. Синантроплар питекантропларга нисбатан анча ривожланган бўлиб, улар ҳозирги давримиздан 400—500 минг йил илгари яшаган.

Хитой олими Ву 1963 йилда Хуанхэ дарёси ўрта оқими ҳавзасидаги Ландяндан топган қазилма одам қолдиқини ҳам архантропларга киритиш мумкин. Олимларнинг фикрича, Ландян архантропи синантропга нисбатан ҳам қадимийроқ экан. Энг қадимги қазилма одамларнинг қолдиқлари Европада Германиянинг Гейдельберг, Венгриянинг Будапешт шаҳарлари яқинидан ҳам топилган. Олимларнинг таъкидлашича, улар питекантропларга анча яқин турган. Сўнгги вақтда Осиё, Африка, Европа

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1983, 143—144-бетлар.



нинг кўпгина жойларидан ҳам архантроплар яшаган манзилгоҳлар кўплаб топилмоқда.

Узлуксиз меҳнат жараёнида архантроплар жисмоний жиҳатдан ривожланиб, қадимги одамлар — неандерталларнинг шаклланиши учун замин ҳозирлаганлар.

Архантроплардан кейинги босқич кишилари фанда қадимги одамлар номи билан машҳур бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар замонамиздан 100—50 минг йил муқаддам яшаганлар.

Қадимги одамларнинг қазилма қолдиқлари дастлаб 1948, 1964 йилларда Испаниянинг Гибралтар бўғози районида, сўнг-ра 1970 йилда Германиянинг Неандерталь водийсидан топилган. Жойнинг номидан келиб чиқиб, бу одамни неандерталь деб аташ расм бўлган.

Неандерталь типидagi одамларнинг қазилма қолдиқлари сўнгги вақтда ер юзининг турли бурчакларидан топилди ва топилмоқда. Қадимги одамлар жисмонан анча бақувват бўлиб, уларнинг бўйи ўртача 165 см бўлган. Улар тошдан хилма-хил меҳнат қуроллари ясаганлар.

Неандерталь қиёфадаги одамларнинг қазилма қолдиқлари Африкадан, Урта денгизининг шарқий қирғоқларидан, Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари территориясидан, Қора денгиз бўйларидан, Шарқий Европадан ва Осиё ерларидан кўплаб топилган.

Неандерталларнинг ташқи қиёфаси ва фикрлашида соддалик, маймунга хос белгилар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг бош миёси у қадар ривож топмаган эди. Лекин улар архантроплардан жуда узоқлашиб кетиб, ҳозирги қиёфадаги одамларга жуда яқинлашиб қолган эдилар.

✓ Ибтидоий жамоа тузумининг ўрта тош асридаги объектив ва субъектив сабабларга кўра биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандерталь қиёфадаги одамлар ҳозирги қиёфадаги кишиларга айлана бордилар. Улар ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирги қиёфадаги кишилар вужудга келди, шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига етди. Худди шу даврда европеоид, негроид ва мўғил каби дастлабки ирқлар вужудга келди. ✓

✓ Инсоният ўзининг ҳозирги қиёфасига етиб келгунича 10—15 миллион йиллик катта тарихий даврни босиб ўтди. Бу кишилар фанда хома сапненис — ақл-идрокли одамлар, деб аталади. ✓

✓ Одамнинг пайдо бўлиши Ердаги энг буюк ҳодисалардан бири бўлиб, у дастлаб тошдан оддий чўқмор ясаган бўлса, узлуксиз меҳнат, интилиш ва қайта қуриш натижасида юксак маданият яратиш даражасига етиб келди. ✓

✓ Урта Осиёнинг қулай географик шароити ибтидоий даврнинг илк босқичлариданоқ кишилар диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Жанубий Қозоғистоннинг тоғ ва тоғолди районларида, Қирғизистоннинг тоғ водийларида, Тожикистонда, Туркменистоннинг Қопетдоғ этакларида, Каспий денгизи бўйларида, Қизил-

дум ва Қорақум ичкарисидаги қадимги кўллар атрофида, Ўзбекистондаги Оҳангарон, Чирчиқ, Қорақамниш дарёлари водийларида, Қоратоғ, Вауш тоғлари ёнбағрида, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё водийлари, Фарғона водийси ва унинг тоғлик районларидан ашель, леваллуа ва мустье, қадимги тош асрининг ўрта ва сўнгги босқичи, мезолит ва янги — неолит, хуллас тош асрининг ҳамма босқичларига мансуб ёдгорликлар топилди. Бу топилмалар Урта Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган районларга қўшиш имконини беради. -

- Ҳозирги вақтда олимлар одамзоднинг ҳайвонот олаmidан биринчи бор қаерда ажралиб чиққани, яъни унинг дастлабки ватани ҳақида ягона фикрда эмаслар. Ч. Дарвин ўз вақтида одамзоднинг бешиги Африка қитъаси эканлигини айтиб ўтган эди. Инглиз олимлари Ликилар кейинги ўттиз йил ичида олиб борган тадқиқотлар натижалари кўп олимларни шу фикрга моил қилиб қўйди. Лекин Шарқий, Шарқи-Жанубий ва Жанубий Осиёда, Кавказ, Урта Осиё, Марказий ва Жанубий Европа территориясидан топилган илк тош асри ёдгорликлари одамнинг илк ватани Африкагина эмас, балки Европанинг катта қисми, Осиё шарқи, жануби, Урта Осиё ва Кавказ ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Бу мураккаб масала ҳали ҳал қилинган эмас, уни узиб-кесиб ҳал қилиш келгусининг ишидир. -

- Давр ва сана Урта Осиё тарихи ва археологияси учун ҳам катта аҳамият касб этади. Санаси ёки даври аниқ бўлмаган бирор буюм ва манзилгоҳ кишилик жамияти тарихини ўрганишда чин маънодаги археологик ёдгорлик ва тарихий манба бўла олмайдди. -

Археологлар моддий маданиятга оид буюмларни ўрганиб, кишилик жамияти тарихини қуйидаги тўрт катта тарихий даврга бўладилар: Тош асри (даври); Энеолит — мис-тош асри (даври); Бронза асри (даври); Темир асри (даври).

✓ Қадимги тош даври палеолит, ўз навбатида, уч босқичга — илк, ўрта ва сўнги палеолитга бўлинади. Палеолит давридан сўнг мезолит — ўрта тош даври келиб, у Урта Осиё ёдгорликларида икки босқич билан характерланади. Мезолит милоддан аввалги XVII—VII мингйилликларни ўз ичига олади.

✓ Мезолитдан сўнг тош даврининг сўнги, якунловчи босқичи — неолит — янги тош асри бошланиб, у ҳам илк ва сўнги неолитга ажратиб ўрганилади. Неолит милоддан аввалги VI—IV минг йилликларни ўз ичига олади.

✓ Неолит ва бронза даври оралиғида энеолит — мис-тош асри деган босқич бўлиб, у милоддан аввалги IV мингйилликнинг охиридан III мингйилликнинг ўрталаригача давом этади. Ундан кейин эса бронза даври бошланади. Урта Осиё шароитида у ибтидоий жамият тарихининг якунловчи босқичини ўз ичига олиб, милоддан аввалги III мингйилликнинг охири ва II мингйилликни ўз ичига олади. Бу давр ибтидоий жамият тарихининг емирилиши, хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг келиб чиқи-

ши учун шарт-шароитлар яратди. Бронза давридан кейинги темир даври Урта Осиёда ва унга туташ жойларда хусусий мулк, снфлар ва давлатнинг келиб чиққанлиги билан характерланиб, милоддан аввалги VII—VI асрлардан бошланади.

Урта Осиё тарихи археологиянинг ижтимоий ташкилотларига кўра қуйидаги даврларга бўлинади: Ибтидий тўда даври; Уруғчилик тузуми даври. Уруғчилик, ўз навбатида, иккига—она уруғи ва ота уруғи даврларига бўлинади.

**Уруғчилик тузумининг инқироzi даври.** Урта Осиё археологияси геологик нуқтаи назардан қуйидаги даврларга бўлинади (Тош асри археологиясининг даврларини тўртламчи давр босқичлари билан қиёслаш):

	Тўртламчи давр босқичлари	Тош асри санаси		Қадимги тош асри даврлари
Плейстоцен (музликлар)	Голоцен	минг йил ҳисоб.		Сўнгги палеолит
		10	10	
	Вюрм	-80	35	
	Рисс-вюрм	-120	-100	
	Рисс	-200	-300	
	Миндель-рисс	-350		
	Миндель	-500		Қадимги ашель
Эоплейстоцен	Гюнц-миндель	-700	-700	Олдувай
	Гюнц	-1000		
	Дунай	-2000	-2600	
Неоген				

## 2-б о б. УРТА ОСИЁНИНГ ТОШ ДАВРИ ЁДГОРЛИҚЛАРИ

### 2.1. ҚАДИМГИ ТОШ АСРИ — ПАЛЕОЛИТ

Кишилиқнинг энг қадимги тарихи палеолит деб аталади. У грекча палайос — қадимги ва йтос — тош деган икки сўздан ташкил топган.

Археологик нуқтаи назардан қадимги тош асри уч даврга бўлинади: Илк тош даври; Урта тош асри; Қуйи тош асри.

**1. Илк тош даври.** Биологик ва меҳнат жараёнида архонтроплар маймунлар дунёсидан жуда узоқлашиб кетдилар. Бу жараён меҳнат қуроллари ясаш жараёнида бошнинг тўғриланиши, қўлнинг меҳнат фаолияти учун бўшаши, унинг энди алоҳида вазифа бажариши, овқатнинг ўзгариши, гўштлиқ овқат истеъмол қилиниши ва бошқа табиий ҳамда ижтимоий омиллар маймуннинг тобора одамга яқинлашишига олиб келди.

Совет Иттифоқида кишилиқ маданиятининг энг қадимги қолдиқлари ашель даврига мансуб бўлиб, улар Украина ва Кавказдан топилган. Урта Осиё ва Қуйи Волга бўйларида ашель даври ёдгорлиқлари бирмунча кенг тарқалган.

Улуғ музланиш арафасида одамлар оловнинг фойдали хусусиятларини яхши ўрганиб олганлар, фил, каркидон, бугу, зубр каби йирик ҳайвонларни овлаганлар. Ашель давридаёқ ибтидий овчилар бир жойда узоқ яшаб, ўтроқликка ўта бошлаганлар. Янги топилмалар кишилиқнинг илк босқичидаги хўжалиқ ҳаёти ҳақидаги аввалги тасаввурларимизни ўзгартиришга олиб келди. Шу нарса аниқландики, содда овчилик ва оддий термачилиқ тирикчиликнинг асосий воситаси ҳисобланган.

Ёғоч ва тош қуроллар билан қуролланган овчилар ўзларининг муайян социал ташкилотларига эга бўлган бўлишлари ва бу ташкилотлар улар меҳнат фаолиятини анча енгиллаштирган бўлиши керак.

Ибтидий давр кишисининг энг катта ютуқларидан бири оловнинг ўзлаштирилиши бўлиб, бу ҳодиса милоддан 300—150 минг йил муқаддам, эҳтимол ундан ҳам олдин содир бўлгандир. Шу туфайли бўлса керак, жанубий ўлка халқларининг афсоналарида осмон оловини ўғирлаб келган афсонавий қаҳрамонлар ҳақида ривоятлар кенг тарқалган. Прометей ва бошқалар ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир.

Совет фанида тайёр одам бундан 35—40 минг йил муқаддам пайдо бўлган, деган назария бор. Бу масалада жуда кўп мулоҳазалар мавжуддир.

Ашель даврининг охирларида маданият соҳасидаги жиддий силжишлар натижасида анча мукаммаллашган неандерталь одамлари пайдо бўлиб, улар Евросиёнинг шимолӣ ва шимол-шарқий районлари сари аста-секин силжиб борганлар.

**2. Урта тош асри.** Баъзи олимлар мустъе даврини илк тош асрига мансуб деб ҳисоблаганлар, бошқалари эса алоҳида босқичга мансуб деб қарайдилар. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мустъе неандерталлари ёрларда ҳам, улкан мамонт суякларидан тайёрланган турар жой — чумаларда ҳам истиқомат қилганлар. Мазкур даврда одамлар оловни сақлабгина қолмай, балки қуруқ ёғочни бир-бирига ишқалаш йўли билан ёки чақмоқтошни бир-бирига уриш натижасида олов ҳосил қилган бўлишлари керак. Мазкур усуллар кейинги даврда дунё халқлари тажрибасида кенг қўлланилганлиги кузатилган. Бу милоддан 100—50 минг йил илгари содир бўлган буюк ҳодиса эди.

Урта тош асри кишиларининг асосий машғулоти мамонт, бизон, буғу, тоғ эчкиси, архар ва бошқа ҳайвонларни овлаб кун кўриш бўлиб, овчилик улар хўжалигида муҳим ўрин тутган. Овчилар чақмоқтош, ўқ қадалган найзалар, гавронлар билан қуролланган эдилар. Лекин термачилик ҳам улар хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган (айниқса жанубий ўлкаларда). Мустьенинг бошланиши ресс-вюрм музликлараро даврига тўғри келиб, бу даврда иқлими анча юмшаган катта-катта ўрмонлар пайдо бўлган.

Олимлар шу пайтгача об-ҳаво анча салқин — йнллик ҳарорат Цельсий бўйича ўртача 12 даражани ташкил қилган, деб тахмин қилар эдилар. Аммо Ғарбий Германияли олим Вигхарт фон Кенигевальднинг ҳисоблашига кўра, узоқ ўтмишда об-ҳаво ҳозиргига қараганда иссиқроқ бўлган экан. У Дармштадт яқинидан топилган бегемот ва қўтосларнинг суяк қолдиқларини ўрганиб, шундай хулосага келган.

Мустье даврига келиб, мурдаларни сунъий тарзда ковланган қабрга кўмиш биринчи бор қўлланилганки, бу анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганлигидан далолат беради. Баъзи олимларнинг фикрича, бу вақтда уруғ жамоа ташкилоти вужудга кела бошлаган. Лекин бу ҳали жуда мунозарали масаладир. Уруғ жамоа ташкилоти узоқ ривожланиш босқичини талаб этувчи жараён бўлиб, ўрта тош асри охирида содир бўлган бўлиши керакки, бу янги одам—кроманьон-гомосапиенс одамининг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёндир.

**3. Сўнгги палеолит даври.** Бу давр олдинги босқичларга нисбатан анча яхши ўрганилган. Мазкур давр иқлим ҳали юмшамаган, музлик даври давом этган, иқлим анча совуқ давр эди. Лекин одам яхшигина қуролланган бўлиб, яшаш учун курашга тайёр эди. Сўнгги палеолит кишиларининг хўжалиги аралаш бўлиб, унинг асосини мамонт, носорог-каркидон, бизон, тур, буғу ва бошқа йирик ҳайвонларни овлаш ташкил этар эди. Айни пайтда балиқчиликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаган, ёввойи мевали дарахтларни, дов ва илдизмевали ўсимликларни териб, овқат сифатида истеъмол қилиш кенг тарқалган эди.

Ибтидоий кишилар ясаган тош қуроллар иккига бўлинган бўлиб, уларнинг бири ов, иккинчиси эса меҳнат қуроллари эди.

Тош найзалар, пичоқлар, қирғичлар, тешигичлар ов қуроллари ҳисобланиб, тошдан ясалган қуроллар, тери ва бошқалар меҳнат қуроллари эди.

Ғарчи ёғочдан ясалган қуроллар бизгача сақланиб қолмаган бўлса-да, ибтидоий кишилар ундан жуда зарур меҳнат ва ов қуроллари ясаганликлари шак-шубҳасиздир. Қадимги аждодларимиз ҳайвон суякларидан ҳам кўплаб қуроллар ясаганлар. Гарпунлар, найзалар, найза отқичлар шулар жумласидандир.

Қуйи палеолит даврида мамлакатимизда, хусусан Урта-Осиёда сунъий ясалган турар жойлар кенг тарқалган бўлиши керак.

Булар ертўла, ярим ертўла ва чайла шаклидаги бошпана бўлиб, улар устига ва ён томонларига ҳайвон суяклари терилиб, унинг устидан эса ҳайвон терилари ташланган, ёки қамиш босилган. Бундай турар жойлар ва маконлар кўп тарқалган. Уларнинг аксарияти тоғлик ва тўқайзорга яқин жойлардан топилган.

Бошпана, чайла, манзилгоҳларни ўрганиш олимларга бу давр кишиларининг уруғ-уруғ бўлиб яшаганлигидан далолат беради. Бундай уруғлар бирлашиб, уруғ жамоасини ташкил этган.

Кичик-кичик уй-жойлар бўлганлиги жуфт оилалар пайдо бўлганидан дарак беради.

Ибтидоий мазорларни ковлаш вақтида уларнинг баъзиларидан мурда қолдиқлари билан бирга мамонт дандони ва суякларидан ясалган қурол ва безаклар ҳам топилган.

Кейинги вақтда олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйи палеолитга келиб, ер юзининг айрим жойларида, муайян территорияларда овчи қабилаларнинг алоҳида археологик маданияти вужудга кела бошлаганлигидан дарак беради.

Сўнгги тош асридаги энг муҳим ўзгаришлардан бири санъатнинг келиб чиқишидирки, бу кишилик маданияти тарихида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу жиҳатдан Франция, Испания, Италия территориясидаги ва бошқа жойлардаги ғорлардан бўёқ билан чизилган расмларнинг топиллиши диққатга сазовордир. Сўнгги вақтда СССР территориясидаги Капова ғори, Лена ва Амур бўйлари, Урта Осиё тоғлари орасидан ҳам қуйи тош ва мезолит даврига мансуб расмлар топилди. Улар Зараутсой, Хуртакасой, Биттик-чашма ва Сариез расмларидир. Уларда каркидонлар, мамонтлар, одамлар, от, буқа, ит, тулки, чўчқа ва жайронлар, ўқ-ёйлар, тоғ эчкилари ва бошқа нарсаларнинг тасвирлари маҳорат билан ишланган. Бу расмлар уруғчилик тузуми даври кишилари хўжалик ҳаётининг баъзи томонларини ўрганишда ва диний тушунчалар билан танишишда биз учун қимматли далилдир.

Сўнгги палеолит даврига мансуб маконлардан суякдан ишланган аёл ҳайкалчалари кўплаб топилди. Олимларнинг илмий фаразларига кўра, бу ҳайкалчалар ҳосилдорлик, ҳаётий куч, кишилик уруғининг яшаши зарурлигининг аёллар тимсолидаги рамзи бўлиб, уй ва ўчоқ эгаси ҳисобланган, бинобарин, уруғ унинг номи билан бошланган. Бу она уруғи номи билан боғлиқ жараёнлар эди. Сўнгги тош даври — уруғчилик жамоасининг, дастлабки она уруғининг даври эди. Уруғчилик тузуми ибтидоий жамоа тузуми даврининг алоҳида босқичини ташкил этиб, она уруғи даври унинг бошланиши эди.

Сўнгги тош асри манзилгоҳларини ковлаш вақтида суякдан, лойдан ва бошқа нарсалардан ишланган аёл ҳайкалчаларининг топиллиши аёлларга эътиқоднинг кучли бўлганини билдирса, иккинчи томондан, ўша даврда жамоада она-аёлларнинг маъқеи баланд бўлганлигидан, бинобарин, уруғ онадан бошланганлигидан дарак беради. Оила-никоҳ муносабатларидаги тартибсизлик

натижасида туғилган болалар отасининг кимлигини билмаганлар, улар онасининг бағрида тарбияланиб ўсганлар. Она ва аёллар уй хўжалигида муҳим роль ўйнаб, ўчоқдаги оловни, бошпанани, болаларни асраб, парвариш қилганлар. Катта ёшдаги аёллар уруғ ҳисобини олиб борганлар, ташқи никоҳга нисбатан қатъий тартиб ўрнатганлар, ўзаро қариндош-уруғлар орасидаги никоҳ аста-секин бекор қилина бошлаган, оиланинг ички тартиби устидан кучли назорат қилиб турганлар.

**Қадимги тош асри ёдгорликлари.** Ўрта Осиёдаги қадимги тош асри ёдгорликлари ва уларнинг маданий қатламларидан топилган ашёвий далилларга қараб ҳукм чиқарилса, бу ўлкага одамлар жуда эрта келиб ўрнаша бошлаганини билиш мумкин.


Ўрта Осиё археологияси билан шуғулланган олимларнинг мулоҳазаларига кўра, бу ерга ибтидий одамлар милоддан 400—300 минг йиллар муқаддам, ҳатто ундан ҳам илгари келиб ўрнаша бошлаганлар. Бу энг қадимги тош асрининг шель-ашель босқичига тўғри келади.

Гарчи Ўрта Осиё территориясидан топилган ибтидий кишиларнинг энг қадимги тош даври ёдгорликлари ўрта ва сўнги тош даври ёдгорликларига нисбатан камроқ ўрганилган бўлишига қарамай, мазкур даврга мансуб ёдгорликлар ҳам топилган. Бу ёдгорликлар топилган жойлар Қўлбулоқ, Учтут, Бўриқазиган, Танирқазиган, Онарча, Қоратангир, Қизқалъа, Янгажа, Такали, Камар, Шабакти, Учбулоқ, Узунбулоқ, Қоратоғ, Лохутий I, Ҳаволанг ва бошқалардир. Бу ёдгорликларнинг маданий қатламларидан топилган ашёлар, хусусан меҳнат қуроллари ўзининг қадимийлиги, соддалиги, қўполлиги билан кейинги даврларнинг меҳнат қуролларидан фарқ қилиб, ашель даври қуролларига жуда ўхшайди.

Энди юқорида қайд этилган маконлар ҳақида қисқача, лекин алоҳида тўхталиб ўтамиз.

**Қўлбулоқ макони.** Бу макон Тошкент область, Оҳангарон райони территориясида бўлиб, Чотқол тоғининг жанубий ёнбағрида, Қизил олма сойининг чап соҳилидаги Қўлбулоқ деган манзилга жойлашган. Қўлбулоқ макони фанга 1963 йилдан бери маълум бўлиб, ўша йилдан бери у ерда муттасил қазиниш ишлари олиб борилмоқда.

Қўлбулоқ очик тарздаги кўп қатламли макон бўлиб, ундан 41 та қатлам очилган, унинг юқори қатламлари сўнги тош ва мустье даврлари билан белгиланади. Унинг қуйи қатламларидан эса ашель даврига мансуб жуда кўп қўпол тош қуроллар, хусусан чақмоқтош ва сланецли чақмоқтошдан ясалган қуроллар топилди. Нуклеуслар, парракчалар, қўл чопқилари, содда тош қирғичлар ҳам топилган бўлиб, улар ишланиш техникаси жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Айни вақтда мазкур маданий қатламдан кул, кўмир қолдиқлари ва одамга жиб ташлаган ҳар хил ёввойи ҳайвонлар суяклари ҳам топилган. Бу макон маданий қатламларидан топилган суяк ва бошқа буюм-



1-расм. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги тош асри ёдгорликлари картаси.

I. а) очик тарздаги илк тош асри манзилгоҳлари; б) гор ва унгулардаги илк тош асри манзилгоҳлари; в) илк тош асри устахоналари ва шахталари; г) очик тарздаги сўнги тош асри манзилгоҳлари; д) сўнги тош асрига мансуб гор ва унгулар; е) сўнги тош асрига мансуб шахта ва устахоналар; ж) ҳар хил даврга мансуб кўп қатламли очик тарздаги манзилгоҳлар; з) ҳар хил даврга мансуб кўп қатламли гор ва унгулар; и) ҳар хил даврга мансуб кўп қатламли шахталар ва устахоналар.

II. Йирик белгилар ёдгорликлар бир неча гуруҳли эканлигини, майда белгилар эса айрим ёдгорликларни билдиради.

1) Янгажа, Қашқир булоқ I, II; 2) Бекарсалондоғ; 3) Томчисув, Стангедов; 4) Тешиктош, Амир Темур; 5) Худжи; 6) Қўҳи Ниёз, Қора Бура; 7) Тожикистон Қоратоғи; 8) Оғзи Кичик; 9) Лохутий; 10) Шугнау; 11) Семиганч; 12) Жар Қўтон; 13) Самарқанд; 14) Омон Қўтон; 15) Қўтирбулоқ; 16) Учтут; 17) Қайроққум; 18) Хўжа Ғайр; 19) Фарғона манзилгоҳи; 20) Бўзсув; 21) Қўлбулоқ; 22) Хўжакент; 23) Обираҳмат; 24) Охна; 25) Қоччиғай; 26) Он Арча; 27) Тоссор; 28) Георгиев Бугор; 29) Бўриқазиган, Танирқазиган; 30) Қорасув; 31) Турлан давони; 32) Есен 2; 33) Қизил нура; 34) Манқишлоқ; 35) Туранг дарёси; 36) Хонтау; 37) Жаман Айбат; 38) Обалсан, Музбел; 39) Қорабош; 40) Батпак; 41) Ангресор 2; 42) Овул Канай, Свищатка; 43) Ново-Никольск; 44) Пещера (гор).

ларнинг хусусиятига қараб, қўлбулоқликлар овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар ва шу асосда тирикчилик ўтказганлар, деган хулосага келиш мумкин.

Қўлбулоқ макони фақат Ўзбекистонда ёки ҳатто Ўрта Осиёдагина эмас, балки Иттифоқ миқёсида энг қадимги тош асри ёдгорлигининг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг яна икки еридан — Жанубий Фарғонадаги Селунғур ва Тошкент областидаги Болттоғор маконларидан ашель даврига мансуб қўпол тош қуроллар ва бошқа ашёвий

буюмлар чиққан. Айни пайтда Селунғур маконининг маданий қатламидан энг қадимги одам — архантропнинг тиши ва суяк парчалари ҳам топилган.

**Учтут — Ижонд — Вауш маконлари.** Мазкур маконлар Самарқанд областининг Навоий районидаги Олчин қишлоқ Советига қарашли Ленинград колхози территориясида — Қоратоғ жанубий қиялиги бағрида жойлашган.

Бу ердаги Кавоби ёдгорлиги чақмоқтош хом ашёси қазиб олинган шахта бўлиши билан бирга илк тош асри кишиларининг очиқ манзилгоҳи ҳам бўлган экан. Кавоби яқинида Ижонд, Вауш каби маконлар бўлиб, уларнинг қуйи қатламларидан ҳам чақмоқтошдан ишланган жуда қадимий қўпол чопқилар, нуклеуслар, учринди ва бошқа қуроллар топилган.

Учтут — Ижонд — Вауш маконларидан топилган ашёларнинг санаси ҳақида археологлар ягона фикрда эмаслар. Баъзи археологлар мазкур маконнинг қуйи қатламидан топилган ва ер юзасидан терилган қуроллар ашель даврига мансуб, деб фараз қилсалар, бошқалари мустье даврига тааллуқли бўлиши мумкин, деган фикрни билдирадилар. Фикримизча, мазкур жойдан топилган тош қуроллар ашель-мустье даврига оиддир.

Жанубий Қозоғистон ерларидан сўнги 30 йил ичида илк тош асрига мансуб кўплаб ёдгорликлар топилди. Шулар орасида Такали I, II, III, Танирқазиган, Бўриқазиган, Қамар ва Шабакти I жой-маконлари алоҳида аҳамиятга молик ёдгорликлар ҳисобланади.

**Такали жой-маконлари.** Бу маконлар комплекси Қоратоғ тизмаси ёнбағридаги Такали деган жойда бўлиб, у Қўктол дарёси ёки Такали булоқ чашмасидан 5 км шарқдадир.


Такали жой-маконидан йирик тош чопқилар, йирик учриндилар ва юмалоқ тошлар топилган.

Такали I, II, III деб аталмиш жойлардан эса 300 дан ортиқ тош буюм ва тош қуроллар топилган. Тош буюм ва қуроллар майда заррачалик қора ва кулранг-қорамтир чақмоқтошдан ясалган. Чақмоқтошнинг бу турлари алоҳида қоялар, ҳарсанг тошлар ва шағал тошлар шаклида Кичик Қоратоғнинг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий, шунингдек, Аристанди ва Чаян дарёлари дарасида кўп учрайди; тош асри кишилари эса тош қурол учун хом ашёни ана шу жойдан олган бўлсалар керак.

Такалидан топилган тош қуроллар ўзининг соддалиги, катталиги, қўполлиги билан қадимий кўренишга эга бўлиб, Абхазиянинг (Грузия ССР) Яштуха, Сатанидар деган жойларидан, Шимолий Осетия ва Паластиндан топилган сўнги ашель даври қуролларига ўхшаб кетади. Шунинг учун Такали тош қуроллари илк тош асрининг сўнги босқичи — ашель-мустье даврига, яъни милоддан аввалги 300—100 мингйилликларга мансуб бўлиши мумкин.

**Бўриқазиган ва Танирқазиган жой-макони.** Бўриқазиган, Қамар ва Танирқазиган маконлари Кичик Қоратоғнинг жануби-

ғарбий томонидаги қияликда жойлашган. Қидирув ва дала ишлари вақтида бу маконлардан чақмоқтошдан ишланган қўл чопқилари, учриндилар ва ҳар хил шаклдаги нуклеуслар топилган. Бу қуроллар ва тош буюмлар шакл жиҳатидан Шарқи-жанубий Осиё ва Африкадаги илк тош асри маконларидан топилган қў-



2-расм. Илк палеолит даври тош қуроллари (Он Арча ва Кичик Қоратоғ маконлари).

қуйилиш ерида жойлашган. Маданий қатламлардан жуда кўп тош қурооллар қазиб олинган.

Қуроолларнинг аксарияти чақмоқтошдан тайёрланган бўлиб, кўпчилигига иккинчи марта ишлов берилган. Лохутий I нинг маданий қатламларида дарё тошларидан ясалган меҳнат қурооллари ҳам учрайди. Бу маконнинг маданий қатламларидан топилган буюмлар орасида нуклеуслар кўпроқ учрайди. Улар гардишсимон ва хилма-хил шаклларга эга. Лохутий I да қирғич ва қирғиччалар, чопқилар ва уйдим-чуқур шаклдаги бошқа қурооллар ҳам учрайди. Айни вақтда учриндилар, сунъий ушатишган тош парчалари ҳам кенг тарқалган.

Лохутий I жой-маконидан топилган тош қурооллар ҳар жиҳатдан қиёсий ўрганилиб, геологик ва термолюминесцент усули билан текширилганда унинг санаси 120—130 мингйиллик қадимийликка эга эканлиги аниқланди.

Демак, Лохутий I ҳам Урта Осиёдаги, хусусан Тожикистондаги илк тош асри маконларидан бири эканлиги, яъни рессвюрм музлиги даврига мансублиги аниқланди.

Бу ёдгорлик ёши жиҳатидан Қоратоғ I ва Хаволангдан кейин учинчи ўринда туради ва Тожикистондаги илк тош асри ёдгорлигининг ноёб намунаси ҳисобланади.

Тожикистон территориясидан кишилик жамияти тарихининг илк ва қадимги даврига мансуб ёдгорликлар топилган. Лекин Урта Осиёнинг бу ғарбий қисмидан илк тош асрига мансуб ёдгорликлар Қозоғистон ва Тожикистонга нисбатан камроқ топилган.

Машҳур археолог олим А. П. Окладников ва унинг шогирдлари олиб борган археологик қидирув ишлари натижасида 1947 йилда Тожикистоннинг жанубидаги Копетдоғ этакларидан илк тош асрига мансуб ёдгорликлар топилди ва ўрганилди.

Тожикистоннинг жанубидан топилган илк тош асри ёдгорликлари орасида Янгажа ва Қора Тангер жой-маконлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Археологлар ўша йили Янгажа ва Қора Тангер оралигидаги жойдан жуда қадимий синиқ-учиринди ва иккита қўл чопқини топганлар. Тош қурооллар ҳар томонлама ўрганилиши натижасида уларнинг санаси сўнгги ашель даврига мансуб эканлиги аниқланган. Бу милоддан аввалги 200—150 минг йил қадимий даврга тўғри келади.

Жанубий Тожикистондаги Бекарслонтоғ жой-макони Ашхабод — Красноводск темир йўли ёқасида бўлиб, у ердан ҳам илк тош асрининг сўнгги ашель даврига мансуб тош қурооллар топилган.

Марказий Копетдоғнинг икки жойидан қадимги тош асрига мансуб жой-макон топилган бўлиб, шундан Томчисув булоғи яқинидаги макон диққатга сазовордир.

Томчисув жой-маконидан 20 дан ортиқ қадимий тош қуроол-

лар топилди; В. А. Ранов уларни сўнгги ашель даврига мансуб деб фараз қилади.

Сўнгги 35—40 йил ичида Урта Осиё археологияси катта муваффақиятларни қўлга киритди. Улка территориясидан илк тош асрига мансуб 20 дан ортиқ жой-маконлар топилди. Бу ёдгорликларнинг аксарияти тоғ ва тоғолди районларида бўлиб, баъзиларининг текисликлардан топилган. Бу ҳол бизга илк тош асри аждодларимиз озиқ-овқат хом ашёсига бой тоғлик районларда кўпроқ яшаганини кўрсатади.

Илк тош асри археологияси билан шуғулланган олимларимизнинг фаразларига кўра, илк тош асри ёдгорликларидан баъзиларининг санаси милоддан аввалги 500—300 минг йил қадимий даврга бориб тақалса, баъзилари 200—250 мингйиллик, бошқалари эса 100—200 мингйиллик тарихга эга экан. Бундан Урта Осиёга одамлар жуда эрта кириб келиб жойлаша бошлаганлар, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур давр кишиларининг қурооллари ўзининг соддалиги, кўполлиги, хилларининг камлиги жиҳатидан сўнгги тош асри меҳнат қуроолларидан тубдан фарқ қилган.

Фанда архантроплар деб аталган одамлар ишбилармон кишилар бўлиб, жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан фарқ қилар эдилар. Улар асосан термачилик ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар, табиат олдида жуда ожиз бўлиб, унда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб яшаганлар. Улар на диний тушунчаларни, на ҳунармандчиликни, на деҳқончиликни ва на чорвачиликни билганлар.

Демак, Урта Осиёнинг илк тош асри маконларида ўзларининг меҳнат фаолияти изларини ва қуроолларини қолдирган кишилар энг қадимги одамларга — архантропларга мансуб бўлганлар.

Урта тош асри — мустье қадимги тош асри маданиятининг ажралмас ва таркибий қисми бўлиб, бевосита узоқ давом этган илк тош асрининг давомини ташкил этади. Урта тош асри — мустье даври маданияти илк тош асри ва янги тош асрига нисбатан яхши ўрганилган. Урта Осиёда мустье маданиятини ўрганиш 1938 йиллардан бошланган бўлиб, қарийб 50 йиллик тарихга эга. Ана шу йиллар мобайнида Урта Осиёнинг турли районларидан 100 дан ортиқ мустье ёдгорликлари топилди, уларни атрофлича ўрганишга киришилди, шу давр маданиятига оид кўплаб мақолалар, тўпламлар ва рисоалар чоп этилди.

Урта Осиёдаги энг машҳур мустье ёдгорликларига Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент, Қўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Учтут, Қайроққум, Оғзикичик, Семиганч, Оқжар, Қора-бура, Кухи-Ниёз, Тоссар, Қанчиғай, Қашқирбулоқ, Қоратангир ва бошқа қатор жой-маконларни киритиш мумкин. Булардан ташқари, номлари ҳали машҳур бўлмаган ўнлаб мустье даври ёдгорликлари мавжудки, уларнинг жамини ҳисоблаганда қадимги тош асрининг

Ўрта босқичига мансуб мустье даври маконлари Ўрта Осиёда 300 га яқинлашиб қолади.

Биз энг машҳур мустье ёдгорликлари устида мазкур қўлланма ҳажми имкон берганича қисқача, лекин алоҳида, унча машҳур бўлмаган ёдгорликлар ҳақида эса умумий маълумот бериб ўтиш билан kifояланамиз.


**Обираҳмат гор-макони.** Мустье даврига мансуб гор-маконлардан бири шу Обираҳмат горидан топилган. У Тошкент шаҳридан 100 км шимоли-шарқда, Фарбий Тянь-Шань Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори соҳилида жойлашган. Гор ёйсимон шаклда бўлиб, эни 20 метрдан ортиқдир, жанубга қараган, сатҳи кенг, қуруқ ва ёруғ.

Ковлаш натижасида горда одамлар узоқ вақт яшаганлиги равшан бўлди. Шунинг учун унда 10 метр қалинликдаги 21 та маданий қатлам вужудга келган. Горда ибтидоий одамлар маданияти ва ҳаётини акс эттирувчи маданий қатламлар сақланиб қолган. Унинг маданий қатламларидан оҳак тошли чақмоқтошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари ва буюмлар, чупончи, нуклеуслар, парракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар ва куракчалар, учриндидан тайёрланган пичоқлар ковлаб олинган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ортади. Горнинг маданий қатламларидан топилган қуролларнинг ишланиш техникаси ўзига хос бўлиб, призма шаклидаги ёрма техника, қисман леваллуа типидagi техника билан характерланади.

Гордан ҳайвон суякларидан ясалган бигизлар, шунингдек асл буғу, тоғ эчкиси, тўғғиз, жайрон, гор шери, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Олимларнинг фаразларига кўра, гордаги одамлар милoddan 120—40 минг йил муқаддам истиқомат қилганлар ва бу ресс-вюрум ва вюрум музланиш даврининг биринчи ярмига тўғри келади. Бу горда истиқомат қилган ибтидоий одамлар тоғ меваларини териб еб, ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик ўтказганлар.

Обираҳмат гор-макони Ўрта Осиё илк тош асри ёдгорликларининг энг ажойиб намунаси ҳисобланади.

**Хўжакент манзилгоҳи.** У Ўзбекистондаги мустье даври ёдгорликларидан бири бўлиб, Тошкент шаҳридан 80 км шимоли-шарқдаги Хўжакент қишлоғи яқинида жойлашган. Хўжакент гори Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги қоя тошлар бағрида бўлиб, денгиз сатҳидан 12—17 метр баланддадир. Гор шимоли-ғарбга қараган, баландлиги 2,5 метр, кенлиги 6 метр, чуқурлиги 4 метр. Хўжакент горининг маданий қатламларидан ишлов берилган нуклеуслар, қўл чопқилари, парракчалар, тешгич бигизлар, синиқ-учриндилар топилган. Улар ишланиш техникаси жиҳатидан қадимий хусусиятларга эга бўлиб, кўп жиҳатдан Обираҳмат, Тешиктош ва бошқа мустье даври ёдгорликларидан топилган қуролларга ўхшаб кетади. Хўжакент гори буюмлари Обираҳмат гори буюмлари билан замондош бўлиб, улар



3-расм. Обираҳмат маконидан топилган тош қуроллар.

милoddan 100—40 минг йиллар илгари яшаган қадимги одамлар — неандерталлар томонидан ишланган. Уларнинг ҳам асосий машғулоти термачилик ва овчилик бўлган. Мустье даври ёдгорликлари Обираҳмат ва Хўжакент гор-маконлари билан чекланиб қолмай, балки Чирчиқ дарёсининг

ирмоғи ҳисобланган Кўксув, Пском, Чимён, Угом дарёлари, Оқтош сойлари орасидан ҳам кўп топилган. Бу жиҳатдан Кўксув дарёсининг Чотқолга қуйиладиган еридаги Кўприкбоши жоймакони диққатга сазовор бўлиб, у Бричмулла қишлоғидан 3 км шимоли-шарқда жойлашган. Бу жоймакондан 40 га яқин тош қурол ва буюмлар топилиб, улар орасидаги гардиш-рапидасимон нуклеуслар, пластинкалар, учриндилар, қўл чопқилари ўзининг қадимий хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар асосан жигарранг, тўқ кулранг тусли чақмоқтош ва сланецлардан ишланган. Бу қуроллар кўп жиҳатдан Обираҳмат, Хўжакент қуролларига ўхшаб кетади ва давр жиҳатидан улар билан замондош бўлиб, мустье даврига мансубдир.

Обираҳмат қишлоғидан 2 км шимолроқдаги кичкина Тусиё сойи бўйидан ҳам мустье даври нуклеуслари, учриндилари, кўпгина тош чиқиндилари топилган.

Тусиёдан топилган тош буюмларнинг кўпчилигига дастлабки ишлов бериш билан қифояланилган бўлса, бошқа баъзиларига иккинчи марта ишлов берилганлиги аниқланган. Тош қуроллар ва чиқиндиларнинг хусусияти ҳамда кўплигига қараганда Тусиё манзилгоҳ эмас, балки тош синдириб олиб қурол ясайдиган ибтидий устахона бўлиши ҳам мумкин.

Айни вақтда Бричмулла яқинидаги Юсуфхона, Обираҳмат яқинидаги Чотқол 1—2, Кўкяйлов, Наволисой, Оқтош, Хўжакент 2, Шиванбой ва Чорвоқ сув омбори ҳавзасидан ҳам мустье даврига мансуб кўплаб нуклеуслар, синиқлар, парракчалар, тешгичлар ва бошқа нарсалар топилган.

Чирчиқ дарёсининг юқори ҳавзасидаги сой, дара, дарё соҳилларидан мустье даври ёдгорликлари ва айрим қуролларининг топилиши бу ерда милoddан 120—40 минг йил илгари неандерталь типидagi одамларнинг анча кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Тошкент областининг Оҳангарон дарёси ҳавзасига ҳам қадимги аждодларимиз илк тош асрида эрта келиб, ўрнаша бошлаганлар. Оҳангарон дарёси ҳавзасидан топилган тош асри маконлари фикримизнинг далилидир. Улар Кўлбулоқ, Кўхисим, Бургулуксой ва бошқа мустье даври ёдгорликлари жумласига киради. Булар орасида Кўлбулоқ макони алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Кўлбулоқ жоймакони.** Кўлбулоқ манзилгоҳи Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоқларидан бири — Қизилолма сойининг ўрта оқимидаги қирликда, Ангрэн шаҳридан 10—12 км ғарбда жойлашган Облик қишлоғидан 5 км шимоли-ғарбдадир. Кўлбулоқ жоймакони Обираҳмат сингари кўп қатламли бўлиб, бу ерда илк тош асри кишилари—архантроплар ҳам, илк тош асри ўрталаридаги неандерталлар ҳам, шунингдек сўнгги тош асри кишилари — кроманьонлар ҳам истиқомат қилганлар.

Кўлбулоқ манзилгоҳи 41 қатламдан иборат бўлиб, юқори уч қатлами сўнгги тош, ундан кейинги беш қатлами эса 4—8

мустье даврига ва ниҳоят қуйи қатлами сўнгги ашельга мансуб эканлиги фараз қилинган.

Мустье даврига мансуб 4—8 қатламлардан 8300 дан ортиқ тош қуроллар ва буюмлар топилган. Улар орасида ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, синиқ-учриндилар, қирғичлар, куракчалар, сихчалар, тишли қирғичлар, кўп нарсага мўлжалланган қўл чопқилари айниқса кўпдир.

Кўлбулоқдаги баъзи қуроллар ва айниқса тишли қирғичлар Бўзсувдаги мустье даври қуролларига жуда ўхшаб кетади. Мустье даврига мансуб Кўлбулоқ жоймаконининг маданий қатламларидан топилган меҳнат қуроллари сон ва сифат жиҳатидан умуман Тошкент воҳасининг бошқа жойларидан топилган манзилгоҳлардагидан фарқ қилади ва улардан устун туради. Кўлбулоқ манзилгоҳи Ўзбекистондаги эки Ўрта Осиёдаги эма, балки СССР миқёсида ҳам алоҳида аҳамиятга молик ёдгорликдир.

Кўлбулоқнинг маданий қатламларидан тоғ эчкиси, айиқ, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяк парчалари, кул ва гулхан қолдиқлари ҳамда кўмир чалалари топилган.

Кўлбулоқдаги мустье даври маданий қатламнинг 5 қават бўлиши бу ерда неандерталь одамларнинг, улардан сўнг эса кроманьон қиёфасидаги кишиларнинг анча узоқ яшаганлигини билдиради.

Мустье даври Кўлбулоқ макони моҳият эътибори билан Ўзбекистондаги Обираҳмат ва Қўтирбулоқ каби мустье маконлари билан бир қаторда турувчи ноёб ёдгорликдир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида Туябўғиз сув омбори ҳавзасида кейинги 15—20 йиллик қидириш ишлари натижасида мазкур жойдан, хусусан Оҳангарон дарёси билан унинг ўнг ирмоғи Бургулик (Бургонлик) сой оралиғидаги майдондан тош асрининг турли босқичлари, бронза ва темир даврига мансуб қатор маконлар, очиқ манзилгоҳлар ва ибтидий қишлоқларнинг харобалари, шунингдек бир қанча айрим топилмалар кашф этилиб, фанга маълум қилинди. Бу жиҳатдан мустье даврига мансуб жоймаконларнинг топилиши ҳам диққатга сазовордир.

Мазкур макон-жойлардан мустье даврига хос нуклеус, синиқ-учринди, қўл чопқилари, тешгич, қирғич, парракча ва бошқа буюмлар топилдики, бу қуролларнинг аксарияти соф чақмоқтош, оҳакли чақмоқтош, лойли сланец, халцидон, кварц ва дарёнинг қайроқ тошларидан ишланган. Мазкур тош қуролларнинг сирти жигарранг-қулранг доғлар билан қопланган бўлиб, силлиқланиб емирилган. Бу қуроллар мазкур жойдан топилган сўнгги тош асри қуролларига нисбатан кўполлиги, дағаллиги билан фарқ қилиб, уларнинг тури 7 хилдан ошмайди.

Бундай дағал қуроллар Вауш-Учтут устахона-шахталаридан топилган қуроллар орасида ҳам учрайди. Археолог ва геологларнинг фикрича, ибтидий одамлар қурол ясаш учун зарур



бўлган тошнинг хом ашёсини Қурама тоғларидан олиб келган бўлишлари керак, шунингдек тош қуроли яшаш учун дарё тошларидан ҳам фойдаланганлар.

Оҳангарон воҳасининг қулай географик шароити — юмшоқ иқлими, мўл-қўл ер-суви, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси илк тош ва ундан кейинги давр кишиларининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган. Шунинг учун одамлар бу ерга анча эрта келиб ўрнаша бошлаганлар, термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаш билан шуғулланганлар.

Мустье даври ёдгорликлари Тошкент областининг тоғ, тоғ-олди ва йирик дарёлари бўйидан топилибгина қолмай, воҳанинг марказий ва қуйи қисмларидан ҳам топилган. Тошкент воҳасининг текисликларидан топилган мустье даври ёдгорликларига Зоғариқ, Қорақамиш, Шоимкўприк, Бўзсув 1—2, Бўзсув 3—6 каби маконларни киритиш мумкин.

**Зоғариқ макони.** Бу макон тош асри ёдгорлигининг очиқ шаклдаги жой-маконларидан бири бўлиб, Тошкентдан 12—15 км шимолдаги Черняевка қишлоғи яқинида жойлашган. Зоғариқ макони майдонидан кварц, дарё тоши, сланец, оҳакли чақмоқтош ва кулранг чақмоқтошлардан ясалган ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, учриндилар, қирғичлар, тешгичлар, найза учи пойконлари каби қурооллар ва тош парчалари териб олинган.

Зоғариқ маконидан топилган тош қурооллар Бўзсув 1—2 маконларидан топилган қуроолларга жуда ўхшаб кетади.

Археологлар Зоғариқ маконидан топилган тош қуроолларни ҳар томонлама ўрганиб, уларни мустье даврига мансуб, деб хулоса чиқарганлар. Лекин бу макон майдонидан териб олинган тош қуроолларнинг баъзилари сўнги тош асрига мансуб бўлиши ҳам мумкин.

**Қорақамиш макони.** Бу тош асри макони Тошкентнинг ғарбида, Қорақамиш жарлигининг соҳилида жойлашган. Мазкур жарнинг ўпирилган жойи қуйи қисмидан 120 дан ортиқ тош қуроол ва буюмлар топилган бўлиб, улар гардишсимон нуклеус, парракчалар, учриндилар, тош пичоқлар ва шу кабилардир. Бу қуроолларнинг аксарияти Бўзсув 1—2 мустье даври қатлаמידан топилган қуроолларга ўхшаб кетади. Айни вақтда қуйи қатламда Сибирь қаркидонининг тиши ҳам топилган. Археологларнинг фикрича, Қорақамиш маконининг қуйи қатлами мустье даврига мансубдир.

**Бўзсув 1 макони.** Бу макон қадимги Бўзсув канали билан Қорақамиш жарлигининг қуйилиш жойида, Қуйибўзсув ГЭС — яқинидаги Шоимкўприк деган мавзеда жойлашган. Қуйибўзсув маконидан 250 га яқин тош қурооллар топилган. Шундан 150 тачаси анча қадимий характерга эга бўлиб, гардишсимон, бир майдонли, икки майдонли, кўп майдонли нуклеуслар, парраклар, учриндилар, тош пичоқлар, қирғичлар, куракчалар, кесувчи қурооллар, тешгичлар, ўткир учли пойконлар, тишли қурооллардир, уларнинг аксарияти ретушланган.

Бўзсув 1 нинг ўзига хос тош қурооллари намуналари Туябўғиз сув омбори ҳавзасида учраб, мустье даври билан характерланади. Бўзсув 1 тош қуроолларига ўхшаган қурооллар Бўзсув 2—6 жой-маконларидан ҳам топилган ва улар орасида ўхшашликлар кўп. Шулардан хулоса чиқариб, Бўзсув 1 маконининг қуйи қатлаמידан чиққан тош қурооллар мустье даврига мансубдир, дейиш мумкин.

**Бўзсув II макони.** Бўзсув 1 жой-маконидан анча жанубда бўлиб, Тошкент область Янгийўл районидаги Шўралисой мавзеи, қадимги Бўзсув канали бўйича жойлашган.

Бўзсув II дан 451 дан ортиқ мустье, сўнги тош ва кейинги даврига мансуб тош қурооллар ва бошқа буюмлар топилган.

Бўзсув II дан топилган 451 буюмдан 297 таси мустье даврига мансуб бўлиб, улар ҳар хил шакл ва катталиқдаги нуклеуслар, нуклеус парчалари, майда тош парчалари, кўл чопқилари, катта қирғичсимон қурооллар, бир ва икки тигли тош пичоқлар, тешта қирғичсимон қурооллар, бир ва икки тигли тош пичоқлар, тешгичлар, пичоқ қирғичлар, ўткир учли пойконлар, парракчалар, ретушли ва ретушсиз синиқ-учриндилар ва бошқалардир. Бўзсув II қуйи қатлаמידан топилган қуроолларнинг аксарияти Бўзсув I мустье даври макони қуроолларига яқин туради. Айни вақтда Бўзсув II қурооллари кўп жиҳатдан кўп қатламли Кўлбулоқ маконининг мустье даври қатлаמידан топилган қуроолларга ҳам, Оҳангарон водийсидаги Яккабоғ жой-маконидан топилган тош қуроолларга ҳам ўхшайди. Демак, Бўзсув II дан топилган тош қурооллар ва буюмларни мустье маданиятига мансуб дейиш мумкин.

Бўзсув 3, 4, 5 жой-маконлари Бўзсувнинг қуйи оқимида бўлиб, мазкур маконлардан 27 та тош буюм топилган. Бўзсув 3 дан нуклеус бўлаклари, учринди, Бўзсув 4 дан синиқ-учринди, тош парчаси. Бўзсув 5 дан эса паррак ва синиқ-учринди топилган. Бўзсув 6 дан ҳам тош қурооллар топилган. Улар мустье ва қуйи тош асрига мансуб қурооллардир. Бўзсув 6 дан топилган қуроолларнинг бир қисми Бўзсув 1—2 дан топилган мустье даври қуроолларига ўхшаб кетади.

Шундай қилиб, Бўзсув 1—2 ва Қорақамиш ҳамда Бўзсув 3—6 жой-маконлари Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги тош асри ёдгорликлари билан бевосита боғлиқдир. Айни вақтда Бўзсув ёдгорликларидан топилган тош қуроолларнинг аксарияти Кўлбулоқниқига ўхшаб кетади. Чирчиқ дарёсининг юқори оқимидаги Обираҳмат, Хўжакент, Кўприкбоши, Зоғариқ, Юсуфхона, Оқтош, Тусиё ёдгорликлари орасида ҳам худди шундай яқинликни ва ўхшашликни кузатиш мумкин.

Тошкент ва унинг атрофидан топилган тош асри ёдгорликларини ўрганиш натижаларига, шунингдек воҳанинг қулай табиий-географик шароитига асосланиб, шуни айтиш мумкинки, Тошкент воҳасига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, мустье ва ундан кейинги даврларда воҳа бўйлаб кенг тарқала бошлаганлар.

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳамда Қорақамиш жарлигидан топилган ашель, мустье, қуйи, ўрта, янги тош ва бронза даврига мансуб ёдгорликларнинг топилиши фикримизнинг далилидир.

Зарафшон воҳасининг қулай табиий-географик шароити ҳам жуда қадим замонлардан бошлаб ибтидий кишиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Воҳа бўйлаб Омонқўтон, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Қовоби, Вауш, Ижонд, Гўрдара каби қатор қадимги тош асри ёдгорликларининг топилиши диққатга сазовордир.

**Омонқўтон ғор-макони.** Бу макон Самарқанд областидаги Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган Омонқўтон қишлоғи яқинида бўлиб, Самарқанддан 43—44 км жанубдадир. Ғорнинг кенглиги 1,5 метр, баландлиги 0,9 метр, унда чуқурлиги 25 метр чамасидаги маданий қатлам борлиги аниқланган. Ғор-маконнинг маданий қатламларидан кварц, диорит ва бошқа тош навларидан ясалган қирғич ва куракчалар, ўткир учли пойкон ва пластинкалар, нуклеус ва қўл чопқилари каби тош қурооллар, учринди ва кўп тош парчалари топилган. Айни вақтда маданий қатламлардан осие муфлонлари (архар), қўнғир айиқ, гиена, тоғ эчкисининг суяк қолдиқлари, шунингдек ғор девори тагидан тоғ эчкиси ва асл буғунинг қалда суяклари ҳам топилган. Маконнинг маданий қатламларида Ҷочқ-гулхан қолдиқлари ҳам учрайди. Маданий қатламлар ғорнинг олд ва ўрта қисмидан ҳам, энг ичкари қисмидан ҳам топилган. Демак, ибтидий одамлар ғорнинг олд ва ўрта қисмида ҳам, энг ичкарида ҳам яшаганлар. Ғор ибтидий одамлар унун узоқ муддатли жой-макон бўлиб хизмат қилган.

Ғорнинг маданий қатламларидан турли-туман ёввойи ҳайвонлар суяк қолдиқлари топилиши омонқўтонлик ибтидий кишиларнинг овчилик билан шуғулланганликларидан дарак беради. Аммо омонқўтонликлар фақат овчилик билан шуғулланиб қолмай, балки тоғдаги турли хил ўт-ўлан ва дарахтларнинг ёввойи меваларини териб, уларни овқат сифатида истеъмол ҳам қилганлар. Омонқўтон ғор-маконидан топилган тош қурооллар кўп жиҳатдан Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Гўрдара, Ижонд ҳамда Ваушдан топилган мустье даври тош қуроолларига ўхшаб кетади. Омонқўтон ғор-маконидан топилган тош қурооллар мустье даврига мансуб бўлиб, ғорда яшаган одамлар неандерталь типидagi кишиларнинг намояндалари эдилар.

— Мустье даврига мансуб бўлган Омонқўтон ғор-макони Урта Зарафшондаги ягона ёдгорлик эмас. Кейинги вақтларда олиб борилган археологик қидирув ишлари натижасида Самарқанд ва унинг атрофидан мустье даврига мансуб тош қурооллар топилди. Чунончи, Самарқанддаги Регистон майдонидан, Афросиёб харобаси майдонидан, шаҳардан 4—5 км жанубдаги Даргом каналининг чап соҳилидан мустье даврига мансуб нуклеуслар, синиқ-учриндилар, қирғичлар, қўл чопқилари ва бошқа

қурооллар топилди. Мазкур тош қурооллардан баъзиларининг четлари кертилган ва ретушланган. Демак, мустье даври кишилари ўша вақтларда тоғлик жойларда яшаш билан бирга водийга ҳам кенг тарқала бошлаганлар.

**Гўрдара ғор-макони.** Бу макон Самарқанд область, Ургут районининг Гўрдара деган жойидаги Гўрдара сойида топилган бўлиб, у Самарқанддан 75 км жануби-шарқда жойлашган.

Ғордан учриндилар, тош қирғичлар, нуклеуслар, қирғичсимон қурооллар, шунингдек, қадимги қазилма ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган. Гўрдарадан топилган тош қуроолларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ундаги қуроолларнинг бир қисми Қўлбулоқнинг мустье даври қатлаמידан чиққан тош қуроолларга, бошқалари эса Тошкент областидаги Обираҳмат, Тожикистондаги Семиганч, Оғзикичик, Шугнау каби ёдгорликлардан чиққан тош қуроолларга яқин туради. Бу ҳол Гўрдарадан топилган тош қуроолларнинг ҳам мустье даврига мансуб эканлигини кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Гўрдарадан 500—600 метр қуйроқдаги Теракисой дарасидан ҳам мустье даврига мансуб тош қурооллар топилган.

**Қўтирбулоқ макони.** Бу макон Зарафшон воҳаси ва Ўзбекистондаги эмас, айни вақтда бутун Урта Осиёда ҳам машҳур мустье даври ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Макон Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Чархин қишлоғидан 700—800 метр узоқда, Самарқанддан эса 100—110 км жануби-ғарбда бўлиб, Зирабулоқ тоғининг шимолий ёнбағридаги текисликда, Қўтирбулоқ деб номланувчи булоқ атрофида жойлашган. Қўтирбулоқ Урта Зарафшон воҳасидаги очиқ макон-манзилгоҳларнинг бири ҳисобланади.

Қўтирбулоқ манзилгоҳини қовлаш натижасида 5 та маданий қатлам борлиги аниқланди. Қатламларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, топилмалар ҳам бир хил тарқалган эмас. Қўтирбулоқнинг маданий қатламларидан чақмоқтош, диорит, кварцит ва дарё тошларидан ясалган ўткир учли пойконлар, қирғичлар, тешгичлар, пармалар, икки томонига ишлов берилган баргсимон қурооллар, дарёнинг шағал ва қайроқ тошларидан ясалган чоппинг ва чоппер, ясси ва гардишсимон нуклеуслар, учриндилар ҳамда бошқа турдаги тош қурооллар топилган. Қўтирбулоқликлар тош қурооллар учун зарур тош хом ашёсини макондан унча узоқ бўлмаган Зирабулоқ тоғларидан, Зарафшон дарёси қирғоқларидан олиб келганлар. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Қўтирбулоқнинг маданий қатламларидан Урта Осиёнинг бошқа мустье ёдгорликларида кам учрайдиган ёввойи ҳайвонлар — фил, тур, буғу, ёввойи от, қулон, Бухоро буғуси ва бошқа қазилма ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган. Улар маданий қатламдаги гулхан қолдиқлари атрофида куйган ҳолда ётар эди.

Қўтирбулоқ маконидан топилган тош қуроолларни қиёсий ўрганиш натижасида макондан топилган қурооллар алоҳидалиги, ўзига хослиги билан бирга қатор белгилари билан Ўзбекистон-

даги Обираҳмат, Тешиктош, Омонқўтон, Учтут, Вауш, Ижонд, Тожикистондаги Семиганч каби мустье даври ёдгорликларидан топилган тош қуроолларга яқин туради, деган хулосага келинди.

Қўтирбулоқликларнинг хўжалик ҳаёти ва тирикчилиги ҳақида сўз кетар экан, даставвал диққат-этиборни макондан топилган ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқларига тортиш керак. Модонки қатламлардан қадимий йирик ёввойи ҳайвонларнинг, хусусан фил, тур, бугу, от ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари чиққан экан, демак, уларда овчилик энг асосий тирикчилик воситаси ҳисобланган. Аммо шунини унутмаслик керакки, Зарафшон воҳаси ва унга туташ тоғлар орасида қадимда ёввойи мевалар, донлар ва ўсимликлар кўп бўлганлиги шубҳасиздир. Демак, ибтидоий аجدодларимиз термачилик билан шуғулланганлар, бу машғулот самараларини овқат сифатида истеъмол қилганлар. Ёввойи мева ва донларнинг қолдиқлари уларнинг турар жойларига тўкилган. Аммо бу қолдиқлар ириб-чириб, йўқ бўлиб кетган. Шундай қилиб, Қўтирбулоқ макони ва ундан топилган қурол ва буюмлар мустье даврига мансубдир.

**Зирабулоқ макони.** Бу макон Зарафшон воҳасидаги энг машҳур Қўтирбулоқ маконидан сўнгги энг йирик мустье даври маконларидан бири ҳисобланади. Зирабулоқ макони Зирабулоқ тоғининг жанубий ёнбағрида, Қўтирбулоқдан 1 км шарқдаги Зирабулоқ чашмаси атрофида жойлашган. Зирабулоқ маконини ковлаш натижасида 3 та шурфнинг маданий қатламларидан 350 дан ортиқ чақмоқтош, кварцит, майда заррали сланец, диорит ва дарё тошларидан ясалган нуклеуслар, сихча, қирғич, қирғичча, куракча, тешигич, икки хил тош қуроолни ўзида мужассам этган сихча, ўроқ, ранда каби меҳнат қурооллари топилди. Зирабулоқ макони ҳали Қўтирбулоқ сингари тўлиқ ўрганилганча йўқ. Лекин шунга қарамай, топилган тош қурооллар ва буюмларни ҳар томонлама ўрганиш натижасида қуроолларнинг асосий қисми ривожланган мустье даврига мансуб бўлиб, шурфнинг юқори қисмидан топилган қурооллар юқори тош асрига мансуб эканлиги аниқланди. Макондан топилган меҳнат қурооллари кўп жиҳатдан ва айнан Қўтирбулоқ қуроолларига ўхшашлигини ҳисобга олиб, зирабулоқликлар қўтирбулоқликлар билан замондош, қўшни тўда бўлганлар, деб ҳисоблаш мумкин.

Зирабулоқдан ёввойи ҳайвон суякларининг қолдиқлари чиқмаган бўлса-да, лекин улар ҳам қўтирбулоқликлар сингари бевосита овчилик ва термачилик билан тирикчилик ўтказганлар, деган фикрга келиш мумкин.

**Учтут-Ижонд-Вауш мустье ёдгорликлари.** Сўнгги 25—30 йил ичида Ўрта Зарафшон воҳасининг қуйи ерларидан мустье даврига мансуб қатор ёдгорликлар — шахталар, устахоналар ва очиқ равишдаги жой-маконлар топиб ўрганилди. Булар Учтут (Кавоби) шахта-устахонаси, Ижонд ва Вауш маконларидир. Бу шахта-устахона ва маконлар Бухоро область, Навоий районидаги Ленинград колхозининг Кавоби қишлоғи, Ижонд

ва Вауш деган жойларидан топилган бўлиб, Навоий шахридан 22—25 км шимоли-шарқда жойлашган.

Булар орасида Учтут-Кавоби шахта-устахонаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур ёдгорлик кўп қатламли бўлиб, унинг қуйи қисмидан мустье даврига онд тош қурооллар, ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, сихчалар, ўткир учли пойконлар, кескичлар ва бошқа қурооллар топилганки, улар соф чақмоқтошдан, оҳакли чақмоқтош навларидан ва дарё тошларидан ясалганлиги аниқланган.


Маданий қатламлардан катта-катта дарё тошлари ҳам топилган; улардан ер остидан тош қуроол учун чақмоқтош ковлаб олишда фойдаланилган. Учтут-Кавобидан Бухоро бугуси, тур, тоғ эчкиси каби ҳайвонларнинг суяклари топилган. Учтут-Кавоби шахта-устахонаси материалларини ҳар томонлама ўрганиш тош қурооллар Зирабулоқ ва Қўтирбулоқдан топилган тош қуроолларга ўхшаш экан, деган фикрни айтиш имконини беради. Учтут жой-макони хом ашёни ковлаб олиб, ундан қуроол ясаладиган шахта-устахона бўлган.

Ижонд очиқ манзилгоҳи Учтутдан 1,5—2 км шарқда жойлашган. Ундан терма материал ва қазилган шурфдан тош қурооллар — нуклеуслар, сийиқ учридилар, сихчалар, пойкон ва бошқа нарсалар топилган.

Вауш макони эса Кавоби билан Ижонд оралиғида жойлашган. Ундан мустье даврига онд меҳнат қурооллари анчагина топилган. Қуроолларнинг хусусиятлари анча қадимий кўринади. Ваушдан ҳар хил сихчалар, пойконлар, турли хил нуклеуслар, парраклар ва бошқа қурооллар топилган.


Учтут-Ижонд-Вауш материалларини бошқа жойдаги, хусусан, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Омонқўтон каби мустье ёдгорликларидан топилган қурооллар билан солиштириб, улар орасида боғланиш, ўхшашлик борлиғига ишонч ҳосил қилиш ҳамда Учтут-Кавобидан топилган қуроолларнинг бир қисми, Вауш ва Ижонд қуроолларининг барчаси ёки асосий қисми мустье даврига мансуб, деган фикрга келиш мумкин. Шундай қилиб, сўнгги 25—30 йил ичида Зарафшон водийсининг турли жойларидан мустье даврига онд 10 дан ортиқ ёдгорлик топилди ва ўрганилди, баъзилари ўрганилмоқда. Мазкур жойдан топилган мустье ёдгорликларига қараб, Зарафшон воҳасида одамлар қадимги тош асридан бошлаб яшаб келганлар, деган хулосага келиш мумкин. Келгусида водий ва унинг атрофидан мустьедан ҳам қадимийроқ ёдгорликлар топилиб қолса ажаб эмас.

**Тешиктош ғор-макони.** Бу ғор-макон республикаимиз жанубида жойлашган бўлиб, бутун Ўрта Осиёдаги мустье ёдгорликларининг энг нодир намуналаридан бири ҳисобланади. Тешиктош ғори Сурхондарё область, Бойсун районидаги Бойсун тоғининг жанубий ёнбағридаги Тургандарёнинг Завталашгансой дарасида, денгиз сатҳидан 1500 метр баландда жойлашган. Ғор шимоли-шарққа қараган бўлиб, кенлиги олд қисмида 20 метр, чуқурлиги




4-расм. Тешиктош гори.

21 метр ва баландлиги 9 метрдир. Тешиктош горини ковлаш натижасида бешта маданий қатлам борлиги аниқланган. Маданий қатламлардан 2859 та тошдан ясалган меҳнат қуроллари, си-



5-расм. Тешиктош. Тош қуроллар.



6-расм. Тешиктошдан топилган тош қуроллар.

ниқ учриндилар, тош парчалари чиққан бўлиб, шундан 2520 таси синиқ учринди, 134 таси пластинка-парракча, 94 таси ҳар хил тош қуроллар, 101 таси турли шаклдаги нуклеуслар ва 10 таси тош бўлакчаларидир.


Тешиктошдан топилган тошлар орасида қирғич-тарашлагичлар алоҳида ўринни эгаллайди ва уларнинг баъзилари кескич қурол вазифасида ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. Маданий қатламлардан ўткир учли пойконлар, уларнинг парчалари, тош пичоқлар, парракчалар, сиччалар, қирғич, куракча, чоппер, чопқи ва шу каби қуролларнинг топилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Айни вақтда ғорда гулхан излари ва кул қолдиқлари ҳам топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкиси, буғу, ёввойи от, айиқ, гиена, леопард, барс, қуён, кемирувчи ва паррандаларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган.

Энг муҳим юқори маданий қатламнинг 25 см чуқурликдаги жойидан 8—9 ёшли боланинг тўлиқ бўлмаган скелети ва бош суяги топилган. Афтидан скелетнинг ярмини йиртқич ҳайвонлар гажиб кетган бўлса керак.

Тешиктошдан топилган боланинг бош суяги машҳур археолог-антрополог олим М. Герасимов томонидан тикланган. Унинг ёнидан эса тартиб билан териб қўйилган бир неча жуфт тоғ эчкиси шоҳлари ҳам топилган. Тешиктошдан топилган қуроллар мустье даврига мансуб бўлиб, бола эса неандерталь кишиларнинг типик вакили экан. Бу Урта Осиёдан топилган ибтидий одамнинг энг дастлабкиси бўлиб, бундай мустье даври қазилма одами бошқа топилгани йўқ.



7-расм. Тешиктошлик неандерталь бола.



8-расм. Тешиктош. Тоғ эчкисининг шохи.

Тешиктошдан топилган тош қуроллар ўзининг кўп томонлари билан Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Омонқўтон, Қўлбулоқ, Обираҳмат ва қўшни Тожикистондан топилган мустье даври қуролларига ўхшашдир. Ғор-макондан кўплаб ёввойи ҳайвон суяклари қолдиғининг топилиши тешиктошликларнинг хўжалигида овчиликнинг жуда катта роль ўйнаганини билдиради.

Аммо тешиктошликлар яшаган Бойсуи тоғлари ёввойи меваларга бой бўлган. Шунинг учун улар термачилик билан ҳам шуғулланганлар.

**Амир Темур ғори.** Бойсундаги мустье даври ғор-маконларидан яна бири Амир Темур ғоридир. У Тешиктош ғоридан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган. Ғордан 3 қават маданий қатлам топилиб, унинг 1- ва 2-қатламлари сўнгги тош асрига, қуйидаги 3-қатлам эса мустье даврига мансубдир. Мустье даврига мансуб маданий қатламдан гулхан қолдиғи, писта кўмир, қўпол ишланган қирғич, гардишсимон нуклеус (узак), синиқ учринди ва бошқа тош буюмлар топилган. Амир Темур ғорининг 3-қатлаmidан топилган тош қуроллар Тешиктошнинг юқори қатлаmidан топилган мустье даври қуролларига ўхшайди. Шу билан бирга ғорнинг маданий қатламларидан ёввойи от, барс, айиқ, гiena, қуён, кемирувчи ва қушларнинг суяклари ҳам топилган. Демак, бу ғорда яшаган кишилар ҳам тешиктошликлар сингарин ҳам овчилик, ҳам термачилик билан шуғулланганлар ҳамда ҳар икки тўда оловдан кенг фойдаланган.

Кейинги вақтда археологлар Сурхондарё водийсининг турли жойларидан, хусусан, Тўналанг дарёси бўйларидан мустье даври кишиларининг меҳнат қуролларини топганлар. Демак, мустье даври кишилари — неандерталлар фақат Бойсундагина яшамай, балки бутун Сурхон воҳасига ҳам кенг тарқалган эканлар.

Фарғона водийси ва унга туташ тоғлик районлар ибтидоий одамлар яшашини учун ҳамма қулайликларга эга бўлган. Шунинг

учун бўлса керак, водий ва унинг тоғлик районларида тош асри кишиларининг маконлари кўп учрайди. Ашель-мустье даврига мансуб Қайроққум, Фарғона шаҳри яқинидаги Олой тизма тоғларининг шимолий ёнбағридаги Сўх ва Обишир бўйидаги мустье даври ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Фарғона яқинидаги мустье даври жой-макони Қувасойнинг қадимги ўзани соҳилидаги адирдан топилган бўлиб, Фарғона шаҳридан 10 км шимолда жойлашган. Қувасой бўйларидан 10 дан ортиқ маконлар топилган. Бу маконлардан дарё тошларидан ясалган чопқилар, парраклар, учриндилар, қирғичлар, хилма-хил нуклеус, тешгичлар топилган. Уларнинг ҳаммаси мустье даврига мансуб қуроллардир.

Мустье даврига мансуб тош қуроллар Карамкўл қишлоғи яқинидаги адирдан ҳам топилган.

Мустье даври кишилари яшаган жой-маконларнинг излари Олой тизмасининг шимолий ёнбағирларида, хусусан, Катронтоғнинг жанубий ёнбағирларидаги кўпгина гор ва очиқ жойлардан ҳам топилган бўлиб, улар Селунгур ва Обишир горларидир.

Мустье жой-маконлари Халқнмайн тоғ сойи (Хўжағайр) соҳиларининг етти жойидан топилиб, тарихга Аирбаз 1—7 номи билан кирган. Мазкур маконлардан нуклеуслар, кўл чопқилари, қирғичнинг ҳар хил турлари, парракчалар, ўткир учли пойконлар ва бошқа тош қуроллар топилган.

Мустье даври кишилари ҳаётини ўрганишда чақмоқтош ковлан олинадиган Қопчиғай устахонаси диққатга сазовордир.

Қопчиғай устахонаси Олой тоғининг шимолий ёнбағридаги Данги дарасининг ичкари қисмидан топилган. Даранинг барча қоялари қора чақмоқтошдан ташкил топган бўлиб, мустье ва ундан кейинги тош асрида шу атрофларда яшаган кишилар шу ердан тош қурол ясаш учун хом ашё олиб кетганлар ёки тош қуролларни шу ернинг ўзида ясаганлар. Чунки Қопчиғай устахонасида сунъий тарзда ушатишган тош парчалари жуда кўп. Бу узоқ давр мобайнида қуроллар ясаш пайтида ҳосил бўлган тош парчаларидир. Улар орасида баъзан нуклеуслар, пластинкалар, ўткир учли пойконлар — хилма-хил қирғич ва куракчалар кўп учрайди. Айни вақтда бу ердан мустье даври одамлари яшаган гор ҳам топилган бўлиб, у Қопчиғай I гор-макони-дир.

**Қопчиғай I гори.** Бу гор Халқнмайн сойига қуйиладиган ирмоқлардан бирининг чап соҳилида жойлашган. Гор Қопчиғай устахонасидан 2—3 км юқорида бўлиб, ундан қирғич, куракча, учринди, шунингдек, ҳар хил ҳайвонларнинг илик суяклари топилган.

Қопчиғайдан топилган қуроллар ҳар жиҳатдан мустье даври қуролларини эслатади.

Сўх дарёсининг қуйи оқимидаги Чўнғара ва Сарикўрғон қишлоқлари оралигидан, дарёнинг ўнг соҳилидаги Чўнғара қишлоғи яқинидан мустье даврига мансуб жой-макон ва мустье-

га хос нуклеуслар, пластинкалар ва синиқлар топилган. Шунингдек, дарёнинг чап соҳилидаги Сарикўрғон, Этикчи қишлоқлари оралигидаги жойлардан ҳам мустье даври қуроллари топилган.

Чўнғарадан 12—15 км қуйидан ҳам 10 дан ортиқ жой-макон ва мустье даврига оид ҳар хил қуроллар топилган. Улар катта-кичик нуклеуслар, синиқлар, қирғичлар, ретушланган пластинкалардир.

Фарғона водийсининг бошқа жойларида ҳам мустье даври ёдгорликлари анча кенг тарқалган.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Қизилқум ерлари археологик жиҳатдан кам ўрганилган. Лекин кейинги 20 йил ичида олиб борилган қидириш ва қазилар ишлари натижасида Қизилқум чўлидан ҳам тош асрининг турли даврларига мансуб ёдгорликлар топилди.

**Қизилқум жой-макони.** Археологлар Қизилқумнинг Қўкча тоғидаги Қизилнура деган жойдан мустье даврига мансуб жуда кўп тош қуроллар топдилар. Бу Қизилқумдаги биринчи мустье ёдгорлиги бўлиб, Урта Осиё археологиясига Қизилнура макони номи билан кирди. Сўнгги йиллардаги қидирув ишлари натижасида археологлар Қизилқумнинг шимолий-ғарбий чеккасида чақмоқтош олинадиган ва уни қайта ишлайдиган устахона топдиларки, бу устахонадан мустье даврига мансуб жуда кўп тош қуроллар ҳам териб олинган. Қизилқумдан топилган бу устахона Учтут ва Қопчиғайдан кейинги учинчи устахона эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон территориясидан кейинги 25—30 йил ичида топилган мустье даври маконлари ва уларни мунтазам ўрганиш ўлкамизда неандерталь типидagi одамларнинг кенг тарқалганлигини кўрсатиб берди.

Қўшни Тожикистон территориясида ҳам мустье даври ёдгорликлари кенг тарқалган бўлиб, шулардан энг машҳурлари Оғзикичик, Оқжар, Қора-Бура, Қайроққум, Семиганж, Қўхи-Пиёз, Байпазин кабилардир.

**Оғзикичик гор-макони.** Оғзикичик фақат Тожикистонда эмас, балки бутун Урта Осиёдаги энг машҳур мустье ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Гор Вахш тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қиялигида бўлиб, Данғара қишлоғидан 20 км шимолдаги Шаршар қишлоғи яқинида жойлашган. Горни ковлан натижасида унинг сатҳидан безовта қилинмаган 1 метрлик маданий қатлам очилган. Маданий қатламдан катта гулхан қолдиғи, дарёнинг шағал тошларидан ясалган хилма-хил тош буюмлар — учриндилар, нуклеуслар, қирғичлар, сиччалар, парракчалар ва бошқа тош қуроллар топилган. Маданий қатламда нуклеуслар анча кам бўлиб, улар гардишсимон, ясси, қабартма, бир ва икки майдонли кўринишга эгадир. Маданий қатламлардан кўпгина тош синиқлари ҳам топилган. Айни вақтда паррак ва қурол сифатида фойдаланилган катта учриндилар кўпчиликни ташкил этади. Оғзикичикнинг маданий қатламларидан гулхан излари, юқо-

ри қисмидан эса сўнги тош асри ва сўнги мезолитга оид тош қуроллар ҳам топилган.

Оғзикичик ғор-маконидан топилган асосий тош қуроллар пластинкалар, ўткир учли пойконлар, пичоқлар, қирғичлар, кескичлар, тешгичлар бўлиб, уларнинг аксарияти ретушланган. Баъзи қуроллар анча мукамал ва нозик қилиб ишланган бўлиб, ривожланган мустье даврига мансубдир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Оғзикичик мустье ғор-макони Тешиктош ғори билан замондош экан. Оғзикичикнинг маданий қатламидан ёввойи ҳайвонларнинг 2500 дан ортиқ суяклари топилган бўлиб, шулардан 1365 донаси тошбақаникидир. Яна у ердан от, буғу, жайра, эшак, жузли каркидон суяклари ҳам топилган.

**Қора-Бура жой-макони.** Бу макон Тожикистондаги мустье даври очиқ жой-маконларидан биридир. Бу машҳур жой-макон Вахш дарёсининг чап соҳилидаги Шиккул қишлоғи яқинидаги дўнгликда жойлашган. Қора-Бура жой-маконининг маданий қатламидан 8000 дан ортиқ тош парчалари ва меҳнат қуроллари топилган бўлиб, уларнинг ярми қурол қилиш учун тайёрланган майда тошлардан иборатдир. Маданий қатламларда леваллуа хусусиятига эга бўлмаган ҳар хил нуклеуслар, леваллуа тарзидаги учриндилар кўп учрайди. Мукаммалашган қуроллар у қадар кўп эмас. Яхши ишланган ўткир учли пойконлар кўп, ҳақиқий қирғичлар эса анча кам. Аммо четлари ретушланган-кертилган қирғичсимон қуроллар ва синиқлар кўпчиликини ташкил этади. Қора-Бурада дарё тошларидан тайёрланган чопнинг ва чопперлар айниқса кўпдир. Қора-Бура тош қуролларини пухта ўрганган В. А. Рапов уларнинг уч хусусияти ҳақида тўхталиб, қуроллар леваллуа хусусиятига эга бўлмаганлигини, қуролга ишлов беришнинг мустье хусусиятини ва қуролларнинг аксарияти дарё тошларидан ясалганлигини ҳисобга олган ҳолда Қора-Бура ёдгорлигининг Ҳиндистон ва Покистоннинг мустье-соан маданияти билан яқинлигини пайқаган. Макондан мустье-соан даврига мансуб ҳайвон суяклари ҳам топилган.

Қора-Бура жой-макони Ўрта Осиё мустье маданиятида алоҳида ўрин тутаяди.

**Қайроққум жой-макони.** Бу макон Тожикистондаги мустье даври ёдгорликларининг энг йирик намунасидир. Очиқ ҳолдаги мустье маконлари Сирдарёнинг чап соҳилидаги Ленинобод шаҳри ва Навкат қишлоғи орасидан топилган. Мазкур жойнинг 31 еридан тош буюмлар териб олинди. Улар орасида икки ёқли гардишсимон нуклеуслар кўпчиликини ташкил этади. У ердан нозик қилиб ишланган леваллуа пластинкалари, ўткир учли тош пойконлар, қирғичлар топилган бўлиб, булар ҳам леваллуа-мустье кўринишига эгадирлар. Айни вақтда бу ердан жуда кўп учринди ва бошқа тош парчалари ҳам топилган. Қайроққумдан топилган мустье даври қуроллари кўпроқ Фарғонадаги мустье ёдгорликларидан топилган тош буюм ва қуролларга анча яқин туради.

Тожикистон мустье даври ёдгорликларига яқин ясаб, шуни тош мумкинки, республиканинг турли жойларидан кейинги вақтдаги қидириш ишлари натижасида янгидан-янги мустье даври ёдгорликлари топилмоқда, лекин улар ҳали яхши ўрганилган эмас.

Тожикистонда тош асри ёдгорликларини қидириш анча олтин бошланган бўлишига қарамай, бу соҳада кам иш қилинган. А. П. Окладников ва унинг шогирдлари фаолияти натижасида Жанубий Туркменистон ерларидан ҳам тош асри маконлари ва айрим тош қуроллар топилган. Тош асри маконлари ва айрим қуроллар Красноводск яқинидаги Қашқирбулоқ, Жанурпа, Қора Гангир деган жойларда кўпроқ учрайди. Шунингдек, мустье даврига мансуб тош қуроллар ва буюмлар Катта Болхон тоғлари, Узбой (Амударёнинг қадимги ўзани) бўйларидан, Жойрука яқинидан топилган. Улар тош сихчалар, ўткир учли пойконлар, учриндилар ва бошқа тош парчаларидан иборатдир.

Копетдоғнинг марказий қисмидаги Томчисув булоғи яқинидан ҳам мустье даврига мансуб нуклеуслар, чопқилар, учриндилар, пойконлар ва бошқа нарсалар топилган.

Негадир Туркменистонда тош асри ёдгорликлари камроқ топилган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, Туркменистон билан Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари, хусусан, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида табиий шароит жиҳатидан катта тафовут мавжуддир. Барча давр кишилари каби тош асри одамлари ҳам табиий шароит, озиқ-овқат ва хом ашё имконияти яхши бўлган жойларда кўпроқ яшаганлар, улар ана шундай жойларга интилганлар.

Иккинчидан, бу ўлканинг мазкур даврга мансуб ёдгорликлари яхши ўрганилмаган бўлиши мумкин. Бу эса келгусининг ишидир.

Қирғизистонда ҳам тош асри ёдгорликлари яхши ўрганилган эмас. Ундаги мустье даврига мансуб ёдгорликларнинг энг машҳури Тоссор ва Георгий Бугор маконлари ҳисобланади. Шунингдек, Жанубий Қирғизистондаги Исфара дарёси водийсидаги Хўжағайр деган жойдан ҳам мустье маданиятига мансуб манзилгоҳ топилган. Манзилгоҳдан юқори сифатли ярим ялтироқ, яшил, қора тошлардан ясалган тош қуроллар — парракчалар, қирғичлар, пичоқсимон қуроллар, нуклеуслар, сихчалар топилган бўлиб, улар кўп жиҳатдан Сўх воҳаси ва Қайроққумдан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади.

Хўжағайр манзилгоҳидан мустье, сўнги тош ва мезолит даври қуролларининг топилиши бу жойда одамларнинг узоқ давр яшаганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё зонасига кирган Жанубий Қозоғистон ерларидан ҳам илк тош асри маконлари билан бир қаторда мустье даври ёдгорликлари ҳам топиб ўрганилган. Шулар орасида Қорасув, Сари Арка, Бетпак—8, Бетпак—12, Музбел, Передержка 1—2, Қизилрисбек, Такали, Тўқоли 1—5, Шабакти, Илтори, Бургутли

1—3 ва Узунбулоқ 1—2 мустье даври ёдгорликлари диққатга сазовордир. Булар қаторига Угом дарёси ҳавзасидаги Азартекин, Қолиптен, Паршакўл, Қорасой, Оқмачит каби очиқ гор-маконларни ҳам киритиш мумкин.

**Қорасув манзилгоҳи.** Жанубий Қозоғистондан топилган мустье даври ёдгорликлари орасида Қорасув манзилгоҳи айниқса диққатга сазовордир. Бу макон Чўқон Валихонов номи билан юритилади. Макон Чимкент шаҳридан 143 км шимолда бўлиб, Аристонди дарёсининг ўнг соҳилидаги 9—12 метр баландликда жойлашган. Ер сатҳидан 2,5—7 метр чуқурликдаги кулранг, сарғиш тупроқда 5 та маданий қатлам борлиги аниқланиб, ундан 5000 дан ортиқ тош буюм ва қуроллар топилган. Улар хилма-хил катталиқдаги нуклеуслар, учриндилар, пойконлар, майда қирғичлар, кескичлар, қўл чопқилари ва ушатгич тошлардир.

Қорасув манзилгоҳининг маданий қатламларидан ўчоқ ва гўлхан қолдиқлари, шунингдек, уларнинг атрофидан ёввойи от, буғу, сайғоқ, бизон ва бошқа ҳайвонлар суяклари ҳам топилган.

Қорасув манзилгоҳининг санаси ҳақида олимлар орасида турли фикрлар юради. Баъзилари уни мустьега мансуб десалар, бошқалари юқори қатламдан чиққан буюмларни сўнгги тош, қуйи қатламдан топилган буюмларни эса мустье даврига мансуб, деб фараз қиладилар.

Қорасув манзилгоҳидан топилган буюмларга қараб, қорасувликлар от, буғу, бизон каби йирик ҳайвонларни ҳам, сайғоқ каби майда ҳайвонларни ҳам ов қилишган, деган хулосага келиш мумкин. Овчилик кишилар тирикчилигининг асосини ташкил этиб, улар айни вақтда термачилик билан ҳам шуғулланганлар.

**Сари Арка макони.** Сари Арка мустье макони ҳам Марказий Қозоғистондаги тош асри ёдгорликларидан энг машҳуридир. Сари Арка маконидан мустье даврига мансуб қуроллар ва ривожланган леваллуа шаклидаги синиқлар ҳам топилиб, улар кўп жиҳатдан Ҳиндистондаги клектон типидagi қуролларга ўхшаб кетади.

Нуклеуслар гардишсимон, бир томонлама, шунингдек, бир майдонли, учбурчак ва тўртбурчак кўринишларига эгадир. У ердан ўткир учли пойконлар, қирғичлар, сихчалар ва учриндилар ҳам топилган.

Балхашнинг жануби-ғарбий соҳили яқинидаги Хонтоғнинг жануби-ғарбий ёнбағридан Қозоғистондаги энг йирик устахонамакон ҳам топилиб, у ашель-мустье даврлари билан характерланади.

Марказий Қозоғистондаги Қараганда областидан 80 км шимолда. Ишим дарёсининг юқори оқимидаги Бетпак—8 жоймакони, Бетпак—12 устахона-манзилгоҳи, Сарисув дарёсининг ўнг соҳилидаги Музбел жоймаконларидан ҳам мустье даврига мансуб ҳар хил нуклеуслар, дарё тошларидан ишланган чоппер, чоппинглар, ясси синиқлар, қирғичлар топилган бўлиб, улар кўп

жиҳатдан Тожикистондаги Қора-Бура материалларига ва Сибирь тош асри қуролларига яқин туради. Мазкур райондан топилган мустье даври ёдгорликларидан яна бири Сарисув дарёси бўйидаги Передержка 1—2 жоймаконидирки, бу ердан 2000 дан кўп аралаш тош буюмлар топилган. Улар ҳар хил кўринишдаги — гардишсимон, ясси, бир ва икки томонлама нуклеуслар, йирик парракчалар, қирғичлар, леваллуа типидagi қуроллар ва кўп сонли тош бўлақларидир. Тош парчалари ва синиқларининг кўплигига кўра Передержка 1—2 жоймакон бўлиши билан бирга мустье ва сўнгги тош асри устахонаси бўлиб хизмат қилганлиги аниқланди.

Мустье даврига мансуб учринди ва меҳнат қуроллари Угом дарёсининг чап ирмоқларидан бири Азартекин сойининг ўрта оқидамидаги Азартекин ва Қолптин гормаконларидан ҳам топилган.

Баланд тоғда ўрнашган Паршакўл атрофларидан ҳам 5 та гор ва унгур топилган. Уларнинг бири Макапалсой кўли тепасида жойлашган бўлиб, унинг оғзи жануби-ғарбга қараган, узунлиги 19 метр, кенлиги 3—5 метр. Гор атрофидан мустье даври тош қуроллари териб олинган.

Яна шу Угом дарёсининг чап ирмоқларидан бири Бешёғоч сойининг юқори қисмидан 20 дан ортиқ гор топилган. Сойдан 2 км шарқдаги жойдан узунлиги 11, кенлиги 2—4,5 ва баландлиги 2—3 метр келадиган гор топилган, горга шурф солинган. Ундан чиққан кўпдан-кўп қадимий тош қуроллар ва бошқа буюмлар киши диққатини ўзига тартади. Тош буюмлар орасида четлари тишчали ва кертикли тош қуроллар ҳам учрайдики, улар Урта Осиёнинг бошқа жойларидаги қуйи тош асрининг мустье босқичига мансуб қуролларга ўхшайди. Бу ҳол мазкур жойдаги тош қурол ва буюмлар ҳам мустье даврига мансубдир, дейиш имконини беради.

Боролтой тоғларининг жануби-шарқий томонида жойлашган Оқмачит дори ҳам бир вақтлар ибтидоий кишиларга макон бўлган. Гор Чимкент шаҳридан 78 км шимоли-шарқда, Қуруқсойнинг чап соҳилига ўрнашган, у сой сатҳидан 20 метр баландда жойлашган.

Горнинг узунлиги 135, кенлиги эса 64 метр; шурф ишлари натижасида гордан неолит даврига мансуб тош қуроллар ва турли қазилма ҳайвонларнинг суяклари ҳам топилган. Гордан ашель-мустье ва ундан ҳам қадимийроқ даврга мансуб тош қуроллар топилди.

Катта ва Кичик Қоратоғ ва Машат, Оқсув, Жабағли, Чиён, Боролтой ва Ушбас дарёларининг соҳилларида ҳам кўпдан-кўп горлар бўлиб, улар тош асри кишилари учун бошпана вазифасини ўтаган. Мазкур горларда ашель, ашель-мустье ва мустье даври кишилари истиқомат қилиб, тоғ оралари ва сойларда ўша давр кишиларига замондош бўлган қадимги филлар, каркидонлар, ёввойи отлар, сайғоқ-антилопалар, жайрон ва бошқа ҳайвонлар яшаган. Одамлар эса мазкур ҳайвонларни овлаб тирик-



чилик ўтказганлар. Шунингдек, Қозоғистон Қоратоғининг шимоли-шарқий ёнбағридаги Қизилрисбек, Такали ва улар атрофидаги ерлардан ҳам ҳар хил катта-кичикликдаги учриндилар, нуклеуслар, чопнинг ва қўл чопқилари топилган. Учриндилар катта-кичик, кенг, қўпол учринди бўлиб, сатҳи анча бўртиб турган. Улар кўп жиҳатдан Ҳиндистондан топилган клеттон учриндиларига ўхшаб кетади. Нуклеуслар ҳам катта-кичик бўлиб, уларнинг шакли гардишсимон, иккиёқламадир. Баъзилари учбурчак бўлиб, леваллуага ўхшаб кетади. Баъзи нуклеусларни чопперлардан ажратиш қийин. У ердан топилган қўл чопқилари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур жойдан топилган тош буюм ва қуроллар конкрет маданий қатламдан олинмаганлиги учун унинг даври ҳақида аниқ фикр айтиш қийин. Аммо қуролларнинг ҳар томонлама қиёсий ўрганиш натижаларига қара, ҳар икки жойдан топилган тош буюмлар ашель-мустье даврига, яъни милoddан аввалги 200—80 минг йиллар орасига мансуб, дейиш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Жанубий Қозоғистон водийсидаги Аристанди ва Бурултой дарёлари водийсидаги Ушбасқўктол деган жойлардан, Қоратоғнинг Тўқали 1—5 комплексларидан қирғичлар, қирғичсимон асбоблар, синиқлар ва бошқа тош буюмлар топилиб, уларнинг аксарияти ашель-мустье даврига мансуб, деб баён этилган. Юқорида номи такрорланган Аристанди дарёсининг ўнг соҳилидаги Шакпак, Узунбулоқ 1—2, Учбулоқ, Шабакти, Интоли, Бургутли деган жойлардан 15 га яқин ашель ва ашель-мустье ёдгорликлари топилиб фагга маълум қилинди. Мазкур жойлардан қадимий характерга эга бўлган нуклеуслар, синиқлар, чопқилар, чопнинг ва бошқа тош қуроллар ҳам топилган.

Шундай қилиб, сўнгги 25—30 йил ичида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида қадимий тош асрининг навбатдаги босқичи мустье даврига мансуб 300 дан ортиқ макон топилди.

Мустье даврига келиб, ибтидий кишилар Ўрта Осиёнинг бутун майдонига кенг тарқалдилар. Каспий бўйларида баланд тоғли Помирғача, Жанубий Қозоғистондан Туркменистоннинг Копетдоғ этакларигача, ундан Устюртгача бўлган ерлардан мустье даврига мансуб ёдгорликларнинг топилиши фикримизнинг далилидир.

Мустье даврига оид ёдгорликларнинг қатлами, қаллилиги, тош қуролларнинг технологияси бир хил бўлмай, балки хилма-хилдир. Ўрта Осиё мустье даври ёдгорликларининг энг муҳим масаласи унинг санасидир. 1949 йилдаёқ Тешиктош гор-макони мустье даврига мансуб деб, баён қилинган эди.

Ҳозирги вақтда Фарбий ва Шарқий Европадаги, шунингдек, Африкадаги мустье ёдгорликларини анча кейинги даврга мансуб, деб қараш вужудга келди. Бир гуруҳ олимлар бу ёдгорликларни мустье-вюрм музланиш даврининг бошланишини ҳам ўз

ичига олиб, юқори плейстоценнинг бошланишига тўғри келади, деб фараз қилмоқдалар.

Фарба ва Ўрта Ер денгизи ҳавзасида миндель-риссга ашель ва тейяк даври тўғри келади. Ўрта Осиёда рисс ва рисс-вюрм музланиш даврига эса сўнгги ашель ва мустье ёдгорликлари тўғри келади.

Леваллуа-мустье эса вюрм I, II музланиш даврига тўғри кетади. Шуни айтиш керакки, бу геологик далиллар радиоуглерод —  $C^{14}$  усули билан аниқланган санага тўғри келади.

Ливандаги Рас-эл-Кельба — 52 минг; Ксар-Акила  $43 \pm 1200$  минг; Суриядаги Жерф-Айла  $43 \pm 2000$ ; Фаластиндаги Табун Б  $39500 \pm 800$  минг; Табун С  $40900 \pm 1000$ ; Кебер учун  $42000 \pm 1000$ ; Эрондаги Шанидар форининг юқори қатлами 50 минг йил билан белгиланган.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб шунни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёдаги илк мустье маконлар, шунингдек, Тешиктош ва Қайроққум ёдгорликларининг қуйи қатламлари рисс-вюрмга ёки вюрм I га мансуб бўлиб, санаси 50 минг йилга бориб тақалади.

Тешиктош ва Қайроққумнинг юқори қатламлари анча кейинги даврга мансуб бўлиб, 40—30 минг йилларга тааллуқли бўлиши мумкин.

Сўнгги саналар Ўрта Осиёдаги Хўжакент, Чирчиқ-Песком ва Қора-Бура ҳамда бошқа сўнгги мустье ёдгорликларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Мустье даври тош асри одамлари ва маданияти тарихида жуда муҳим, шунингдек, алоҳида босқични ташкил этади. Бу даврнинг аҳамияти тош асридан ўрта тош даври алоҳида ажралиб чиқиши билан характерланади.

Мустье босқичида, айниқса унинг сўнгги даврида юқори тош асрига ўтиш учун зарур шарт-шароит вужудга келиб, ибтидий кишилар турмушида ва меҳнат қуролларида янги элементлар қарор топа бошлади. Энг муҳими ибтидий тўдадан уруғчилик жамоасига томон қадам ташланиб, ҳозирги қиёфадаги янги одам — хома сапиенс кишисининг вужудга келиши учун замин ҳозирланди.

Бу янги ҳаётини уклад Ўрта Осиё мустье маданияти учун ҳам муштарак ва характерли эди.

Шуни унутмаслик керакки, мустье даврида ҳозирги қиёфадаги одамларнинг вужудга келиши учун шарт-шароит яратилган экан, бу катта эволюциянинг негизида меҳнат билан бевосита боғлиқ меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва шу асосда у давр кишиларининг хўжалик ҳаётидаги илгари томон қўйилган дастлабки силжишлар ётади.

Ўрта Осиёда мустье даври ўрганила бошлаганига 50 йилдан ошди. Бу давр ёдгорлиги 1938 йилдан бошлаб машҳур археолог А. П. Окладников томонидан ўрганила бошлаган Тешиктош макони эди. Сўнгги 25—30 йил ичида эса Ўрта Осиёнинг мустье даври ёдгорликларини ўрганиш иши қизгин тус олиб, 150 дан ортиқ мустье даври жой-маконлари топиб текширилди. А. П. Ок-

ладников 1940 йилдаёқ Тешиктошдан топилган тош қуроолларнинг яқин шарқнинг леваллуа-мустье қуроолларига ўхшашлигини баён этган эди.

В. А. Ранов Урта Осиёда мустье маданиятини леваллуа-мустье ва мустье-соан каби икки гурпуага бўлишни тавсия этади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биринчи гурпуа ҳам бир хил бўлмай, балки учта вариантга бўлинади. Шундай қилиб, В. А. Рановнинг фикрича, Урта Осиё мустье ёдгорликлари қуйидаги 4 вариантга бўлинади:

1. Леваллуа. Унга Хўжакент, Жарқўтон, Обираҳмат ва Қўтирбулоқ киради;

2. Леваллуа-мустье. Унга Қайроққум, Қопчиғай, Тоссор ва Фарғона маконлари киради;

3. Тоғли мустье. Унга Тешиктош, Семиганч, Оғзикичик ғор-маконлари киради;

4. Мустье-соан. Унга Қора-Бура, Кўхи-Пиёз, Оқжар ва бошқа мустье маконлари киради. Кейинчалик эса янги, тишчали мустье варианты ҳам кашф этилди.

Шундай қилиб, Урта Осиёдаги мустье даври ёдгорликлари ўзаро муштараклиги билан бирга баъзи ўзига хос, алоҳида хусусиятларга эга бўлган бешта вариантга ажратилади.

Мустье даври кишилари неандерталлар ҳисобланиб, ҳали уларнинг ташқи қиёфасида маймунга хос белгилар бирмунча сақланиб қолган эди. Уларда ҳозирги қиёфадаги кишиларга ўтиш жараёни бораётган, ишлаб чиқариш қурооллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўса бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошлаган, овчилик анча ривожланиб, кенг водийларга тарқала бошлаган эди. Мазкур даврда ибтидоий тўнадан уруғчилик тузумига ўтиш учун барча шарт-шароитлар яратила бошланди. Шу шарт-шароитлар натижасида қадимги тош асрининг одамлари ўрта босқичдан унинг сўнгги — юқори босқичи сари қадам қўя бошлаган эдилар.

**Урта Осиёнинг сўнгги тош асри ёдгорликлари.** Юқори тош асри бир неча миллион йил давом этган қадимги тош асрининг сўнгги босқичини ташкил этади. Урта Осиё халқларининг қадимги аجدодлари ҳам ўз бошларидан илк тош асри даврини кечирганлар.

Аммо Урта Осиёнинг сўнгги тош асри ёдгорликлари мустье ёдгорликларига нисбатан хийла суёт ўрганилган, чунки мазкур ўлкада бу даврга мансуб ёдгорликлар, жой-маконлар мустье давридагидек кўп эмас. Сўнгги тош асри кишилари эндиликда фақат тоғда яшамай, балки водийларга, дарё бўйларига тушиб келганлар ва шу жойларда истиқомат қила бошлаганлар. Кейинчалик булар яшаган жой-маконларнинг аксарияти нобуд бўлган, селлар ювиб, шамол ялаб ва кейинчалик ерлар ўзлаштирилиши натижасида маданий қатламлар йўқ бўлиб кетган. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ер остида яшириниб ётибди. Улар қадимги ва ўрта аср қалъа, қишлоқ, шаҳар сув иншооти каби

кўзга ташланадиган ёдгорликлар эмаски, тез топиб ўрганилса. Шунини айтиб ўтиш керакки, водий ва текисликлардаги тош асри макон-жойларининг аксарияти тасодифий равишда кашф этилган. Аммо улар бундан буён ҳам тасодифий равишда топилади деб ўтирмай, ҳамма жойда муттасил қидириш ишлари олиб бориш керак.

Урта Осиёлик археологлар сўнгги тош асри кишиларининг изларини излаб, ўлканинг кўп жойларидан мазкур даврга мансуб жой, ғор-маконларни топишга мўяссар бўладилар.

Урта Осиёдан кейинги 40 йил ичида Хўжағор, Шугнау, Қўлбулоқ, Янғажа 11, Аччисой, Есен 2, Туябўғиз, Бўзсув, Қомсомол кўли, Учтут, Семизбугу, Сарикўл, Тулкили, Ангренсор 2, Қорабош 3, Бетпак 7 ва бошқа сўнгги тош асри ёдгорликлари топиб ўрганилди.

**Қўлбулоқ макони.** Қўлбулоқ — Урта Осиёдаги тош асри манзилгоҳларининг энг ажойиб намунаси ҳисобланади. Макон Оҳангарон шаҳридан 10—12 км ғарбда бўлиб, Чотқол тоғининг жанубий ёнбағридан чиқадиган Қизилолма сойининг чап соҳилидаги қир-адир устида жойлашган. Бу макон кўп қатламли бўлиб, қуйи қатламлари илк тош асрига, юқоридаги 1, 2, 3 қатламлар эса сўнгги тош асрига мансуб бўлиб, у қатламлардан гулхан, кўмир қолдиқлари, кул, тош буюмлар — нуклеуслар, тишли тош қурооллар, қирғичлар, тош пойконлар, сихчалар, пластинкалар, тош пичоқлар ва бошқа тош бўлақчалари топилган. Айни вақтда мазкур маданий қатламлардан бугу, ёввойи от, сиртлон, архар каби ҳайвонларнинг суяклари ҳам топилган. Қўлбулоқдан чиққан тош қурооллар Туябўғиз, Бўзсув комплексларидан топилган сўнгги тош асри қуроолларига ўхшайди. Бу буюмларнинг юқори қатламдан чиқиши, қурооллар турларининг хилма-хиллиги, хусусиятлари ва бошқа омилларга таянган ҳолда Қўлбулоқнинг 1—3 қатламини сўнгги тош асрига мансуб дейиш мумкин.

**Бўзсув 1 макони.** Бу ёдгорлик тош асри маконларидан бирidir. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Тошкентнинг ғарб томонидаги Қорақамиш жари соҳилида Бўзсув 1 номи билан аталган тош асри ёдгорликлари мавжуд бўлиб, унинг маданий қатламларидан мустье қурооллари билан бирга сўнгги тош асрига мансуб тош қурол ва буюмлар топилган.

Мазкур жой-маконнинг юқори қатламиндан 85 та тош буюм ва қурооллар топилиб, шундан 79 таси кулранг, кулранг-қўнғир чақмоқтошдан, 4 таси оҳакли чақмоқтошдан, биттаси қора сланец ва яна бири халцедондан ишлангандир.

Бўзсув 1 маконидан топилган қуйи тош асри буюмлари ва тош қурооллари — нуклеус ва унинг парчалари, пластинкалар, тош парчалари, бир ва икки тигли тош пичоқлар, қирғичлар, сихчалар, тешгичлар, пойконлар, учриндилар ва бошқалардан иборатдир. Бўзсув 1 сўнгги тош асри қурооллари орасида тош пичоқ ва тош қирғичлар кўпчиликини ташкил этиб, шу каби қурооллар Бўзсув 2, Туябўғиз жой-маконларида, шунингдек, кўп қатламли Қўлбулоқ манзилгоҳида ҳам кўп учрайди.

**Бўзсув 11 макони.** Бу макон ҳам мустъе даври тош буюмлари билан бирга қуйи тош асри буюмлари ва қуроллари топилган ёдгорликлардан биридир.

**Бўзсув II қадимги Бўзсув соҳилидаги Шўралисой деган жойдан** топилган. Мазкур маконнинг маданий қатламларидан 103 та тош қурол топилиб, улар кулранг-қўнғир чақмоқтош, оҳактошли чақмоқтошдан, халцедондан ва сланецдан ишлангандир.

**Бўзсув II жой-маконининг юқори қатлампдан** нуклеус ва унинг бўлаклари, бир ва икки томонлама ишлов берилган тош пичоқлар, қирғичлар, қаламсимон пластинкалар, тишли қуроллар, ретушли ва ретушсиз қуроллар ва нуклеусдан кўчириб олинган жуда кўп тош парчалари топилган.

**Бўзсув II дан** топилган тош қуроллар, нуклеуслар ва бошқа буюмларнинг бир қисми сўнгги тош, иккинчи гуруҳи эса мезолит ва баъзилари неолит даврига мансубдир.

**Бўзсув II даги** нуклеуслар ва қуроллар **Бўзсув I, Туябўғиз** ва **Қўшилиш** макони ёдгорликларидан чиққан тош қуролларга ўхшайди. **Бўзсув II дан** уч даврга мансуб тош буюмлари ва қуролларининг топилиши бу маконда тош асри кишиларининг узоқ яшаганлигини билдиради.

**Бўзсув VI макони.** Археологик қидирув ишлари натижасида қуйи Бўзсувдан **Бўзсув 3—6 жой-маконлари** топилган. **Бўзсув 3—5 дан** асосан мустъе даврига оид қуроллар ва тош буюмлар топилган бўлса, **Бўзсув 6 дан** ҳам мустъе, ҳам сўнгги тош асрига оид тош буюмлар ва қуроллар топилган.

**Бўзсув VI дан** сўнгги тош асрига хос қаламсимон нуклеуслар, синиқлар, тош қуроллар топилиб, бу каби нуклеус ва синиқлар **Туябўғиздан, Бўзсув I** ва **II дан** ҳам топилган. Шунга асосланиб, **Бўзсув VI юқори қатлами** ва ундан топилган тош буюмлар сўнгги тош асрига мансубдир, дейиш мумкин.

**Туябўғиз сўнгги тош асри маконлари.** Туябўғиз сув омбори ҳавзаси археологик жиҳатдан текширилаётганда мазкур зонадан мустъе, сўнгги тош ва кишилик жамиятининг кейинги даврига мансуб кўплаб ёдгорликлар топилган. Булар орасида сўнгги тош асри жой-маконлари киши диққатини ўзига тортади. Қидириш ишлари натижасида сув ҳавзаси районида Оҳангарон дарёси билан унинг ўнг ирмоқларидан бири бўлган Бургулуксой ораллиғидаги майдондан тош асрига мансуб 6 та макон топилиб, бу жой-маконлар Тўйтепадан 16 км ғарбда, Тошкентдан эса 25—30 км шарқи-жанубда жойлашган. Мазкур 6 та жой-маконнинг тўрт еридан сўнгги тош асрига мансуб тош буюмлар топилган. Туябўғиз 1 га қарашли сўнгги тош асри макони Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Бургулик сойи унга қуйилишидан қуйида жойлашган. У ердан 85 та тош буюм топилиб, улар ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, чўзинчоқ парракча, синиқлар, қирғичлардан иборатдир; улар асосан чақмоқтошдан, қисман лойли сланецдан ишланган. Қурол ва тош буюмларнинг катта-кичиклиги ҳар хил.)

**Туябўғиз II макони.** Бу макон Туябўғиз I маконидан шимолроқда бўлиб, Бургулук сойининг Оҳангаронга қуйилиш жойидан 300—400 метр юқоридадир. Туябўғиз II дан ҳам мустъе қуроллари билан бир қаторда 160 дан ортиқ тош қурол ва буюмлар топилган бўлиб, улар парракча ва унинг бўлаклари, катта-кичик учриндилар, сихча, қирувчи тош қуроллар ва шаклсиз тош парчаларидан иборатдир.

**Туябўғиз III макони.** Бу жой-макон Туябўғиз II маконидан 50—60 метр юқорида бўлиб, дарёнинг ўнг соҳилига жойлашгандир. Бу жой-макондаги майдондан 145 та сўнгги тош асрига мансуб тош қуроллар ва буюмлар топилган. Улар нуклеуслар, пластинкалар ва унинг бўлаклари—қирғичлар, синиқлар ва тош парчаларидир. Туябўғиз 4 дан нуклеус бўлакчалари, пичоқсимон парракча ва синиқ топилган.

**Туябўғиз 4—5 маконлари.** Бу комплекс ҳам дарёнинг ўнг соҳилига жойлашган бўлиб, у ердан ҳам пластинка, кескич ва нуклеуслар топилган.

**Туябўғиз 6 макони.** Бу макон Туябўғиз сув омборининг чап соҳилидаги территорияда жойлашган бўлиб, ундан нуклеус, пичоқсимон парракча ва учринди топилган; уларнинг барчаси сўнгги тош асри қуролларини эслатади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, сўнгги тош асрига мансуб тош қуроллар олти жой-маконнинг ҳаммасида озми-кўпми учрайди. Улар орасида парракчалар, таёқ шаклидаги тешгичлар, қирғич ва қирувчи тош қуроллар, тешгичлар, кескич қуроллар киши диққатини ўзига тортади. Агар сўнгги тош асри қуроллари хил жиҳатидан мустъе ва неолит даври қуроллари билан қиёсланса, мустъе ва неолит комплексларида 7 тагача, сўнгги тош асри комплексида эса 12 тагача тош қурол ва буюмларни кўриш мумкин.

Туябўғиздан топилган сўнгги тош асри қуролларини қиёсий ўрганиш уларнинг сўнгги тош асрига мансуб Бўзсув комплекслари билан ўхшашлигини кўрсатади. Бу ҳол Туябўғиз сўнгги тош асри қуролларининг Бўзсув сўнгги тош асри қуроллари билан замондош эканини билдиради.

**Комсомол кўли макони.** 1939 йилда Самарқанд марказидан илк уруғчилик жамоасига мансуб юқори палеолит макони топилди. Бу макон археолог ва тарихчилар орасида Комсомол кўли макони номи билан машҳур бўлиб кетди. Бу макон шаҳар марказида, Снебча сойининг ўнг соҳилида, ҳозирги Комсомол кўли барпо этилган жойдан топилган. Қазиш ишлари натижасида шу нараса аниқландики, маданий қолдиқлар сарғиш соғтупроқда жойлашган бўлиб, у геологик жиҳатдан Мирзачўл цикли деб аталадиган даврнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Мазкур маконни қазиш натижасида маданий қатламлардан жуда кўп — 7,5 мингга яқин тош қуроллар топилди. Қуролларнинг аксарияти чақмоқтош халцедон, диорит, амфиболит, рогоник каби тоғ жинсларидан ясалган. Тош қуроллар учун хом ашё

макондан 7—8 км шимолда жойлашган Чўпон ота қояларидан олиб келинган бўлиши мумкин. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, маконнинг маданий қатламларидан чақмоқтошли сланецдан ясалган тош қуроллар ҳам топилган. Чақмоқтошли сланец эса Улуғбек расадхонаси яқинида жуда кўп учрайди.

Комсомол кўли маконидаги қуроллар ҳам хилма-хилдир. Булар қирғичлар, кескичлар, сиччалар, пичоқлар, гардишсимон нуклеуслар, учриндилар, ушатгичлар, болталар ва юпқа парракча каби қуроллардир.

Булар орасида ҳайвон териларини ишлаш учун мўлжалланган қирғичлар, тешгичлар, суякдан ясалган меҳнат қуроллари диққатга сазовордир.

Ўзулиги 16 см тош болталар, теша вазифасини ўтовчи тош йўнғичлар Комсомол кўли макони учун характерлидир. Маконда яшаган одамлар тошдан ва суякдан санчқи ҳам ясаганлар. Бу уларнинг балиқчилик билан ҳам шугулланганликларини билдиради.

Маконнинг маданий қатламларидан гулхан қолдиги, кўмир парчалари ва кул қатлами топилган. Шу билан бирга қадимги ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари ҳам топилган. Ҳайвон ва ўсимлик қолдиқларининг топиллиши бу ерда яшаган ибтидий кишиларнинг овчилик ва термачилик билан шугулланганликларидан далолат беради.

Бу ердаги жамоа юқори палеолит даврида, яъни ҳозирги қиёфадаги одамлар шаклланиб, уруғчилик тузуми вужудга келган даврда ҳозирги кундан 30—35 минг йил муқаддам яшаб ўтганлар.

Мазкур даврда яшаган кишиларнинг меҳнат қуроллари шарҳнинг Овражная, Войкова, Даҳбет деб аталган кўчаларидан ҳам топилган.

Комсомол кўли ёдгорлигининг маданий қатламларидан зоти жиҳатидан Пржевальский отларига яқин бўлган қадимги отларнинг суяклари, тўртламчи даврга мансуб туя, буғу, қулон каби ҳайвон суяклари топилган. Юқоридагилардан хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, бу макон атроф ерларида, шунингдек, Зарафшон воҳасида яшаган ибтидий кишилар ҳаётида овчилик ва термачилик асосий роль ўйнаган. Чунки бу географик регионда ҳам чўл, ҳам тўқайлик, ҳам тоғ ўлкасига хос ҳайвонлар кўп бўлган. Юқори тош асри кишилари ёввойи ҳайвонларнинг гўштини таом сифатида кенг истеъмол қилган бўлсалар, уларнинг териларидан уй-рўзгор анжомлари, уст-бош, полос, чайла ва ертўла устини беркитишда ҳам кенг фойдаланган бўлишлари керак. Ҳайвон суяклари эса қурол-яроғ ясаш учун хом ашё бўлган.

Бу ерда ибтидий одамлар ясаган чайлаларнинг излари ҳам учрайди. Қоя ости, горлар ва унгулар ибтидий овчилар учун асосий бошпана бўлиб хизмат қилган. Юқори палеолитдан бошлаб эса ибтидий одам «горлардан чиқиб», енгил турар жойлар

қура бошлаган. Натижада одамлар тоғли районлардагина яшаб қолмай, балки воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларга, кичик дарё ва кўлларнинг соҳилларига келиб ўрнашиб, бошпаналар қура бошлаганлар.

Самарқанд маконидан топилган чайла изларининг майдони 100 кв метрдан кўпроқ бўлиб, у деярли тўғри бурчак шаклидир. Чайла сой бўйига жойлашган ва ибтидий одамларнинг кундалик ҳаёти шу сой соҳилида овчилик билан кечган. Овчилар сой ва кўл бўйида овчилик қилиш билан қаноатланиб қолмай, Зарафшон бўйларига ва атроф-теваракка ҳам бориб ов қилган бўлишлари керак. Чайла ўрнидан хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган катта гулханнинг қолдиқлари, тош қуроллар тайёрлайдиган майдончалар, чайла устунларининг қолдиқ излари ҳам топилган.

Самарқанд макони антропологик жиҳатдан ҳам кўпгина материаллар берди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги тош асрига келиб, мустье даври неандерталь одами ўрнини ҳозирги қиёфадаги кроманьон одами эгаллай бошлайди. Кроманьон қиёфасидаги одамларнинг суяк қолдиқлари Самарқанд маконидан ҳам топилди. Чунинчи, археологик қазилар ўтказилган вақтда 3 м 20 см чуқурликда ҳозирги қиёфадаги одамнинг пастки жағ суяги ва тўққизта тиши топилди. Унинг ёнида эса одам кўл суягининг бўлаклари ётарди. Антропологлар бу жағ, кўл суяклари ва тишлар 25 ёшлардаги аёлга мансуб эканлигини аниқладилар.

Кейинги қазилар вақтида 2 м 80 см чуқурликдан одамнинг ўнта тиши билан пастки жағ суяклари топилди. Олимларнинг тахминий хулосаларига кўра, бу жағ суяги тузилиши жиҳатидан дастлабки жағ суягига яқин бўлиб, 35 ёшлардаги аёлга мансуб экан. Шунингдек, маконнинг маданий қатламидан ёш боланинг озик тиши ва пастки жағи ҳам топилган.

Қазилар вақтида маданий қатламдан ёмон сақланган ҳайвон қовурғасининг қолдиги топилди. Унга ибтидий одам томонидан бешта маҳсус белги қизилган. Айни вақтда 2 м 55 см чуқурликдан маҳсус тешикли денгиз чиганоғи топилган. У зеби-зийнат буюми бўлиб, бундай чиганоқлар Ҳинд океани, Қизил денгиз ва Форс кўлига тропик зоналарида учрайди. 1965 йилда яна шундай чиганоқ Самарқанднинг Даҳбет кўчасида 6 м чуқурликдан ҳам топилди. Илгари бу ерда юқори палеолит даврига мансуб ва чақмоқтошдан ясалган қуроллар ҳам топилган эди. Бу эса қадимий замонларда Урта Осиё қабилалари билан Ҳинд океани соҳилларидаги қабилалар ўртасида алоқа бўлганлиги ва бу чиганоқлар Самарқанд территориясига маҳсулот айирбошлаш натижасида келиб қолганлигидан дарак беради.

Самарқанд маконидан 20 га яқин тухумсимон данакча топилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида кичкина тешикчалар ҳам бор. Мутахассисларнинг фикрича, бу тешик данаклар қадимги аёлларнинг тақинчоғи бўлган. Шунингдек, макондан катталиги жи-

хатидан бир хил бўлган думалоқ шаклдаги иккита юпқа оқ қайроқ тош ҳам топилган. Улардан бирининг ўртасида эса тешик бор. Мутахассислар фаразига кўра, бу сочга тақадиган ва бўйинга осадиган тош тумор бўлиши мумкин экан.

Бу маданий қатламнинг юқори қисмидан ўртаси ишқаланган ва айланаси бўйлаб тўғри, ингичка чизиқлар чизилган юпқа, думалоқ шаклдаги қайроқ тош топилган. Тошдаги тасвир эҳтимол одамнинг қадимий тафаккури билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, Комсомол кўли макони Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Урта Осиёдаги энг машҳур сўнгги тош асри ёдгорлиги саналади.

**Такалिसой ғори.** Бу ғор ҳам ибтидоий кишиларнинг ғор-маконларидан бири ҳисобланади. Мазкур ғор-макон Самарқанддан 50 км жануби-шарқда бўлиб, Тахтақарачи доғони раёнида денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган. Ғор карст типига бўлиб, мрамрлашиб қолган оқактошдан ташкил топган.

Ғорда қазиш ўтказилиб, 25—40 см чуқурликдан нуклеуслар, парракчалар, учриндилар, тош пичоқ, қирғич ва бошқа тош буюмлар, кўмир бўлақлари, кул қолдиқлари, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг майда ва парчаланган суяклари топилди. Топилган ҳайвон суяклари Такалисойда яшаган ибтидоий кишиларнинг асосан овчилик билан тирикчилик ўтказганликларини кўрсатади.

Олимларнинг тахминича, Такалисой ғор-маконига истиқомат қилган ибтидоий кишилар омонқўтонликлардан анча кейин, эҳтимол тош асрининг сўнгги босқичида — уруғчилик тузумига ўтиш даврида — сўнгги мустъеда яшаган бўлишлари мумкин.

**Хўжамазгил макони.** Юқори палеолитга мансуб бу ёдгорлик Туркистон тизмасининг ғарбий ёнбағридаги Гилдон қишлоғидан 35 км шарқда, Самарқанддан эса 70 км жануби-шарқдадир.

Хўжамазгил маконидан қорамтир-яшил, оч-жигарранг, кулранг ва оқ тусли чақмоқтошдан ясалган ҳар хил нуклеуслар, пичоқсимон парракчалар, кескичлар, пичоқ вазифасини бажарувчи ўрсоқ-рандалар, тош қирғичлар, чопқилар, ҳар хил мақсадлар учун ишлатиладиган учринди ва бошқа тош қурооллар, шунингдек, ўткир тигли тошлар топилган.

Қуроол учун зарур хом ашёни хўжамазгиллик ибтидоий кишилар манзилгоҳдан 12 км жануби-шарқдаги сой дарасидан олиб келган бўлсалар керак. Маданий қатламдан турли ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган.

Қуроолларнинг ишланиш техникаси, типологик шакли ва материалларига қараб, Хўжамазгил қароргоҳини ва ундан чиққан буюмларни юқори тош асрига мансуб, дейиш мумкин.

Қозоғистондан, хусусан, унинг жанубий областларидан топилган сўнгги тош асри ёдгорликлари мустъе даври ёдгорликларига нисбатан у қадар кўп эмас. Марказий ва Жанубий Қо-

зоғистондаги сўнгги тош асри ёдгорликларининг энг машҳурлари Аччисой, Сари-Арка, Бетпак 7, Есен 2, Қарабас ва Ангренсор 2 жой-маконларидир.

**Аччисой жой-макони.** Бу ёдгорлик Жанубий Қозоғистондаги сўнгги тош асри маконларидан биридир. Бу жой-макон Қоратопнинг Турлан доғони яқинидаги Аччисой дарасида жойлашган. Аммо бу ёдгорлик ҳали яхши ўрганилмаган, у ҳақда умумий маълумотгина бор, холос. Маданий қатлам ер сатҳидан 7—8 м чуқурликда жойлашган бўлиб, ундан сунъий тарзда парчаланган тошлар, чиқиндилар, призматик ва конус шаклдаги нуклеуслар ва синиқлар топилган. Улар орасида тош қирғичлар, куракчалар, тешгичлар, ўткир учли тошчалар, ушатгич ва бошқа қурооллар учрайди.

Аччисой жой-макони яхши ўрганилмагани учун тош қуроолларнинг, умуман унинг маданий қатламининг даври ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. У ердан тош қурооллар билан биргаликда 15 та гулхан излари, кул, кўмир қолдиқлари, шунингдек, бизон, тур, ёввойи от, тоғ қўйи, архар ва бошқа ҳайвонларнинг куйган суяклари гулхан излари атрофида сочилиб ётган ҳолда топилган.

Аччисойдан топилган тош қурооллар ва уларнинг ишланиш техникаси, тури, морфологик хусусиятларига қараганда мазкур ёдгорликдан топилган буюмларни сўнгги тош асрига мансуб, дейиш мумкин.

**Сари-Арка макони.** Марказий Қозоғистондаги сўнгги тош асри ёдгорликларидан биридир. Сари-Арка макони ёдгорликлари Балхаш кўлининг шимолий соҳилидан, сувсиз дара ва тоғ оралиғи ерлардан ҳам топилган. У ердан амфор нуклеуслар, мустъесимон кўл чопқилари, куракча, тўғри пичоқсимон парракчалар, қирғичлар, сикчалар, понасимон нуклеуслар топилган бўлиб, уларнинг баъзиларида мустъе даврига хос белгилар мавжуд. Лекин қуроолларнинг аксарияти сўнгги тош асрига мансуб бўлиши мумкин. Шунини айтиш керакки, мустъесимон қурооллар сўнгги тош асри қурооллари билан аралаш ҳолда топилган. Иккинчидан, унда маданий қатлам ҳам йўқ. Шунинг учун уни даврлаштириш масаласи анча мушкулдир.

Айни вақтда Марказий ва Жанубий Қозоғистонда Семизбуғу, Ангренсор 2, Қорабош 3, Бетпак 7, Тулкили каби сўнгги тошасри ёдгорликлари борки, улар Қозоғистондаги сўнгги тош асри маконлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

**Есен 2 жой-макони.** Бу ёдгорлик Устюртдаги Борсакелмас чўкмасининг жануби-ғарбий томонидаги тепалик устида жойлашган. Бу жойдан ҳам Сари-Аркадаги сингари ҳар хил нуклеуслар, пластинкалар, қирғичлар, кескичлар, конус ва призматик парраклар топилган. Есен 2 дан топилган қуроолларда ҳам мустъе даври қуроолларининг традициялари сақланган. Есен 2 дан топилган қурооллар, бир томондан, Сари-Арка, иккинчи томондан эса, Шарқий Қозоғистондаги «Ғор» қишлоғи маконидан топилган тош қуроолларга ўхшаб кетади. Есен 2 қуроолларидаги

мустьега хос хусусиятларни ҳисобга олиб, уни сўнгги тош асрини илк босқичларига мансуб, дейиш мумкин.

**Янгажа II жой-макони.** Бу ёдгорлик Туркменистондаги сўнгги тош асри жой-макони ва устахоналаридан бири ҳисобланади. Бу устахона-макон Туркменистоннинг ғарби-жанубидаги Красноводск ярим оролидан топилган. Тош буюм ва қуроллар 100 квадрат метр жойда тарқалган бўлиб, улар желавкалар, нуклеуслар, синиқлар, паррак ва парракчалар, тешгич, кескич ва шу каби қуроллардир.

Улар орасида нуклеуссимон қирғичлар диққатга сазовор бўлиб, бундай қуроллар Фаластиндаги сўнгги тош асри ёдгорликларининг қуйи қатламларидан ҳам топилган.

Янгажа II дан топилган сўнгги тош асри қуроллари Афғонистоннинг Қоракамар ва Тожикистоннинг жанубидан топилган баъзи қуролларга ўхшаб кетади.

Шундай қилиб, Туркменистон ерларидан топилган сўнгги тош асри жой-маконлари бу ўлкада уруғчилик тузуми даври кишиларининг дастлабки вакиллари яшаганлигидан дарак беради.

Урта Осиёнинг юқори тош асри ёдгорликлари мустье даври ёдгорликларига нисбатан яхши ўрганилмаган бўлса ҳам, топилган жой-маконларнинг маданий қатламларидан чиққан моддий буюмлар бу ерда сўнгги тош асрида ҳам одамлар анча кенг тарқалганлигини исботлайди.

Сўнгги тош асрининг энг катта ютуғи — бу одамзод наслининг шаклланиб бўлганлиги, яъни антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги қиёфадаги одамларнинг вужудга келиши эди. Шунингдек, мазкур даврда европоид, монголоид ва негроид каби йирик ирқларнинг шаклланиш жараёни ҳам содир бўлиб, одамлар эндиликда ер юзининг анча кенг жойларига тарқала бошлаган, янги шароитга мослашаётган эдилар.

Шу даврда одамлар Европанинг юқори томонларига ҳам силжиб бориб, ўрнашганлар ва у ерларда маконлар қурганлар.

Кроманьон деб аталган бу «ақл-идрокли» кишилар Осиёнинг шимоли-шарқий бурчагигача етиб бориб, Беринг бўғози орқали Америка қитъасига ҳам ўтдилар. Жануби-шарқда эса улар Хиндихитой ва Индонезиядан Австралия, Тасмания ва ундан Тинч океандаги ороларга ўта бошлаганлар.

Сўнгги тош асри кишилари Урта Осиё бўйлаб кенг тарқалиб, очик манзилгоҳ ва гор-маконларда ҳаёт кечирганлар.

Уларнинг асосий қуроллари тошдан ясалган қирғичлар, кескичлар, тешгичлар, найза пойконлари ва бошқалар бўлиб, улар шубҳасиз ёғоч ва суякдан ҳам меҳнат қуроллари яшашган, аммо улар замонамизгача сақланиб қолмай, ер остида чириб кетган бўлиши мумкин.

Бу даврнинг эни характерли хусусиятларидан бири ибтидоий тўдадан уруғ жамоасига ўтилишидир. Уруғчилик ибтидоий жамият тарихининг алоҳида босқичини ташкил этиб, бу ижти-

мой ҳаётдаги қатор ижобий ўзгаришларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлаб берди.

Лекин дастлабки уруғчилик тузуми ўзидан олдинги ибтидоий тўдага нисбатан ривожланишнинг юқори оқ босқичи бўлишига қарамай, бу давр кишилари ҳали тайёр овқат маҳсулотларидан фойдаланар — овчилик, термачилик ва балиқчилик билан тирикчилик ўтказар эдилар.

Уларда чорвачилик ҳам, деҳқончилик ҳам, ҳунармандчилик ҳам йўқ эди. Аммо сўнгги тош асри кишилари тошдан меҳнат қуроллари яшашда анчагина муваффақиятларга эришиб, ўзидан кейин келадиган мезолит ва неолит маданиятининг ривож учун шарт-шароит яратди. Сўнгги тош асри узоқ давом этган илк тош асрининг якунловчи босқичи бўлиб, бу давр кишилари ички-ташқи қиёфада, меҳнат қуроллари ва хўжаликнинг ривожидан ўз ўтмишдошларига нисбатан жуда ўзгариб кетган эдилар.

## 2.2. МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қадимги тош асрининг сўнгги босқичига келиб, ер юзидаги ўлкан музликларнинг чекиниши натижасида иқлим ўзгарди, у ҳозирги даврдагига анча ўхшаб қолган эди. Музликнинг чекиниши, ҳароратнинг кўтарилиши натижасида Урта Осиёнинг ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида ҳам ўзгаришлар юз берди. Қадимги тош асрининг йирик ҳайвонлари аста-секин йўқола бориб, улар ўрнига элик, архар, муфлон, тоғ эчкилари, бугулар, жайрон, сайғоқ, қулон, ҳуён, арслон, йўлбарс, барс, қоплон, гепард ва бошқа ҳайвонлар кўпая бошлади. Шунингдек, Урта Осиёдаги босқичлаб ёввойи бошоқли ўсимлик ва дарахтлар ҳам тобора кўпая берди.

Табиатдаги бу ўзгаришлар, ўз навбатида, мезолит даври ибтидоий аждодларимизнинг турмуш тарзида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Урта Осиёда мезолит даври нисбий тарзда милoddан аввалги XII—VI мингйилликларни ўз ичига олади. Мезолит сўзи мезос—ўрта ва литос—тош деган қадимги грек сўзларидан таркиб топган бўлиб, ўрта тош асри деган маънони билдиради.

Мезолит даврининг хусусияти, чегараси ва аталиши ҳақида археологлар орасида ҳамон қизгин баҳс бормоқда. Бир гуруҳ археологлар бу даврни қадимги тош асрининг алоҳида босқичи деб ҳисобласалар, бошқалари тош асрининг сўнгги босқичи, деб билдилар. Аммо кўпчилик археологлар бу давр тош асрининг ўрта босқичи эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Мезолит даврининг қуйи ва юқори чегарасини белгилашда ҳам турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Кўпгина олимлар мезолит даврининг чегарасини аниқлашда табиий географик муҳитга суянсалар, бошқалари тошни ишлаш техникасига асосланадилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса бу масалада хўжалик машгу-

лотларини биринчи ўринга қўядилар. Сўнгги тош асри, айниқса унинг иккинчи босқичи тош қуроолларини қайта ишлаш, уларни такомиллаштириш сари шарт-шароитни вужудга келтирди. Бу ҳол мезолит даврининг анча нозик қурооллари тайёрланишига олиб келди.

Мезолит даврига келиб, жанубий ўлкаларда, шунингдек, Урта Осиёда сигмент, трапезия ва учбурчак шаклидаги майда қуроолчалар — микропитлар пайдо бўлиб, суяк ёки ёғоч дастададан қадама сифатида фойдаланилган. Қадамалар дасталарга битум-қатрон билан ёпиштириб мустаҳкамланган ёки қайиш билан боғланган.

- Бу қурооллардан одамлар кесиш ва ўриш мақсадларида пичоқ ва ўроқ сифатида кенг фойдаланганлар.

Мезолит даврининг энг катта кашфиёт ва ютуқларидан яна бири — камалак ва ўқнинг кашф этилиши эди. Камалак ва ўқ — инсон кашф этган энг дастлабки мураккаб мослама бўлиб, у инсониятнинг узоқ давом этган меҳнат тажрибаси ва заковатининг натижаси эди. Ф. Энгельс ва машҳур этнограф Л. Г. Морган камалак ва унинг ўқига юксак баҳо берганликлари бежиз эмас эди. Чунки бу қуроол узоққа отилиши жиҳатидан ўша даврдаги бошқа қурооллардан устун эди. ●

Ф. Энгельс ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши устида тўхталиб, «Ўқ-ёйнинг ихтиро қилиниши орқасида парранда доимий озиқ-овқатга айланди, овчилик бўлса меҳнатнинг оддий соҳаларидан бири бўлиб қолди. Ёй, таноб ва ўқ жуда ҳам мураккаб қуроолдирки, бу асбобнинг ихтиро қилиниши учун узоқ вақт тажриба тўпланган бўлиши, ақлий лаёқат кўпроқ ривожланган бўлиши ва, бинобарин, айни замонда бошқа бир кўп ихтиролар билан ҳам танишилган бўлиши керак.

Темир қилич варварлик даврида ва милтиқ цивилизация даврида энг кучли қуроол бўлганидек, ўқ-ёй ҳам ёввойилик даврида энг кучли қуроол бўлган»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди.

Урта Осиёдаги, шунингдек, қўшни ўлкалардаги жуда кўп ёдгорликлардан мезолит даврига хос трапезиялар, сигментлар, учбурчаклар, қирғичлар, ўроқ-рандалар, найза ва камон ўқларининг учлари, кескич, тешгич ва ҳар хил шаклдаги учринди ва нуклеуслар кўп топилиб, улар орасида найза ва камалак ўқ учлари — пойконлар анча кенг тарқалган.

- Айни вақтда мезолит маконларидан тош қурооллар билан бирга суякдан ясалган игна сўзан, бигиз ва бошқа қуроолларнинг топилиши диққатга сазовордир.

Мазкур даврда майда қуроолчалар қатори йирик ва узун тош қурооллар—макролитлар ҳам кенг қўламда қўлланилган. Болтасимон тош қурооллар шулар жумласидандир.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. 3-том, 236—237-бетлар, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1981.

Мезолит даврининг энг катта ютуқларидан бири ит, чўчка, қўй, эчки ва бошқа ҳайвонларни қўлга ўргатила бошланиши эди. Археологик тадқиқотларга асосланиб айтиш мумкинки, мезолит даврига келиб, Олд, Яқин ва Урта Осиёнинг баъзи жойларида термачиликдан деҳқончиликка ва овчиликдан чорвачиликка, бинобарин, хўжаликнинг илгор, унумдор шаклига ўтиш бошланган. Бу жараён баъзи жойларда анча эрта, бошқа жойларда бир оз кеч содир бўлган бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи кучларнинг қай даражада ривожланганлиги билан бевосита боғлиқ эди. Ф. Энгельс айтганидек, дастлаб одамлар табиатда мавжуд бўлган тайёр маҳсулотлардан фойдаланиб, термачилик ва овчилик билан шуғулланишган бўлсалар, кейинчалик улар ўз меҳнат фаолиятлари билан табиатга фаол таъсир этиб, илгор унумдорлик хўжалигига — чорвачилик ва деҳқончиликка ўта бошлаганлар. Бу ҳол чорвачилик ва деҳқончиликнинг илк куртаклари бўлиб, асл маънодаги деҳқончилик ва чорвачилик кейинчалик қарор топди.

Мезолит одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар шимол томонга ҳам, Помир каби баланд тоғли районларга ҳам тарқала бошлайдилар. Каспий бўйларидан Тяньшань-Помиргача, Марказий Қозоғистондан Туркман-Хуросон тоғларигача бўлган ерлардан мезолит даври ёдгорликларининг энг ажойиб намуналари топилган ва ўрганилган. Шунингдек, мезолит даврига мансуб бўёқ билан ишланган тасвир ва манзаралар Урта Осиёнинг баланд тоғли районларидан топилган. Булар ибтидоий санъатнинг энг нодир намуналари эди.


Шундай қилиб, мезолит сўнгги тош асрига нисбатан катта силжиш, ўзгариш ва ривожланиш билан характерланиб, жамиятнинг бундан кейинги ривожланиши учун катта имкониятлар очиб берди. Бу катта силжишлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини билан боғлиқ эди.

**Мочай ғор-макони.** Бу ёдгорлик Ҳисор тизмасининг тармоқларидан бири — Қетмончопти тоғининг жанубий ёнбағрида, Мачай дарёсининг ўнг соҳилидаги Юқори ва Урта Мачай қишлоқлари оралиғида жойлашган. У дарё сатҳидан 70 метрча баландда бўлиб, оғзи жанубга қараган. Унинг кенлиги 20 метр, чуқурлиги 11 метр, баландлиги эса 3,5—5 метрчадир.

Мочай ғори кўп қатламли ёдгорлик бўлиб, қазини натижасида ундан тош ва суякдан ясалган меҳнат қурооллари топилган. Лекин улар орасида тош қурооллар асосий кўпчилигини ташкил этади.

Мочай ғоридан топилган суяк қуроолларнинг жами 15 нусха бўлиб, улар бигиз, игна, сўзан ва бошқалардан иборатдир.

Ғорнинг маданий қатламидан жами 870 та тошдан ясалган қуроол ва буюмлар ковлаб олинган. Улар ҳар хил шаклдаги нуклеуслар, ретушланган ва ретушланмаган паррак ва парракчалар, тош пичоқлар, аррасимон қурооллар, кескич, тош сандонлар, ушатгич тошлар, йўнғич-рандалар, найза ва ўқ учлари,



9-расм. Мочай. Мезолит даври.

трапециялар, сегментлар ва бошқа хил қурооллардан иборатдир. Мочай ғоридан топилган қурооллар ўзининг ишланиш техникаси, катта-кичиклиги нуқтаи назаридан Тожикистоннинг Вахш дарёси ҳавзасидаги мезолит қуроолларига анча ўхшаб кетади.

Айни вақтда қуроолларнинг баъзилари Марказий Фарғона,

Тошкент воҳасидаги, Туркманистон, Жанубий Қозоғистон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги қатор мезолит ёдгорликларидан топилган тош қуроолларига ҳам ўхшайди. Улар орасида ўзига хос айрим белгилар ҳам учрайди.

Мочайдаги қазилар ишлари натижасида маданий қатламлардан антропологик материаллар — одам бош суяклари, тиши, жағи ва бошқа аъзолари қолдиқлари топилган бўлиб, шу вақтгача республикамиздан ҳам, Урта Осиёнинг бошқа жойларидаги мезолит ёдгорликларидан ҳам бундай буюмлар топилмаган эди. Бу жиҳатдан Мочайдан топилган одам суяклари жуда катта амалий ва илмий аҳамиятга эгадир. Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасида калла суякларининг бири вояга етган эркак, иккинчиси аёл ва учинчиси эса ёш болага мансуб эканлиги аниқланган.

Антропологик материалларни чуқур ўрганиш олимларга Жанубий Урта Осиё мезолит даври кишиларининг қайси ирққа мансуб эканликларини билиш имконини берди. Ҳордан топилган калла суякларининг ҳаммаси европеоид ирқига мансуб кишиларники эканлиги аниқланди. Бу Урта Осиёнинг энг қадимги аҳолисини, уларнинг ташқи қиёфасини ва қўшни ўлкалар билан, айниқса жанубдаги қабилалар билан бўлган алоқасини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Археологик қазилар ишлари натижасида ғорнинг маданий қатламларидан меҳнат қурооллари, антропологик буюмлар билан бир қаторда хилма-хил ҳайвонларнинг суяклари — палеонтологик материаллар ҳам топилган. Аниқланишича, улар қизил бўри, тулки, барс, мўйнали сувсар, қуён, жайра, олмахон, Туркистон қаламуши, даласичқон, тўнғиз, Бухоро бугуси, Осиё қўйи — муфлон, айиқ, морихўр-бурама шохли эчки, тошбақа каби ёввойи ҳайвонларга мансуб экан. Аммо ғордан майда ва йирик шохли хонаки ҳайвонларнинг суяклари ҳам топилган.

Палеозоолог Б. Х. Ботировнинг маълумотларига қараганда, Мочай ғоридан 20 хилдан ортиқ ҳайвон суяклари топилган бўлиб, уларнинг аксарияти майда, синдирилган, оловда куйган. Агар маданий қатламдаги қалин кул қолдиқлари назарга олинса, ғорда ҳамиша гулхан ёниб турган. Демак, мочайликлар оловдан жуда кенг фойдаланганлар, ҳайвон гўштарини оловда пишириб еганлар.

Ҳордан ёввойи ва хонаки ҳайвон суякларининг топилиши Мочай дарёси ҳавзасида яшаган мезолит даври кишиларининг овчилик ва қисман чорвачилик билан шугулланганликларини билдиради. Мочайликлар термачилик билан ҳам шугулланган бўлишлари керак. Чунки Мочай атрофи ёввойи мева ва ўсимликларга жуда бой бўлган.

Археологлар маконнинг маданий қатламларидан топилган меҳнат қурооллари ва палеонтологик материалларни чуқур ўрганиб, уларнинг милoddan аввалги VII—VI мингйилликларга мансуб эканлигини аниқлаганлар.



Мочай ғори буюмларини Урта Осиёдаги Дам-дам чашма 11, Тутқовул, Ошхона, Обишир, Чилчор чашма, шунингдек, Яқин ва Урта Шарқдаги Зарзи-Шанидар, Али-Таппех, Гари-Камарбанд, Зеви-Чеми-Шанидар, Қора Камар, Оқ кўприк ва бошқа мезолит даври маконларидан топилган тош ва суяк қуроллари билан қиёслаш натижасида улар орасида ўхшашлик борлиги аниқланган.

Шундай қилиб, Мочай ғор-макони республикамиз жанубидаги мезолит даври ёдгорликларининг энг ажойиб намуналаридан бири ҳисобланади.

1 Жанубий Ўзбекистондаги мезолит даври ёдгорликларидан яна бири Айритом маконидир. Айритом Термиз шаҳридан 18 км шарқда, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган бўлиб, катта даврни ўз ичига олган кўп қатламли ёдгорликдир. Археологлар Айритомда қидириш ишлари олиб бориб, мезолит даврига мансуб тош қуроллар ҳам топишга муяссар бўлганлар. Улар асосан нуклеуслар, пичоқсимон парракчалар, учриндилар, қирғичлар, тешгичлар, тош пармалагичлар, ўқ ва найза учлари бўлиб, кўп жиҳатлари билан Обишир, Тутқовул, Соё Сайёд ёдгорликларидан топилган тош қуролларга ўхшаб кетади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Айритомдан топилган тош қуроллар ҳам мезолит даврига мансуб бўлиши мумкин.

Фарғона водийси ва унинг жанубидаги тоғлик районларда ҳам мезолит даврига оид маконлар анча кенг тарқалган. Шулар жумласига Фарғона водийсининг жанубидаги Қатрон тоғининг жанубий ён бағридан топилган Обишир I ва Обишир V ғор-маконларини кiritиш мумкин.

**Обишир I ғор-макони.** Бу ёдгорлик Ҳайдаркон шаҳарчасидан 4—5 км ғарбда жойлашган бўлиб, кенглиги 25,5, баландлиги 12, чуқурлиги эса 5—6 метрни ташкил этади. Ғорнинг оғзи жанубга қараган.

Обишир I ғор-маконининг маданий қатламларидан майда тош қуроллар — микролитлар, парракчалар, пластинкалар, бигизлар, қирғичлар, пичоқ қадамалари, шунингдек, нуклеуслар топилган. Бу қуролларнинг аксарияти Фарғона ва Урта Осиёнинг бошқа жойларидан топилган мезолит даври тош қуролларига ўхшаб кетади. Шундай экан, Обишир I ғор-маконидан топилган тош қуролларни ҳам мезолит даврига мансуб, дейиш мумкин.

**Обишир V ғор-макони.** Бу ёдгорлик Обишир I ғор-маконидан 200 метрча ғарбда жойлашган бўлиб, кенглиги 8, баландлиги 10 ва чуқурлиги 4—5 метрдан иборатдир. У ҳам Обишир I каби жанубга қараган бўлиб, унда учта маданий қатлам борлиги аниқланган. Обишир V ғор-маконининг қуйи қатламлари қазиб очилган вақтда оқ-қора ва кул ранг чақмоқтошдан ясалган микролитлар — парракчалар, пичоқ қадамалари, қирғичлар, кескичлар, тешгичлар, ўроқ-рандалар, шунингдек, ҳар хил шаклдаги нуклеуслар топилган. Айни вақтда макондан дағал парраклар

ва йирик учриндилар топилган бўлиб, улар ҳам қурол сифатида ишлатилган бўлса керак. Маданий қатламдан ёввойи ҳайвонларнинг парчаланган, синдирилган суяклари ҳам топилган.

Обишир V қуроллари ўзининг ишланиш техникаси жиҳатидан худди Обишир I дан топилган қуролларга айнан ўхшайди. Демак, Обишир V ғор-маконининг қуйи қатламларидан чиққан тош қуроллар ва бошқа буюмлар, шунингдек, балиқ тутишда ишлатиладиган грузила — қадоқ тошлар ҳам ўрта тош асри — мезолитга мансуб бўлиши мумкин.

Ҳар икки ғор-макондан топилган ашёларга асосланиб, Ҳайдаркон-Сўх воҳасидаги мезолит даврининг ибтидоий қабилалари балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланган, дейиш мумкин.

**Марказий Фарғона мезолити.** Кейинги 30 йил ичида Марказий, Жанубий ва Шарқий Фарғона ерларидан мезолит даври маконлари кўплаб топилди. Булар орасида Марказий Фарғона мезолити алоҳида аҳамиятга эгадир.

Марказий Фарғонадаги Иттак қалъа, Шўркўл, Аччикўл, Янгиқадам, Бекобод, Замбар, Тойпоқкўл, Дамкўл, Босқум (Мадёр) каби жой-маконлар диққатга сазовордир. Улар Марказий Фарғонадаги қадимги кўл ёқаларидан топилган бўлиб, афтидан бу жойлар қадимда тош асри кишиларининг яшашлари учун барча қулайликларга эга бўлган. Акс ҳолда Марказий Фарғонаниннг бу гўшасида 80 жойдан ортиқ макон топилмаган бўлурди. Археологлар бу маконлардан ҳар хил шаклдаги ретушланган, ретушланмаган ихчамроқ нуклеуслар топганлар. У давр кишилари бу нуклеуслардан синиқ ва майда парракчалар олишни кўзда тутган бўлсалар керак. Мазкур маконларда йирик парраклар олиш учун мўлжалланган йирик нуклеуслар жуда оз учрайди, ёки мутлақо учрамайди.

Айни вақтда хилма-хил шакл ва катталиктаги қирғичлар, тешгич, ўткир учли, аммо ўтмаслашган тош қуроллар, узун, қисқа паррак ва парракчалар, ретушли ва ретушсиз синиқ учриндилар, майда геометрик қуроллар анча кўп тарқалган. Шу билан бирга дарё тошларидан ишланган учриндилар ҳам учрайди. Баъзи маконлардан эса илк жойтун маданиятига оид трапедиялар ҳам топилган.

Айрим маконларда каттароқ нуклеуслар ҳам учрайдики, улардан йирикроқ синиқ ва парраклар олиш мумкин бўлган.

Бу қуроллар қора, рангдор, яшил, жигарранг чақмоқтош, сланец ва бошқа тош навларидан ясалган.

Маконларда қирғичлар, майда парракчалар ва синиқ ҳамда парракча олиш учун мўлжалланган нуклеуслар кўпроқ учрайди. Кўп қурол ва тош буюмлар ўзининг нисбий нозиклиги, ихчамлиги билан мусте ва сўнгги тош асри қуролларидан ажралиб туради. Марказий Фарғонадаги тош асри ёдгорликлари мажмуаси очиқ ҳолдаги жой-маконлар бўлиб, уларда қатлам йўқ. Археологлар уларни қиёсий ўрганиб, мезолит даврига мансуб, деб

даврлаштиришган. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ёдгорликдаги баъзи жой-маконлар илк мезолитга, бошқалари эса сўнгги мезолитга мансуб бўлиши ҳам мумкин экан.

Ҳозир бу жойларда қум барханлари кенг тарқалган. Аммо ўтмишда мазкур районда катта-кичик кўллар кўп бўлиб, мезолит ва неолит қабилаларининг жой-маконлари ана шу кўллар соҳилида жойлашган эди. Мезолит даври қабилалари эса термачилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланиб, тирикчилик қилганлар.

Марказий Фарғонадаги тош асри маконларида кейинги даврга мансуб маданий қатламлар ёки ёдгорликлар йўқ. Бунинг сабаби нимада экан?

Археолог А. В. Виноградов ўзининг Хоразм экспедициясидаги кўп йиллик тажрибасига суяниб, саҳро зоналаридаги жой-маконларнинг бузилиш даврини учга бўлган эди. Биринчи — маданий қатламлари қадим замонлардаёқ бузилган жой-маконлар; иккинчи — маданий қатламлари яқиндагина бузилган жой-маконлар ва ниҳоят учинчи — маданий қатламлари бузилиш жараёнини ҳозир бошидан кечираётган жой-маконлар.

Марказий Фарғонадаги мезолит ва неолит ёдгорликларининг ҳаммаси биринчи гурӯпадаги жой-маконларга мансуб бўлиб, бу жойлар маълум сабабларга кўра ўша замондаёқ ташлаб кетилган, сўнг эса аста-секин бузила бошлаган. Шунинг учун у ердаги турар жойларнинг қолдиқлари, хўжалик иншоотлари, сопол идишлар, ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, умуман инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа нарсалар сақланиб қолмаган.

Марказий Фарғонадаги мезолит ёдгорликлари шартли равишда икки босқичга — илк ва сўнгги мезолит даврларига бўлинади. Иттак қалъа 2, Аччиқ кўл, 1, 7, Янгиқадам 1—2, Тойпоқ 1 илк мезолит-милоддан аввалги IX—VII мингйилликларга мансуб деб фараз қилинмоқда.

Марказий Фарғонадаги сўнгги мезолит ёдгорликларига Аччиқкўл, Янгиқадам 2, Бекобод 3, 4, Шўркўл 2, Мадёр 11, Янгиқадам 22, Тойпоқ 2, Аччиқкўл 3, Замбар 2, Тойпоқ 3, 5, 7, Бекобод 1, 2, Шўркўл 1 ва бошқа жой-маконларни киритиш мумкин; улар милоддан аввалги VI мингйилликка мансуб бўлиши мумкин.

Фарғонадаги мезолит даври ёдгорликлари ҳақида фикр юритилар экан, уларнинг хўжалиги ва кундалик машғулоти ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш керак.

Агар Жанубий Фарғона тоғлари орасида яшаган мезолит даври қабилаларининг тирикчилик воситалари ёввойи ҳайвонларни овлаш ва термачилик билан боғлиқ бўлса, Марказий Фарғонада яшаган мезолит даври қабилалари хўжалик ҳаётида овчилик, термачилик билан бир қаторда балиқчилик жуда катта роль ўйнаган. Чунки улар Марказий Фарғонадаги кўллар ёқасида истиқомат қилганлар. Бу кўлларда эса балиқлар беҳисоб эди. Демак, Жанубий ва Марказий Фарғона водийсининг қулай

географик шароити мазкур жойларда ибтидоий кишиларнинг кенг тарқалиб яшашлари учун имконият яратган.

**Бўзсув I мезолит ёдгорликлари.** Ибтидоий одамлар қадимги Қорақамиш жарлиги ёқаларида фақат мустъе ёки сўнгги тош асридагина эмас, балки ўрта тош асри — мезолит даврида ҳам истиқомат қилганлар. Қадимги Бўзсув анҳорининг Қорақамиш жарлигига қуйилиш жойидан унча узоқ бўлмаган Шонкўприкдан қирғичлар, геометрик қурооллар, ихчам пластинкалар ва нуклеуслар топилган.

Шулардан иккитаси нуклеус, учтаси қирғич ва 4 таси пластинка бўлиб, улар ўзининг ихчам, нозик ишланганлиги билан мустъе ва сўнгги тош асри қуроолларидан фарқ қилади.

Бўзсув I мезолит комплексидан топилган қуроолларнинг биринчи ва иккинчи ишлови, шакли ва ихчамлигига қараб ҳукм чиқарилса, уларни мезолит даврига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

**Қўшилиш мезолит макони.** Бу ёдгорлик Тошкентнинг ғарбида бўлиб, қадимги Бўзсув анҳорининг чап соҳилига жойлашган. Қўшилиш маконини қовлаш натижасида чақмоқтошдан ишланган нуклеус, майда парракчалар, учрийдилар, қирғичлар, учбурчак шаклдаги қурооллар, тош пичоқ, силлиқланган тош буюмлар, тош парчалари топилган.

Қўшилишнинг маданий қатлампидан топилган мазкур қурооллар мустъе ва сўнгги тош асри қуроолларига нисбатан ўзининг ихчамлиги, нозик ишланганлиги, шунингдек, қуроол турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Қўшилишдан топилган нуклеуслар ва қирғичлар кўп жиҳатдан Фарғонадаги Обишир I, V, Аччиқкўл II, III, Тойпоқ I ва Маҷайдан топилган нуклеус ва қирғичларга ўхшаб кетади. Аммо Қўшилишдаги бу қурооллар анча қадимий хусусиятга ҳам эгадир. Қўшилишдаги қуроолларда ўзига хослик ҳам мавжуд. Бу фарқ, аввало, Қўшилишдан топилган қуроолларнинг геометрик шаклда ишланганлигида кўзга ташланади. Юқорида номлари айтилган маконларнинг ҳеч бирида учбурчак шаклдаги қуроол йўқ. Қўшилишда эса пичоқсимон парракчалар учрамайди.

Қўшилиш материалларининг баъзилари Яқин ва Ўрта Шарқдаги Шанидар, Палигавр, Гари-Камарбанддан топилган қуроолларнинг баъзиларига ўхшаб кетади.

Қўшилишнинг маданий қатламларидан қўй, эчки, буқа ва сиғирнинг суяк қолдиқлари топилган. Унинг маданий қатламларини чуқур таҳлил қилиш, қуроолларни ўрганиш, қиёслаш натижаларига қараб, мазкур ёдгорлик мезолит даврининг милоддан аввалги XI—X мингйилликларига мансуб дейиш имконини беради. Қорақамиш жарлиги атрофларида, умуман Тошкент воҳасида бундан 12—13 мингйил муқаддам яшаган кишилар асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар. Маданий қатламдан қўй, эчки ва қорамол суякларининг чиқишига қараб хулоса қилинса, ўша даврда одамлар ёввойи ҳайвонларни хонакилаштира бошлаганлар, деган фикрга келиш мумкин.

Қўшилиш ҳозирги Тошкент воҳаси бўйича дуруст ўрганилган мезолит ёдгорлигининг биринчисидир.

Шимоли-ғарбий Устюрт қадимдан бошлаб одамлар яшаб келган жойлардан ҳисобланади. Сўнги 20 йил ичида, айниқса 1977 йилдан кейин муттасил олиб борилган археологик ишлар натижасида Устюртнинг Жайрон қудуқ, Айдабол қудуқ деган жойларидан мезолит ва неолит даврларига мансуб 30 та жой-макон топилди. Шундан 26 таси Айдабол қудуқ ва 4 таси Жайрон қудуқ атрофларида тарқалганлиги аниқланди.

**Айдабол мезолит даври маконлари.** Бу ёдгорликлар Айдабол қудуғи атрофи ва ундан 6 км узоқликдаги масофалар ораллиғида жойлашган. Улар Айдабол 2, 4, 6, 9, 11, 14, 15, 16, 21, 22, 25 жой-маконлар ҳисобланади. Мазкур маконлардан чақмоқтошдан ишланган учриндилар, нуклеуслар, тош бўлакчалари, ретушли ва ретушсиз парракчалар, пичоқсимон парракчалар, қирғичлар, икки томонига ишлов берилган камон ўқининг учлари — ўткир учли пойконларнинг синиқлари, трапециялар, тешгичлар, қирғичлар, қирғичли синиқлар, кескичлар, баргсимон шаклдаги тош пойконлар, найза учлари, қайрон тошдан ишланган тош қуроллардан жуда кўп миқдорда топилган. Қуроллар билан биргаликда қўлда ишланган сопол идишларнинг бўлакчалари, шунингдек, чиғаноқдан ясалган нозик тақинчоқлар ва безак буюмлар ҳам топилган. Мутахассислар Айдаболда топилган тош қурол, буюм, сопол идишлар ва тақинчоқлар мезолит-неолит даврига — милоддан аввалги VII—V мингйилликларга мансуб, деб қараб, Айдабол 16, 25 дан топилган буюмларни эса милоддан аввалги VIII—VII мингйилликка мансуб бўлиши мумкин, демоқдалар. Агар Айдабол 6, 9, 11, 21, 22 жой-маконлардан топилган буюмлар милоддан аввалги VII—VI мингйилликка мансуб бўлса, Айдабол 2, 4, 14, 15 маконларидан топилган буюмлар эса милоддан аввалги VI—V мингйилликка оид экан.

**Жайронқудуқ маконлари.** Айдабол қудуғидан 6—8 км ғарбда Жайронқудуқ шўрхоги топилган. У мазкур жанубий қияликда, чўпонларнинг шу ердаги қишлоқ жойидан 1,5 км шарқда жойлашган. Жайронқудуқ I маконидан синиқлар, тош чиқиндилари, нуклеус ва унинг бўлаклари, майда тош парчалари, ретушсиз парраклар, иккинчи марта ишлов берилган учбурчакли синиқлар, ретуш берилган пичоқсимон парраклар, қирғичлар, ретушли трапециялар ва бошқа буюмлар топилган. У ердан сопол парчалари топилмаган.

Жайронқудуқ I маконидан топилган тош буюм ва қуроллар мезолит даврига — милоддан аввалги VII—VI мингйилликларга мансуб, деб қаралмоқда. Айдабол ва Жайронқудуқдан топилган буюмлар ва қуроллар Устюрт ва Оролбўйи мезолит қабилалари ҳаётида балиқчилик ва овчилик муҳим аҳамият касб этган деган фикрни айтишга имкон беради.

Қўшни Тожикистон территориясининг турли жойларида ҳам тош асрининг ўрта босқичи — мезолитга мансуб ёдгорликлар

анича кенг тарқалган. Булар Дангара, Шўртуз, Чил-чор чашма, Илпик кўл, Дахана, Дахана кийик, Ошхона, Қоратумшук, Шугнау, Қуйи Булён, Тутқовул, Иссиқ, Қойин-Соломо каби мезолит даври маконларидир.

**Ошхона макони.** Бу макон Тожикистондагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги энг машҳур мезолит ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Макон Помир тоғининг энг шарқий чеккасида бўлиб, Уйсув дарёси водийсидаги Марконсув дарёсининг юқори оқимида денгиз сатҳидан 4100 метр баландда жойлашган.

Археологлар Ошхона маконидан чақмоқтош ва кварцдан ясалган тош қуроллар ва уларнинг синиқларини топишга мувофиқ бўлганлар. Айни вақтда у ерда ҳар хил ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, ўчоқ излари, терак, қайин ва арча ёғочининг кўмир қолдиқлари ҳам топилган. Ошхона маконининг асосий қуроллари нуклеус, паррак ва парракча, синиқ, тешгичлар ва бошқа микролитлардан иборат. Шунингдек, у ердан найза ва камон ўқи пойконлари ҳам топилганлиги диққатга сазовордир.

Ошхона макони материаллари ҳар томонлама ўрганиб чиқиш натижасида мезолит даврига — милоддан аввалги  $9500 \pm 130$  мингйилликка мансуб эканлиги аниқланган.

Шарқий Помирдаги Қоратумшук ва Аличур дарёсининг юқори оқимидаги жойлардан ҳам мезолит даврига мансуб учринди, нуклеус, қирғич, камон ўқларининг учи, парракчалар топилганки, улар ҳам Ошхона мезолит даври макони билан замондош бўлиши мумкин.

**Чил-чор чашма макони.** Бу макон Тожикистоннинг Шахритуз райони ғарбидаги Чил-чор чашма булоқ номли чашма яқинида жойлашган. Археологлар Чил-чор чашма атрофларидан чақмоқтошдан ясалган сигментлар, трапециялар, парракчалар, призма шаклидаги нуклеуслар, қирғичлар, ўқ ва найза учлари ва бошқа қуроллар топганлар. Чил-чор чашма қуроллари шакли, ишланиш техникаси, катта-кичиклиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги мезолит қуролларига ўхшаб кетади.

Чил-чор чашма қуроллари Капса маданиятига хос қуроллар қаторига кириб, унинг санаси милоддан аввалги 8—7 мингйилликларга мансубдир.

**Шугнау макони.** Бу макон Дарвоз тизмасидан бошланадиган Яхсув дарёсининг юқори оқимидаги Шугнау қишлоғи яқинида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 2000 метр. Унинг маданий қатлами 5 горизонтдан иборат. 0 горизонт 3 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, мезолитга оид буюмлар худди шу қатламда жойлашган. Қолган I—IV горизонтлар қадимий бўлиб, сўнги ва ўрта тош асрига мансубдир. Юқори 0 қатламдан учринди, нуклеус, қирғич, пластинка, ўқ учлари, майда қуроллар ва чиқиндилар топилган. Маданий қатламлардан ўчоқ ва гулхан қолдиқлари, от, тур-бизон, тоғ эчкиси, архар каби ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган.

Макондан топилган тош қуроллар, қатламлар ва ёввойи ҳай-

вонларнинг суякларига қараб хулоса чиқарилса, Шугнау тош асри кишилари бўлган овчилар ёз фаслларидагина келиб кетадиган вақтинчалик манзилгоҳ бўлган, дейиш мумкин.

Демак, Шугнау маконининг энг юқори 0 горизонти мезолит даврига — милоддан аввалги VII—VI мингйилликларга мансуб ёдгорликдир.

Мезолит даврига мансуб тош қуроллар Хўжағор, Қуйи руён, Тутқовул, Шарқий Помирдаги Аличур дарёси ҳавзасидаги Қорақўл ва Мурғоб дарёларининг юқори оқимларидан топиб ўрғанилган.

Яқин вақтларгача ҳам Помир баланд тоғли ўлка бўлганлиги учун одамлар у ерга от, туя, қўтос каби миниладиган ҳайвонлар пайдо бўлгандан кейин келиб ўрнаша бошлаган, деган фикр бор эди. Лекин Помирдаги Ошхона, Қоратумшўқ, Аличур ва Маркансув дарёлари ҳавзасидан мезолит даври ёдгорликларининг топилиши юқоридаги фикрни рад этди.

Дараи шўр макони. Бу макон Норак сув омборининг юқори томонида, Вахш дарёси соҳилида жойлашган. Археологларнинг маълумотларига қараганда, бу макон унгурининг баландлиги 4,5 метр, кенлиги 20 метр ва чуқурлиги 4 метрдан иборат. Унгур олдида катта сайхон жой ҳам бор. Ҳозир унгур Норак сув омбори остида қолиб кетган.

Дараи шўр унгурини қазиш натижасида 6500 дан ортиқ тош буюм ва қуроллар топилган. Бу буюм ва қуроллар дарёнинг шағал тошларидан ва чақмоқтошдан ясалган. Дараи шўр унгурининг қуйи қатламларида қурол ўрнида ишлатиладиган ўткир учли ингичка тошлар, трапециялар, сегментлар ва майда тош қуроллар кўп учрайди. Улар шакл ва кўриниши жиҳатидан юқори қатламдаги неолит қуролларидан фарқ қилади.

Айниқса ўткир учли ингичка тошлар ва сегментлар Сой-Сайёд ва Тутқовулнинг маданий қатлампидан топилган шу шаклдаги буюм ва қуролларга ўхшаб кетади. Улар эса ривожланган мезолит даврига мансубдир. Худди шундай қуроллар Оби кийик, Оқча дарё тармоғи ва Шимолий Афғонистондан ҳам топилган ва улар мезолит даврига тааллуқли экан. Демак, Дараи шўрнинг қуйи қатлампидан топилган буюмлар ва қуроллар ҳам мезолит даврига мансубдир. Бу милоддан аввалги VIII—VII мингйилликларни ўз ичига олади.

Дараи шўрдан топилган мезолит даври қуроллари кўп жиҳатдан Урта Осиёнинг бошқа жойларидан топилган мезолит қуролларидан фарқланувчи ўзига хос хусусиятга ҳам эгаки, бунинг ҳозир алоҳида Вахш мезолит маданияти номи билан аташ мумкин.

Шундай қилиб, милоддан аввалги XI—VI мингйилликларда Каспий бўйларида Помир тоғларигача, Қўхитош ва Копетдоғдан Марказий Қозғистонгача бўлган кенг майдонда мезолит қабилалари яшаганлар. Бу жойларнинг географик шароити хилма-хил бўлиб, тоғли ўлкаларда яшаган қабилалар ва уруғлар

Вахш мезолит маданиятини яратиб, улар асосан овчилик, термачилик билан шуғулланганлар. Лекин улар хўжалигида хонаки ҳайвонларнинг излари ҳам кўринади. Мезолит даври қабилалари металлдан фойдаланмаганлар, уларда ҳам сопол идишлар бўлмаган.

Дашт ва текисликларда, денгиз, кўл ва дарё соҳилларида ишовчи мезолит қабилалари эса асосан овчилик, балиқчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

Уларда деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам бўлмаган бўлса керак. Демак, мезолит даври ўзидан олдин ўтган қадимги тош асрига нисбатан қуролларнинг тури, сифати, ишланиш техникаси жиҳатидан ҳам, хўжаликнинг ривожланиши ва одамлар тафаккурининг ўсиши жиҳатидан ҳам олға катта қадам ташлаб, жиддий натижаларга эришган. Бу ҳол ибтидоий жамоа тузумининг бундан кейинги ривожига асос яратиб, шарт-шароит вужудга келтирган.

### 2.3. НЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Неолит узоқ давом этган тош асрининг сўнгги ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Палеолит, мезолит сингари неолит сўзи ҳам неос — янги ва литос — тош деган қадимги грек сўзларидан таркиб топган бўлиб, янги тош даври, деган тушунчани билдиради. Археология фанига неолит тушунчасини инглиз археологи Лэббок олиб кирган.

Неолит даврида иқлим ҳозиргига анча яқин бўлган, у давр кишилари ер юзи бўйлаб анча кенг тарқала бошлаганлар. Улар турли табиий шароитга мослаша бошлаганлар ва алоҳида маданият яратганлар. Турли географик муҳит ва шарт-шароитдан келиб чиқиб, уларнинг меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, турар жойлари ва хўжаликлари ҳам ҳар хил шаклга эга бўлган. Бу эса хўжаликнинг нотекис ривожланишига сабаб бўлган. Жанубий ўлкаларнинг серҳосил жойларида яшаган кишилар хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шакллари ривожлантириб юборганлар. Шимолроқ ўлкалар эса табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли узоқ вақт орқада қолиб келган.

Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва тармоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятдан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик, айни вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Неолит даври кишилари қаерда, қайси шароитда яшамасинлар, уларнинг меҳнат қуроллари мезолит давридагига нисбатан такомиллаша борган.

Неолит даврига келиб, мезолитнинг сўнгги босқичида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалган, парракчалар, қада-

малар, найза ва камон ўқларининг учлари, пичоқ, тешгич, парма, қирғич, ёрма тошлар, ўроқ-ранда ва бошқа қурооллар такомиллашган.

Неолит даври кишиларининг энг катта ютуқларидан яна бири кулолчилик бўлиб, улар лойдан ҳар хил идишлар ясашни ва уларни оловда пиширишни ўргангандирларки, бу ўша замон учун жуда катта кашфиёт эди. Неолит даврида одамлар рангли ва оддий металллар билан танишганлар.

Тўқимачиликнинг кашф этилиши ҳам, дастлабки сувда сузиш-қайиқсозлик ҳам жамиятга неолит даврининг тортинчи бўлган. Неолит даврида ўзаро буюм алмашинуви ривожланди.

Ўрта Осиёнинг жанубий ерларида, хусусан, Копетдоғ этакларида суғорма деҳқончилик ва илк чорвачилик қарор топиб, даштларда, катта-кичик дарё ва кўлларнинг соҳилида овчилик ва балиқчилик ривож топа бошлайди. Ўрта Осиёнинг баланд тоғлик районларида эса бошқача неолит маданияти шаклланади.

Ўрта Осиёда яшаган неолит қабилалари хўжалик шаклларига кўра Жойтун, Қалтаминор ва Ҳисор маданиятига бўлинади, улар санасининг юқори чегараси милоддан аввалги VI мингйиллик, қуйи чегараси эса IV—III мингйилликлар билан белгиланади.

Совет археологлари олиб борган қидирув ва тадқиқот ишлари натижасида Ўрта Осиёнинг турли жойларидан Жойтун, Қалтаминор ва Ҳисор маданиятига мансуб юзлаб жой-макон ва масканлар топиб ўрганилган. Булар орасида Амударё этакларидан топилган Ёнбошқалъа неолит даври жой-макони диққатга сазовордир.

Амударё этаклари ва Хоразм территориясидан ҳам неолит даври маконлари кўплаб топилган. Булар орасида Қалтаминордаги Ёнбошқалъа деган жойдан топилган макон диққатга сазовордир.

Ёнбошқалъани қазиб очиш вақтида 290 кв. м ҳажмли (24 м х 17 м катталиқдаги) турар жойнинг қолдиғи топилган.

С. П. Толстовнинг фикрича, бу чайла шаклидаги макон бўлиб, ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Унинг томига кўндаланг бағазлар ташланиб, усти қамиш билан беркитилган. Чайла сатҳининг кўп жойларидан катта-кичик чуқурчалар топилди. Бу устун ва синчлар ўрнатилган чуқурчалардир. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиғи, унинг атрофларидан эса майда ўчоқлар қолдиғи, чайла атрофидан эса кул, куйган қамиш ва ёғоч қолдиқлари топилди.

Ёнбошқалъа маконидан неолит даври учун хос нуклеуслар, найза пойконлари, қирғич, пластинка, камалак ўқларининг учлари ва бошқа тош қурооллар топилган.

Маконнинг маданий қатламларидан балиқ, ёввойи чўчқа, қирғовул, сув қушларининг суяклари, ўрдак ва гоз тухумларининг пўчоқлари, жийда данаклари ҳам топилган.

Ёнбошқалъа маконидан сопол идишларнинг парчалари ҳам топилган бўлиб, уларнинг оғзи ялоқ, ост томони дўнроқ, сиртига тўлқинсимон нақшлар берилган идишлар эди. Ёнбошқалъа атрофларидан ва бутун Хоразм, Қорақалпоғистон, Устюрт маконидан топилган тош қурооллар сингари буюмлар топилиб, уларни ўрганиш асосида бу ерда бундан V—VI мингйил илгари неолит даври кишилари яшаб, асосан балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланганликлари аниқланади.

Бундай маконлар мажмуаси Қалтаминор маданияти деб аталади. Бу маданиятга мансуб маконлар қадимги Моҳонкўл, Катта, Кичик Тузкон, Қоронғи Шер, Дарёсой каби кўл ва дарё соҳилларидан ҳам топилган бўлиб, улар милоддан аввалги IV—III мингйилликларга мансуб ёдгорликлардир.

**Зарафшон этакларидаги неолит даври маданияти.** Кейинги 35—40 йил ичидаги археологик қидирув ва қазиниш ишлари натижасида Қашқадарё ва Зарафшон дарёларининг қуйи оқимидаги Катта ва Кичик Тузкон, Гужайли ва Моҳондарёнинг қадимги ўзанлари соҳилидан 45 та неолит ва 30 та бронза даврига оид жой-маконлар топиб ўрганилди. Таажжубки, ҳозир бу ерлар кимсасиз ва сув оқмайдиган жойлар ҳисобланади.

Неолит даврига мансуб ёдгорликларнинг ҳаммаси Катта ва Кичик Тузкон кўлининг соҳилларида жойлашган. Фақат Катта Тузкон соҳилининг ўзидан 35 та жой-макон топилиб, шундан биттаси кўп қатламли ва яна биттаси бир қатламли маконлардир. Кичик Тузконда эса учта жой-макон борлиги аниқланган. Айни вақтда неолит даври жой-маконлари Моҳондарё ҳавзаси, Каптарниқуми, Эчки Қирон, Қоронғи Шўр ва Қумисултондан ҳам топиб ўрганилган.

**Дарвозақир I жой-макони.** Бу ёдгорлик уч маданий қатламли неолит даври турар жойи бўлиб, Бухоро областининг Қоракўл шаҳарчасидан 40—45 км шимоли-ғарбдаги Катта Тузкон кўлидан 600—700 метр масофада жойлашган.

Унинг юқори қатлами бузилиб кетган бўлишига қарамай, маданий қатлами анча бой. Ундан силлиқланган тош болта, қирғич, тешгич, ўроқ-ранда, парма топилган. Иккинчи қатламидан эса гулхан қолдиқлари ва оз миқдорда қурооллар топилган. Учтинчи қатлами тақирда бўлиб, 1 ва 2 қатламга нисбатан анча бойдир. Учтинчи қатламдан ўчоқлар ва турар жой қолдиғи топилган. Моддий маданият қолдиқлари орасида силлиқланган тош болта, бошқа хил тош қурооллар, тўлқинли чизиқлар билан безатилган сопол буюмлар ва ҳайвон суяқларининг қолдиқлари топилган.

Дарвозақир I маконида 81 м<sup>2</sup> ва 7×11,6 катталиқдаги тўғри тўртбурчакли турар жой қолдиғи сақланиб қолган бўлиб, унинг ҳар ер-ҳар ерида кичик-кичик чуқурчалар учрайди. Бу чуқурчаларга устун ва устунчалар қўйилган бўлса керак. Бу турар жой ёғочдан ясалиб, усти қамиш билан беркитилган чайла бўл-

ган. Хона ичида ўчоқларнинг излари йўқ, унга шарқ томондан кирилган бўлса керак.

**Дарвозақир II жой-макони.** Бу ёдгорлик бир қатламли неолит даври маконидир. У Катта Тузкон кўлининг шимолий қисмида жойлашган. Қазилар ишлари натижасида ундан кўп миқдорда тош қуроллар — қирғичлар, ўроқлар, пичоқ, тош ушатгич, тешгичлар, нуклеуслар, учриндилар, пластинкалар ва тош чиқиндилар топилган. Жами 584 тош буюмдан 35 % и тош қуроллар бўлиб, қолганлари тош чиқиндиларидан иборатдир. Улар орасида пичоқсимон парракчалардан ясалган майда қуролчалар кўпчилигини ташкил этади.

**Дарвозақир II дан чиғаноқ ва мрамардан ясалган ҳар хил шаклдаги мунчоқлар ҳам топилган.** Макондан кўлда ишланиб, сўнг пиширилган сопол идишларнинг топиллиши диққатга сазовордир. Улар ҳар хил нақшлар билан безатилган, улар кўп жиҳатлари билан Хоразмдан топилган Қалтаминор сопол идишларига ўхшаб кетади.

Моҳондарёдаги неолит даври маконларнинг аксарияти Катта Тузкон кўли соҳили атрофида жойлашган бўлиб, у ерда 35 та жой-макон топилган. Бу жой-маконлар бир-биридан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган. Бу жойлардан тошдан ясалган қирғичлар, пичоқлар, парраклар, ўроқ-рандалар, найза учлари — пойконлар, ўроқлар, ўқ учлари, синиқлар, нуклеуслар, парма, тешгичлар, ўроқ қадамлари, ёргучоқ, даста, артгич, қайроқтош, болта ва бошқа тош буюмлар топилган. Тош қуроллардан ташқари, у ердан тақинчоқ ва мунчоқлар ҳам топилган.

Катта Тузкондан суякдан ясалган қуроллар топилган эмас. Катта Тузкон маконларининг аксариятидан сопол идишларнинг парчалари кўплаб топилган. Уларнинг катта-кичиклиги, безаги ҳар хил бўлиб, оғзи кенгроқ, таг томони эса пастга томон думалоқ.

**Кичик Тузкон маконлари.** Бу ёдгорликлар Катта Тузкондан жануб ва жануби-ғарб томонда, қадимги Гужайли соҳилларида жойлашган бўлиб, 3 та жой-макондан иборатдир.

Маконларнинг маданий қатламларидан қирғич, тешгич, ўроқ қадамлари, нуклеуслар, пластинка-парракчалар, шунингдек, сопол идишларнинг парчалари ва бошқа буюмлар топиб текширилган.

Сопол идишларнинг оғзи унинг ўрта қисмига қараганда бир оз кенгроқ. Дарвозақир I, II, Катта ва Кичик Тузкон ва Қуйи Зарафшондан топилган сопол идишлар анча қалин бўлиб, кўлда ясалган ва бир хилда қилиб куйдириб пиширилган. Уларнинг катта-кичиклиги, вазифаси, шакли ва устидаги безаклари хилма-хилдир.

**Қоронғи Шўр макони.** Бу ёдгорлик Қуйи Зарафшондаги неолит даври ёдгорликларининг бири ҳисобланади. У Катта Тузкон кўлидан 90—100 км шимоли-ғарбдаги шу номдаги кўл соҳилида жойлашган. У ерда маданий қатлам сақланмаган бўлиб, тош бу-

юм ва сопол идишларнинг парчалари ер сатҳидан териб олинган.

Қоронғи Шўр маконидан 730 га яқин тош буюмлар ва сопол идишларнинг парчалари терилган. Улар қирғичлар, ўроқ-рандалар, тешгичлар, нуклеуслар, ретушли парракчалар ва сопол буюмларнинг парчаларидан иборатдир.

Қоронғи Шўр буюмлари — тош қуроллар ҳам, сопол идишларнинг синиқлари ҳам Дарвозақир ҳамда Катта ва Кичик Тузкондан топилган буюм ҳамда сопол идишларга ўхшайди.

**Пойкент маконлари.** Археологлар қидирув ишлари натижасида Қашқадарё этакларидаги Қумсултон ва Пойкент пасттектисларидаги қум барханлари орасидан неолит даврига мансуб қатор жой-маконларни топишга муваффақ бўлдилар. Пойкент маконларидан тош, болта, қирғич, тешгич, ўроқ қадамлари ва сопол идишларнинг синиқлари топилди.

Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги Дарвозақир I, II, Катта ва Кичик Тузкон, Қоронғи Шўр ва Пойкент маконларидан топилган тош қуроллар, сопол буюмлар ва бошқа ашёвий далилларни чуқур ўрганиш, Яқин Шарқ, Қозоғистон, Урал ва бошқа жойлардан топилган неолит даври ашёлари билан қиёслаш натижасида археологлар Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё этакларидаги бу маконлар калтаминорлар маданиятига оид бўлиб, милoddан аввалги IV—III мингйилликка мансубдир, деган фикрга келдилар.

Мазкур жойда яшаган кишилар термачилик, жайрон, ёввойи от, ёввойи чўчқа, буғу, сайғоқ ва бошқа ҳайвонларни овлаб, балиқ тутиб, овчилик билан кун кечиришган. Термачилик деҳқончиликка асос солган экан, хўжаликнинг бу тури Қуйи Зарафшон этакларида эндигина шаклланаётган бўлиб, бронза даврида Замонбобо маконларидагина деҳқончиликнинг излари кўзга ташланади.

Гарчи Зарафшон этакларидаги неолит даври маконларидан хонаки ҳайвонларнинг суяклари топилмаган бўлса ҳам, бу ерда яшаган неолит қабилалари хонаки ҳайвонларга эга бўлиб, чорвачилик билан ҳам қисман шуғулланган бўлишлари керак.

**Қизилқир I неолит макони.** Бу ёдгорлик Бухоро воҳасидаги неолит даври ёдгорликларидан биридир. У Бухородан 40 км шимоли-ғарбда жойлашган. Маконни археологик жиҳатдан ковлаш вақтида ундан манзилгоҳ ва устахона топилган. Манзилгоҳ-устахона қум тепалари орасидаги тақир ерга жойлашган. Унинг маданий қатламларидан, устахона-манзилгоҳ қуйи қатламидан калтаминор маданиятига хос бўлган қирғичлар, рандалар, тешгичлар, паррак ва парракчалар, микролит қуроллари кўплаб топилган. Шунингдек, содда қилиб ишланган сопол идишларнинг парчалари ҳам топилган.

**Қизилқир I устахона-маконида турар жой ҳам, тошдан қуроллар, лойдан сопол идишлар ясайдиган устахона ҳам бўлган.** Қизилқирнинг юқори қатлами бронза даврига мансуб бўлса,

қуйи қисми калтаминор маданиятига хос бўлиб, санаси миллоддан аввалги IV—III мингйилликларга бориб тақалади. Афтидан бу ерда аҳоли ўтроқ яшаб, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган бўлса керак. Маданий қатламдан топилган буюмлар олимларни шундай хулоса чиқаришга олиб келган.

#### Қизилқум неолит ёдгорликлари

**Чинкелди неолит макони.** Бу ёдгорлик Қизилқумдан топилган неолит даври жой-маконларидан бири ҳисобланади. Бу макон Қадимги Зарафшон дарёсининг энг қадимги ўзанидан бири — Дарё сойнинг қуриб қолган ўзани соҳилларидан ғарбда жойлашган Чинкелди деган жойдан топилган. Археологлар Чинкелди ва унинг атрофларидан нуклеус, учринди, йўнгич, тош болта ва бошқа тош буюмлар топганлар. Мутахассислар тош қуролларни синчиклаб ўрганиб, Урта Осиёнинг бошқа жойларидан топилган неолит даври жой-маконларидан топилган қуроллар билан қиёслаш натижасида улар Чинкелди макони илк неолит даврига — миллоддан аввалги VI—V мингйилликка мансуб, деган фикрга келганлар. Чинкелди маконидан топилган тош буюм ва қуроллар анча қадимийлаштириб юборилганга ўхшайди. Чунки Хоразм, Қорақалпоғистон ва Бухородаги неолит даври ёдгорликлари миллоддан аввалги IV—III мингйилликларга мансубдир. Шунга кўра, Чинкелди макони миллоддан аввалги VI—V мингйиллик эмас, балки V—IV мингйилликка мансуб дейилса, ҳақиқатга яқин бўлади.

Сўнги йиллардаги қидириш натижасида Дарёсой ўзанининг соҳиллари атрофидан янги тош асрига мансуб пластинкалар, синиқлар, қирғичлар, тарашалагичлар, майда пластинкалар, трапециялар топилган. Қизиғи шундаки, бу ердан бошқа жойга хос бўлмаган, ўзига хос шохдор трапециялар топилди.

Неолит даврига мансуб тош буюм ва қуроллар Қизилқумдаги Эчкиликсойдан, Хўжа Гумбаздан, Азбек қудуғи атрофидаги Қорақат деган жойдан ҳам топилди. Айни вақтда бу маконлардан хилма-хил нақшли сода сопол идишларнинг парчалари ҳам топилган. Дарёсойдан топилган тош қуроллар ва сопол идишлар билан Эчкилик, Хўжа Гумбаз, Қорақатдан топилган буюмлар орасида ўзаро ўхшашликлар кўп. Булар ҳам Дарёсой типидagi неолит ёдгорликлари ҳисобланади.

Археологларнинг фикрича, Қизилқумнинг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган Дарёсой типидagi бу жой-маконлар илк неолитга мансуб бўлиб, миллоддан аввалги VI—IV мингйилликларга мансуб бўлиши мумкин.

Дарёсой ва унга туташ бўлган жойлардан неолит маконларининг топилиши тасодифий эмас, албатта. Қадимги Зарафшон дарёсининг ирмоқларидан бири бўлган Дарёсойдан миллоддан аввалги VI—IV мингйиллик ва ундан кейинги даврда анча кўп

сув оққан. Неолит даври кишилари дарё соҳилида макон топиб, балиқчилик, овчилик, эҳтимол чорвачилик билан ҳам шуғулланишган.

**Устюртдаги неолит ёдгорликлари.** Шимоли-ғарбий Устюртдаги Жайрон қудуғи ва Айдабол қудуғи атрофларидан мезолитга мансуб маконлар билан бирга неолит даври ёдгорликлари ҳам топилган.

**Айдабол неолит маконлари.** Айдабол маконлари Айдабол қудуғи ва ундан 6 км узоқликдаги ерларда жойлашган. Айдабол неолит ёдгорликларига Айдабол 1, 5, 7, 13, 17, 19, 23, 24, 26 каби жой-маконлар киради.

Айдабол неолит даври маконларидан учринди, нуклеус ва тош чиқиндиларидан ташқари, иккинчи марта ишлов берилган ретушли синиқлар, паррақлар, тешгич ёки пармалар, қирғичлар, қирғичли синиқлар, икки томонига ишлов берилган ва баргсимон ўқ учлари — пойконлар, пичоқсимон паррақлар, ретушли ва ретушсиз паррақлар ва бошқа қуроллар топилган. Айни вақтда қўлда ясалган сопол идишнинг парчалари ҳам учрайди.

Мазкур маконлардан топилган тош қуроллар ва сопол буюмлар неолит даврига, миллоддан аввалги VI—III мингйилликларга мансуб бўлиши мумкин, деб қаралмоқда.


**Жайронқудуқ неолит даври маконлари.** Жайронқудуқ II неолит маконлари Жайронқудуқ I мезолит макони яқинида жойлашган. У ердан нуклеуслар, пичоқсимон паррақлар, қирғич ва бошқа турли қуроллар топилган. Жайронқудуқ III макони Жайронқудуқ II маконидан анча шарқроқда жойлашган. У ердан учриндилар, нуклеуслар, тош парчалари, ретушсиз паррақлар, ретушли пичоқсимон паррақлар, қирғичлар, камон ўқларининг учлари — пойконлар топилган. Аммо Жайронқудуқдан сопол идишларнинг парчалари топилмаган.

Жайронқудуқ II—III маконларидан топилган тош қуроллар Айдабол неолит даври маконларидан топилган қуролларга жуда ўхшаб кетади. Шу маънода Жайронқудуқ II—III маконларидан топилган тош қуролларни неолит даврига, миллоддан аввалги IV—III мингйилликка мансуб, дейиш мумкин.


Лекин археологлар Устюрт неолит маконларини икки даврга бўладилар. Дастлабки IV мингйилликка, кейингиси эса III мингйилликка мансубдир. Мазкур маконлардан балиқ ва ёввойи ҳайвон суяклари топилган. Демак, Устюртнинг шимоли-ғарбий районларида яшаган неолит даври қабилалари балиқчилик, овчилик ва термачилик билан шуғулланганлар.

**Касанжол неолит қабристонни.** Неолит даври маконлари Шимоли-ғарбий Устюртдагина бўлиб қолмай, балки унинг жануби-шарқий томонларидан ҳам топилган. Бу жиҳатдан Касанжол неолит даври қабристонни диққатга сазовордир.

Бу ёдгорлик Қорақалпоғистоннинг Шуманай райони марказидан 40—50 км шимоли-шарқда жойлашган. У ерда бир неча гўрқабр ҳисобга олинган. Касанжолдаги қабрлардан иккитаси ко-



10-расм. Илк неолит даври тош қуроллари.



11-расм. Устюрт. Неолит даври буюмлари ва қуроллари.

лаб кўрилган. Қабрдан одам скелетининг қолдиқлари, деңиз чиганоғидан ишланган мунчоқ, охра қолдиқлари, кварцитдан тайёрланган ўткир учли пойкон — камалак ўқининг учи, чиганоқдан ясалган цилиндрсимон санчқи, сопол идишларнинг парчалари топилган.

Қабрдаги одам 35—40 ёшлардаги эркак киши бўлиб, унинг суякларидан охра қолдиқлари сақланиб қолган. Касанжол мазор-қўрғонидан топилган буюмлар неолит даврига, милоддан аввалги IV—III мингйилликка мансубдир. Айтиш мумкинки, кейинги вақтда Устюртдан ўнлаб неолит жой-маконлари топилган бўлса ҳам уларнинг бирортасида мазор-қўрғон учрамаган



эди. Қасанжолдан неолит даври мазор-қўрғони ва ундан инсон скелетининг топилиши катта илмий аҳамиятга эга бўлди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Устюртнинг шимоли-шарқ томонидаги Булоқ, Қўшбулоқ, Белеули, Чурук, Сом, Тўқсонбой ва бошқа қатор жойларда 60 дан ортиқ неолит маконлари борлиги аниқланган. У ерлардан топилган учринди, нуклеус, қирғич, найза ва ўқ учи пойконлари, тешкичалар Хоразм ва Қизилкум неолит даври маконларидан топилган қуролларга ҳам ўхшаб кетади. Археологларнинг фикрича, уларнинг санаси ҳам милоддан аввалги IV—III мингйилликларга мансуб бўлиб, бу маконларда яшаган ибтидий кишилар овчилик, балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

**Марказий Фарғона неолит ёдгорликлари.** Марказий Фарғона чўлларида ҳам сўнгги вақтларда 80 дан ортиқ неолит даври маконлари топилган бўлиб, улар фанда Марказий Фарғона маданияти деб номланади.

Марказий Фарғона неолит ёдгорликлари жумласига Замбар 1,3, Янгиқадам 12, 14, 16, 19, 23, 35, Дороzkўл 1, 2, Сариксув, Мингбулоқ, Узункўл 1,5, Тойпоқ 2, 4, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, ~~Узункўл 1,5~~, Янгисув, Гўртепа, Сигирчилик, Дамкўл, Мадёр 1, 2, 3, 4, 8, 16, Боскум I—IV каби жой-маконларни киритиш мумкин.


Мазкур жой-макондан учринди ва майда парракчалар олиш учун мўлжаланган нуклеуслар, ҳар хил қирғичлар, тешкичалар, паррак ва парракчалар, ўроқ-рандалар, тош чўқморлар-ушатгичлар, тош пичоқлар, симметрик трапециялар топилган. Айни вақтда жой-маконлардан учли тош қуроллар, синиқлар, тошдан ясалган тақинчоқлар ва ёрғучоқлар ҳам терилган.

Уларнинг аксарияти ҳар хил рангдаги чақмоқтош, сланец ва дарё тошларидан ясалган бўлиб, баъзи қуролларга икки бор ишлов берилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи жой-маконлардан бир неча қуролни ўзида мужассамлаштирган қуроллар ва ниҳоят икки томонига ишлов берилган камон ўқларининг учлари — пойконлар топилганлиги диққатга сазовордир.

Учринди ва қуролларнинг аксариятига ишлов берилиб, ретушланган. Марказий Фарғонанинг турли районларидан топилган тош буюмлар ва қуроллар, шунингдек, безак-тақинчоқлар бир-бирига ўхшашлиги билан диққатга сазовордир. Мазкур жой-маконларда қадамалар сифатида фойдаланилган майда парракчалар кенг тарқалган. Неолит даври кишилари ўз қуролларини чақмоқтош, халцедон ва лойли чақмоқтошдан ясаганлар. Улар ҳар хил тошлардан хилма-хил безак буюмлари — тақинчоқлар ясаганлар. Аммо бу ерлардан негадир сопол идишлар ва уларнинг парчалари топилмаган.


Марказий Фарғона маданияти ёдгорликларининг ҳаммаси бир даврга мансуб эмас, албатта. Мазкур маданият ёдгорликларининг аксарияти ўтиш даврига — мезолитнинг охирига ва не-



12-расм. Марказий Фарғона. Неолит даври.

олит бошларига мансуб бўлиб, милоддан аввалги VI мингйилликнинг охири ва V мингйилликларга мансуб бўлиши мумкин.

Аммо Марказий Фарғонанинг шимолий чеккасида, яъни Мадёр 3, 4 ва бошқалардан топилган қуролларнинг аксарияти



13-расм. Марказий Фарғона. Неолит.

сўнгги неолит даврига, яъни милoddан аввалги IV—III мингйилликларга мансуб бўлиши мумкин.

Марказий Фарғона кўллари ёқасида яшаган ибтидоий қабилаларнинг хўжалиги ўзларидан олдин яшаган мезолит қабилалари хўжалигидан катта фарқ қилмай, улар ҳам овчилик, термачилик ва балиқчилик билан кун кечиришган бўлиши мумкин.

Туябўғиз сув омбори зонасидан неолит даврига оид тош буюмлар ва кўллаб меҳнат қуроллари топилган. Бу қуроллар зонанинг тўрт жойидан терилган. Қуролларнинг хили ва сони орта бориб, уларнинг сифати сўнгги тош асри қуролларига нисбатан

яхшиланганлигини кузатиш мумкин. Жойлардаги неолит комплексидан қаламсимон нуклеуслар ва уларнинг бўлаклари, нуклеус-қирғичлар, нуклеусдан кўчириб олинган парча-тошлар, пластинкалар ва уларнинг синиқ бўлаклари, қирғич ва куракчаларнинг бир неча хили, кескичлар, сигментлар, геометрик қуроллар, қадамалар, рандалар, ретушли ва ретушсиз учринди ва чақмоқтош парчаларидан иборат жуда кўп меҳнат қуроллари топилган. Қуролларнинг кўпчилиги сўнгги палеолит қуролларига нисбатан анча нозик қилиб ишланган.

**Жебел макони.** Бу ёдгорлик Туркменистондаги неолит даври гор-маконларидан бири ҳисобланади. Жебелдан нуклеуслар, микролитлар, ёрматашлар, қирғичлар, тарашлагич, тош қуроллар топилган. Унинг маданий қатламларидан чучук сувларда учрайдиган балиқ суяклари ҳам топилган. Ҳозир сувсиз даштга айланган Қорақумнинг жануби-ғарбий этаклари бир вақтлар серсув бўлиб, бу ердан қадим Амударё ўзаниларидан бири Узбой оқиб ўтган, унда балиқлар кўп бўлиб, соҳилида яшаган ибтидоий қабилалар ҳам овчилик, ҳам балиқчилик қилганлар.

Радиокарбон усули билан текшириш натижалари Жебел буюмларининг неолит даврига, яъни милoddан аввалги V мингйилликнинг охири ва IV мингйилликка мансуб эканлигини кўрсатди.


**Жойтун макони.** Бу ёдгорлик Туркменистондагина эмас, балки бутун Урта Осиёдаги энг машҳур неолит даври ёдгорликларидан бири ҳисобланади. У Ашхобод шаҳридан 25 км шимолдаги унча баланд бўлмаган тепалик устига жойлашган. Бу ибтидоий қишлоқ бир неча уйдан ташкил топган бўлиб, уйларнинг майдони 25—30 кв. м ни ташкил этади, улар паҳсадан қурилган. Паҳса лойига майдаланган сомон қўшилган бўлиб, у деворнинг мустаҳкамлигини оширган. Уйлар тўғри тўртбурчак бўлиб, бир хоналикдир, ҳар бирида алоҳида ўчоқлар бор. Уйларнинг сатҳи ва деворлари сомонли лой билан сувалиб, оҳра билан бўялган. Уларнинг ёнида омборхона, сарой ва хўжалик учун зарур ўралар ҳам бор. Ҳар бир уйда 5—6 кишидан иборат оила яшаган. Жойтун қишлоғида 30 га яқин уй бўлиб, уларда 150—180 киши истиқомат қилган, деган фаразлар бор.

Жойтун харобаларидан бугдой, арпа излари, ёрма тош, тош болталар, парракчалар, ўроқлар, қурол сифатида ишлатиладиган ўткир учли тошчалар, тешгич пармалар, қирғичлар, сигмент қуроллар, трапециялар, нуклеуслар, камон ўқларининг учлари — пойконлар топилган.

Айни вақтда мунчоқлар, урчуқ, тақинчоқлар, ҳатто шахматшакка доналарига ўхшаш буюмлар ҳам топилган.

Жойтундаги уйлардан лойдан ишланиб, пиширилган одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари топилган. Маконда сопол идишларнинг парчалари кўп учрайди.

Жойтунликлар милoddан олдинги VI—V мингйилликларда ишаб, асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик би-




14-расм. Жойтун. Ҳайвон ҳайкалчаси, сопол идиш ва турар жой қолдиги чизмаси.

лан шуғулланганлар. Уларда она уруги ҳукм суриб, хўжаликда аёлларнинг мавқеи баланд бўлган. Жойтун — Урта Осиёдаги илк деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ва энг нодир ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

**Қадими тепа.** Бу ёдгорлик Жойтун сингари неолит даврига мансубдир. Қадими тепа Ашхобод областининг Қаахқа районидаги Чаач қишлоғидан 7 км жанубда жойлашган. Бу ёдгорликда 100 м<sup>2</sup> жой очилган. Ундан ўчоқлари бўлган тўғри тўртбурчакли уй ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган хоналар топилган. Уйларнинг деворлари пахсадан кўтарилган бўлиб, уларнинг поли оҳакланган, уларда қизил оҳра излари ҳам учрайди. Уларнинг поли ҳатто ганч билан сувалган. Маданий қатламлардан ўроқранда, ретушли паррак, ҳовонча ва унинг дастаси, бигиз, ёрма тош, одам ва ҳайвон ҳайкалчалари ва бошқа буюмлар топилган. Қадими тепа яқинидаги Чағилли тепадан ҳам донга ишлов берадиган ҳар хил тош қуроллар топилган.

Қадими тепанинг 3 хонасидан тош қуроллар билан бирга қўлда ясаб пиширилган сопол идишлар ва уларнинг парчалари топилган. Қадими тепадаги 2 хонадан ҳам сопол идишларнинг парчалари, учриндилар, нуклеуслар, тешгичлар, ўроқ қадамалари, қирғич, бигиз, тош пичоқ, ҳовонча дастаси ва бошқа нарсалар топилган. Шунингдек Қадими тепадан яна лойдан, сополдан ишланган шахмат донасини эслатувчи буюм, суяк игна, сў-



15-расм. Жойтун. Меҳнат қуроллари, тақинчоқлар, шашка доналари ва сопол идишлар.

зан, оҳакли мрамардан тайёрланган тақинчоқлар ҳам топилган.

Қадими тепадан косалар, тоғорачалар ҳам топилди, унинг безаклари Жойтундан топилган идишлар безагига ўхшаб кетади.

Қадими тепадан топилган шахмат тошлари, сопол буюмлар, тош қуроллар ва бошқалар ўз характери жиҳатидан Жойтун, Чо-

понтена, Памажтепа, Тўғолоқтапа, Шанидар Б—1 ва Яқин Шарқдаги бошқа жойлардан топилган буюмларга ўхшайди. Шу жиҳатдан Қадими тепа ёдгорлиги неолит даврига мансуб бўлиб, Жойтун маданиятининг ўрта босқичига тўғри келади.

Уй-жой, топилган буюмларнинг хусусиятига қараб, қадими тепаликлар ўтроқ ҳаёт кечириб, илк деҳқончилик билан шуғулланганлар, чорва боққанлар, деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, Туркменистоннинг жанубидаги Жойтун, Қадими тепа, Тўғолоқтапа каби ёдгорликлар Ўрта Осиёдаги, ҳатто СССРдаги энг қадимий илк деҳқончилик маданиятининг дастлабки марказларидан бири ҳисобланади.

**Каспий бўйи неолити.** Каспий денгизининг шарқий соҳиллари, хусусан, Қорабўғоз атрофларида, шунингдек Қорақумнинг ғарбий чеккасида ҳам тош асри маконлари учрайди.

Археологларнинг муттасил қидирув ишлари натижасида бу ерлардан неолит даврига мансуб 5 жой-макон топилган. Улар Чағаноқтапа, Хўжасув, Жанак, Қирқ саккиз ва Чағил жой-маконларидир.

**Хўжасув маконлари.** Хўжасув Қорабўғознинг шарқий соҳилида бўлиб, Чағилдан 100 км шимоли-шарқда жойлашган. Бу ердан иккита жой-макон топилган. Улар Хўжасув I ва Хўжасув Ia бўлиб, бир-бирига анча яқиндир.

Хўжасув I дан жами бўлиб чақмоқтошдан ишланган 105 буюм топилган бўлиб, шундан 6—7% ни қуроллар, 93,9% ни чиқинди учриндилар, майда тош парчалари ва парраксимон тош буюмлар ташкил этади. У ердан 5 нусха нуклеус топилиб, уларнинг бири қаламсимондир. Шунингдек макондан чақмоқтошдан ясалган қирғич, ўроқ-ранда, тешгич, қаламсимон нуклеуслар, ретушли трапециялар ва бошқа қуроллар ҳам топилган.

Хўжасув Ia дан эса чақмоқтошдан ишланган 233 буюм топилиб, улар қирғичлар, парракчалар, учринди-қуроллар, ўроқ-рандалар, кескич-қирғич каби қўшалок қуроллар, пичоқлар, тешкич-пармалардир. Унда трапециялар учрамайди. Хўжасувдан топилган тош қуроллар кўп жиҳатдан Жебел қуролларига яқин туради.

Хўжасув I—Ia дан сопол идишларнинг парчалари топилмаган. Археологларнинг фаразларига кўра, Хўжасув овчи ва балқичиларнинг вақтинчалик келиб-кетадиган маконларидан бири бўлган.

**Чағаноқтапа маконлари.** Бу ёдгорликлар Шағал шўрдан 20 км шимоли-шарқда, Чағаноқтапа булоғи яқинидаги тепаликда жойлашган. Макон Қорабўғоздан анча нарида бўлиб, тош буюмлар тепаликнинг шимолий ва жанубий томонларидан терилган.

Жанубий тепаликдан 212 тош буюм терилиб, улардан қуроллар 3,8% ни, чиқиндилар эса 96% ни ташкил этади. Жанубий макондан кескич, қирғич, ўроқ-ранда, трапеция, пичоқ қадамаларининг намуналари топилган. Трапеция, қирғич, кескичлар ишлашиш техникаси жиҳатидан юқори тош ва мезолит анъаналарини

эслатади ва Жебелнинг милоддан аввалги III—VII ҳамда VI—V мингйилликларга мансуб мезолит қатламидаги қуролларни эслатади. Бу макондан топилган буюмлар сўнгги мезолит — илк неолитга мансуб бўлиши мумкин.

Чағаноқтапанинг шимолий тепалиги бағридан 2200 га яқин буюм терилган. Улар учриндилар, пластинкалар, пуклеуслар, қирғичлар, ўқ учлари, ўроқ-рандалар, трапециялар, кескичлар, пичоқлар ва бошқа буюмлар бўлиб, жанубий тепаликдан топилган қуролларга ўхшайди, уларда ҳам сўнгги мезолит анъаналари кўзга ташланади.

Чиқиндиларнинг кўплигига қараганда, бу ер ҳам макон, ҳам устахона бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Жанубий тепаликдаги каби шимолий тепаликдан топилган буюмлар ҳам неолит даврига мансуб бўлиши мумкин.


**Жанак макони.** Бу ёдгорлик Хўжасувдан 8—10 км жануби-ғарбда бўлиб, тош буюмлар ўша ердаги жарлик соҳилидан терилган. Терилган тош буюмларнинг жами 59 та бўлиб, шундан 50 таси тош чиқиндилари, 9 таси тош қуроллардир. Улар аморф нуклеуслар, қирғичлар, ўроқ-рандалар, ингичка, икки томони ретушли парракча, пичоқ қадамалари, камон ўқининг учлари ва энлик парраклардир.

**Қирқ саккиз макони.** Бу макон Қорабўғоздан шарқда бўлиб, ундан 40 та тош буюм терилган. Шундан 34 таси чиқинди тошлар ва 6 таси қуроллардир. Қуролларнинг 3 таси парракчадан ясалган қирғич, иккитаси кенг парракдан ясалган тош пичоқ қадамасининг парчаси ва ихчам учриндидан тайёрланган тешкичдир. Қирқ саккиз маконидан топилган тош буюмлар техник хусусиятлари жиҳатидан Хўжасув, Чағаноқтапа, Жанак ва Чағилдан топилган неолит даври қуролларига айнан ўхшайди. Демак, Қирқ саккиз маконидан топилган терма тош қуроллар ҳам илк неолит даврига оид бўлиб, милоддан аввалги VI мингйилликка мансуб бўлиши мумкин.


**Чағил макони.** Бу ёдгорлик Қорабўғознинг шимоли-шарқий чеккасида 50 км чамаси шарқда жойлашган. Чағилдан топилган буюмлар иккита алоҳида жойдан тўпланган бўлиб, улар Чағил I ва Чағил II деб юритилади.

Чағил I. Бу жойдан жами 1389 та тош буюм териб тўпланган. Шундан 767 таси паррак, 315 таси учринди, 298 таси қурол, 5 таси чақмоқтош парчаси ва 4 таси нуклеусдир. Чағил I дан топилган тош қуроллар орасида майда парракчалардан ясалган ретушли майда қадамлар кўп бўлиб, улар суяк ёки ёғоч дастак-асосларга ўрнатилган, кесувчи қурол ва найза сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. У ердан топилган баъзи парраклар, тош пичоқ ёки пичоқ қадамаси кесувчи қурол вазифасини бажарган. Чағил I дан ҳар хил шаклдаги қирғичлар ҳам, ўроқ-рандалар ҳам, трапеция, тешгич қуроллар ҳам топилган. Уларнинг аксарияти ретушланган. Қуроллар олдинги жойлардагига нисбатан анча мукамал ишланган бўлиб, уларнинг аксарияти

паррак ва парракчалардан ишланган. Чагил I да кескич ва ушатгич қуроллар, парма тошлар учрамайди. Археологлар Чагил I маконидан топилган буюмларнинг санаси аввалгиларидан бир оз ёшроқ бўлса керак, деган фикрдалар. Бу милoddан аввалги V мингйиллик демакдир.



16-расм. Қорабўғоз. Неолит даври.



17-расм. Қорабоғ. Неолит даври.

**Чагил II.** Бу макон майдони қум барханлар орасида. У ердан 255 та тош буюм териб тўпланган бўлиб, шулардан 242 таси учриндилар ва тош чиқиндиларидир. Бу макондан аморф ва конус шаклидаги нуклеуслар, йирик парраклар ҳам топилган.

Айни вақтда майда пластинкалар ҳам учрайди. Чагил II дан қирғичлар, ўроқ-рандалар, кескич-рандалар, тешгичлар, пармалар, трапециялар ҳам топилиб, уларнинг баъзилари камон ўқларининг пойконларини эслатади. Аммо Чагил II дан тошдан ясалган камон ўқининг баргсимон шакли ҳам топилган, унинг ён

томонларига ишлов берилган. Худди шундай камон ўқининг учи Жебел маконининг V а қатламидан ҳам топилган. Шу каби пойконлар Қалтаминор маданияти ёдгорликларида ҳам учрайди.

Чагил II тош қуроолларининг ишланиш техникаси ўзига хос бўлиб, Қорабўғознинг бошқа жойларидан топилган қуроолларнинг ишланиш техникасидан фарқ қилади. Лекин улар орасида ўзаро ўхшашлик ҳам бор. Қорабўғоз райони атрофидан топилган қурооллар ўзининг мезолитга яқинлиги билан ажралиб туради. Қорабўғоз атрофларидан топилган қурооллар Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларининг сўнгги мезолит, илк неолит ва Қалтаминор ёдгорликларидан топилган қурооллар билан таққосланса, Хўжасув I а, Чағаноқтепа, Жанак Қирқ саккиз ва Чагил маконларидан топилган буюмлар ҳам илк неолит даврига, яъни милоддан аввалги VI мингйилликка мансуб эканлиги маълум бўлади. Аммо Хўжасув I дан топилган тош қурооллар қадимийроқ мезолитга мансуб бўлиши ҳам мумкин.

Меҳнат қуроолларининг тури, географик муҳит ва бошқа омилларга қараганда Қорабўғоз атрофида яшаган неолит даври кишилари балиқчилик, овчилик билан кун кечирганлар. Хўжасув, Чағаноқтепа, Жанак, Қирқ саккиз ва Чагил неолит даври кишиларининг вақтинча келиб-кетадиган манзилгоҳлари бўлган бўлиши мумкин. Мазкур жойда маданий қатламларнинг йўқлиги шундан далолат беради.

Қозоғистонда мезолит ва неолит даври ёдгорликлари ҳам анча кенг тарқалган бўлиб, уларнинг умумий сони 400 дан ошади. Неолит даври маконлари ўз хусусиятига кўра 4 хилдир: улар булоқбўйи, дарёбўйи, қўлбўйи ва ғор маконларидир.

Қозоғистондаги неолит даври ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг очик ҳолда бўлишидир. Қозоғистондаги, хусусан унинг жанубидаги неолит даври маконларининг энг машҳури Қоратоғ жанубидаги Бургутли, Учбулоқ, Қораунгур, Инкардарё, Жалпоқ, Саксовул I, Агиспе, Қосмала ва бошқалардир; мазкур жойлар атрофидан жуда кўп неолит масканлари топиб ўрганилган.

Бу масканлардан кўплаб камон ўқлари ва найза учлари, тош болталар, пичоқлар, қирғичлар, нуклеуслар, паррақлар, тешгич ва бошқа қурооллар топилган.

Айни вақтда Қораунгур каби масканлардан қўлда ясалган таги юмалоқ содда сопол идишларнинг парчалари ҳам топилган бўлиб, улар қизма усулда ҳар хил безаклар билан нақшланган. Жанубий Қозоғистон, Орол бўйи неолит даври кишилари милоддан аввалги V—III мингйилликларда яшаб, асосан овчилик, термачилик, балиқчилик ва чорвачилик билан шугулланганлар. Маконлардан топилган тош қурооллар, ёввойи ва уй ҳайвонларининг суяк қолдиқлари, шунингдек балиқ қилтаноклари фикримизнинг далилидир.

Кейинги 25—30 йил ичида Тожикистоннинг неолит даври ёдгорликларини ўрганиш соҳасида жиддий ютуқларга эришил-

ди. Республиканинг дарё водийлари, тоғолди ва тоғлик районларидан 200 дан ортиқ неолит даври маконлари топиб ўрганилган ва ўрганилмоқда. Булар Тутқовул, Соё Сайёд, Даран шўр, Газийтепа, Қўҳна Бой, Танги Таври, Гуёни Поён кабилар бўлиб, улар Тожикистон учун хос бўлган Ҳисор маданияти номи билан аталади.

Ҳисор маданиятига мансуб неолит маконлари очилганда уларнинг маданий қатламларидан кўплаб тош қурооллар, ҳайвон суяклари ва бошқа буюмлар топилганки, улар кўп жиҳатдан ўзаро ўхшашдир.

**Тутқовул макони.** Ҳисор маданиятига мансуб неолит Тутқовул макони Душанбадан 70 км жануби-шарқда бўлиб, Норақ сув омбори ҳавзаси территориясида, Вахш дарёсининг Пулисангин дарасидан чиқиб келиши яқинида Норақ шаҳридан 12 км юқоридаги Тутқовул қишлоғи яқинида жойлашган. Тутқовул кўп қатламли ёдгорлик бўлиб, унинг маданий қатламларидан 40 мингга яқин тош қуроол ва буюмлар топилган.

Тутқовулдан топилган чақмоқ ва шағал тошдан олинган учринди ва бошқа топилмалар кўпчиликни ташкил этади. У ерда шағал тошдан иборат нуклеуслар ҳам анчагина бўлиб, улардан микролитлар ажратиб олинган.

Айни вақтда макондан қирғичлар, чопнинг, чоппер, ушатгичлар, чопқилар, тош пичоқлар, тешгичлар, ўроқ қадамлари, пластинка ва бошқа тош қурооллар топилган.

Макондан негадир найза ва камон ўқларининг пойконлари топилмаган. Тутқовулнинг 3 горизонтидан топилган буюмлар милоддан аввалги VII—III мингйилликларга мансуб бўлиб, унинг кенг қуйи қатлами илк мезолитга мансуб бўлиши мумкин. Тутқовул Тожикистондаги неолит даври Ҳисор маданиятининг энг йирик намунаси.

Тутқовулдан тулки, асл буғу, буқа, ёввойи эшак, қўй, эчки каби уй ҳайвонларининг суяклари топилган. Бу топилмаларнинг хусусиятларига қараб, тутқовулликлар термачилик, овчилик, кейинчалик эса чорвачилик билан шугулланганлар, деган хулосага келиш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Тутқовул сингари неолит даври Ҳисор маданиятига мансуб маконлар Газийтепа, Қўҳна Бой, Танги Тавридан ҳам топиб ўрганилган. Ҳозир Тожикистон территориясида Ҳисор маданиятига мансуб 200 дан ортиқ неолит даври жой-маконлари топилган.

**Даран Шўр макони.** Бу ёдгорлик Тожикистондаги тош асри маконларидан биридир. У Норақ сув омборининг юқори қисмида, Вахш дарёси соҳилида жойлашган.

Даран Шўр унгур тарзидаги макон бўлиб, унинг баландлиги 4,5 м, кенглиги 20 м ва чуқурлиги эса 4 м ни ташкил этади. Унгурни қазиниш натижасида ҳар хил дарё шағал тошлари ва чақмоқтошлардан иборат 6518 та буюм топилди, улар учринди, нуклеус, паррақ ва парраксимон учриндилардан иборатдир.

Дараи Шўрда тош қирғичнинг ҳар хил турлари, сигментлар, трапециялар, тешгич-пармалар, ўроқ-рандалар, ушаткичлар, ретушлагичлар, чоппинг ва бошқа қуруллар кўп учрайди.

Дараи Шўр тош буюмлари ва қурулларининг бир қисми, яъни шағал тошдан ясалган учриндилар, ўроқ-рандалар ва чоппинглар милоддан аввалги VI—IV мингйилликларга, Ҳисор маданияти деб аталган неолит даврига мансуб бўлиши мумкин.

Дараи Шўрнинг неолит даври қуруллари Соғ Сайёднинг неолит даври қатламларидан чиққан тош қурулларга ўхшаб кетади. Демак, Дараи Шўр Тожикистондаги неолит даври маконларидан биридир; унинг қуйи қатламларидан мезолит даври қуруллари ҳам топилган. Дараи Шўр ҳам Соғ Сайёд, Тутқовул, Гулёни Поён каби Тожикистоннинг неолит даври Ҳисор маданияти доирасига киради.

**Соғ Сайёд манзилгоҳи.** Бу ёдгорлик Тожикистондаги энг йирик ва машҳур неолит даври ёдгорликларидан ҳисобланади. У Норақ сув омбори ҳавзасида бўлиб, Вахш дарёсининг чап соҳилида жойлашган.

Соғ Сайёднинг маданий қаламларидан 30 мингга яқин суяк, тош буюм ва қуруллар топилган. Айни вақтда маданий қатламдан европеоид irqига мансуб боланинг ҳам суяги топилган. Соғ Сайёддан чақмоқтошдан ишланган тош қуруллар, буюмлар ва нуклеуслар топилган. Шағал тошдан ясалган тош буюм ва қуруллар сони у қадар кўп эмас.

Соғ Сайёддан пичоқсимон пластинкалар, қирғичлар, ўроқ-ранда, чоппер, чоппинглар, ушатгичлар, учринди ва нуклеуслар, шунингдек суякдан ясалган сўзан ва игналар топилган.

Соғ Сайёд маданий қатламларидан тошдан ясалган тақинчоқлар, учбурчак шаклидаги силлиқланган тош болталар ҳам топилган. Бу ёдгорликдан қўй ва эчки суякларининг кўплаб топилиши соғсайёдликлар ҳаётида чорвачилик муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади. Шунингдек у ердан тулки, ёввойи от, буқа ва бошқа ҳайвонларнинг ҳам суяклари топилиши овчилик улар хўжалигида иккинчи ўринда турган, деган хулосага олиб келади.

Ўрта Осиёнинг неолит даври учун тузилган археологик карталарида бу ўлканинг шимолидаги Устиюртда ҳам, Марказий ва Жанубий Қозоғистонда ҳам, Қизилқум ва Қорақумда ҳам, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида ҳам кўплаб неолит даври маконлари жойлашганлигини кўриш мумкин.

Неолит даври маконлари текисликлардагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг тоғлик районларида ҳам кўп учрайди. Ўлканинг неолит ёдгорликларини учта йирик территориал-хўжалик шаклига ажратиш мумкинки, улар Калтаминор, Ҳисор ва Жойтун маданияти номи билан машҳурдир. Уларнинг ҳар бири алоҳида географик муҳитга эга бўлган ерларда жойлашган.

Ўрта Осиё археологиясида Калтаминор маданияти номи билан машҳур бўлган ёдгорликлар асосан ўлканинг ғарбий ва

шимоли-ғарбий томонидаги ерларда кенг тарқалган бўлиб, унинг шимоли-ғарбий чегараси Урал дарёсининг ўрта ва қуйи оқимлари, ғарбий чегараси эса Каспий денгизига бориб тақалади. Жанубда Қорақум ва Қизилқум этакларигача, шарқда эса Орол денгизининг шимолий, шарқий ва жанубий томонидаги Қуйи Сирдарёгача бориб тақалади. Қизилқум ва Устиюртнинг катта территориясида ҳам Калтаминор маданияти анча кенг тарқалган.

Бу жойлар қадимги даврда кўл ва дарёлар ўлкаси бўлиб, у ерларда катта-катта қамишзорлар бўлган, уларда жуда кўп ва хилма-хил ёввойи ҳайвонлар, кўл ва дарёларда эса сон-саноксиз балиқлар яшаган. Мазкур жойлардан топилган археологик топилмалар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Жойларнинг табиий шароитига кўра, Калтаминор маданиятини яратган кишилар асосан ёввойи ҳайвонларни ов қилиб, балиқ тутиб, овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Жойларда ёввойи мевали дарахт ва буталар кўп бўлганлиги туфайли уларнинг хўжалик ҳаётида термачилик ҳам катта ўрин тутган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Калтаминор қабилаларида чорвачилик ҳам бўлган.

Шундай қилиб, Калтаминор маданиятига асос солган кишилар овчилик, балиқчилик, қисман чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу маданиятга мансуб кишилар ёғоч ва қамишдан тайёрланган чайлаларда яшаганлар, лойдан ҳар хил идиш ясаб, уларни оловда пиширганлар, демак, кулолчилик ҳунарини билганлар.

Калтаминор маданияти Ўрта Осиёда кенг тарқалган ўзига хос неолит даври маданиятини ташкил этади ва милоддан аввалги IV—III мингйилликларни ўз ичига олади.

Калтаминор маданиятининг Қуйи Зарафшон, Қуйи Амударё, Устиюрт ва бошқа алоҳида гуруҳлари биқик ҳаёт кечирмай, атрофдаги қабилалар билан ўзаро алоқада бўлиш билан бирга шимода қадимги уралликлар, жанубда эса жойтунлик ва жебелликлар ва улар орқали эса бутун Каспийбўйи ва Эрон қабиладари билан алоқа боғлаган бўлишлари мумкин.

Калтаминор маданияти маҳаллий ва жанубий мезолит маданиятидан келиб чиқиб, изсиз йўқолиб кетмади. Бу маданият ўзидан кейинги Замонбобо ва Тозабобёб маданиятининг вужудга келиши учун барча шарт-шароитларни яратди.

Ўрта Осиёнинг шарқий районларида асосан Ҳисор — Помир тоғларидан топилган неолит даври маконлари Ҳисор маданияти номи билан аталади. Бу маҳаллий тилда тоғ маданияти дейилади. Ҳисор маданиятининг асосий маркази Тожикистон ССР нинг ғарбидаги Ҳисор — Боботоғ — Қоратоғ оралиғидаги ботиқ бўлиб, неолит даври Ҳисор маданиятининг дастлабки ёдгорликлари Ҳисор водийсидан топиб текширилганлиги учун шу ном билан аталади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ҳисор маданиятига ман-

суб ёдгорликлар 200 дан кўп бўлиб, уларнинг энг машҳурлари Тутқовул, Сой Сайёд, Қуйи Булён ва бошқалардир. Сўнги вақтда Тожикистоннинг Вахш, Кофирниҳон дарёлари, Кўлоб шаҳри атрофидан топилган неолит даври ёдгорликлари ҳам Ҳисор маданиятига мансуб бўлиб, милоддан аввалги V—II мингйилликларга бориб тақалади.

Ҳисорликлар сопол идишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман деҳқончилик ва термачилик билан шугулланганлар. Археологларнинг фикрича, Ҳисор маданиятига мансуб неолит ёдгорликларини қолдирган қабилалар Вахш мезолит маданияти қабилаларининг бевосита авлоди бўлиши керак.

**Жойтун маданияти** Урта Осиёдаги, шунингдек бутун Совет Иттифоқидаги энг қадимги деҳқончилик марказларидан бири ҳисобланади. Копетдоғ билан Қорақум оралиғидаги ялангликлардан топилган Боми, Найзатепа, Қадимитепа, Жойтун ва бошқа қатор ибтидоий деҳқонлар манзилгоҳлари Жойтун маданияти номи билан аталади. Чунки мазкур манзилгоҳлар орасида Жойтун аввал топилган ва ўрганилган. Жойтунликлар паҳса ва гуваладан сомон аралаштириб ишланган уйларда истиқомат қилганлар, турли хил меҳнат қуролларидан, бўёқ бериб нақшланган идишлардан фойдаланганлар. Ҳар бир уйда 5—6 кишилик бир оила яшаб, она уруғи ҳукмрон бўлган. Уйлардан аёлларнинг лой ва тошдан ясалган ҳайкаллари, шунингдек ҳар хил тақинчоқ ва безаклар топилган. Жойтун маданиятига асос солган қабилаларнинг машғулоти деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик бўлган. Ёввойи ҳайвон суякларининг топилишига қараганда овчилик ҳам қилганлар. Лекин овчилик ҳўжаликнинг асосини ташкил этмаган.

Жойтун маданияти милоддан аввалги VI—V мингйилликларга мансуб неолит даври ёдгорлиги ҳисобланади.

Сўнги вақтда Марказий Фарғонадан 80 дан ортиқ неолит даври ёдгорликлари топилиб ўрганилди. Бу Урта Осиёдаги тўртинчи неолит даври маданияти бўлиб, у Марказий Фарғона маданияти деб аталади.

Марказий Фарғонадаги неолит ёдгорликлари Сўх дарёсининг Сирдарёга қуйилишида ҳосил бўлган кўл-тўқайзорларда жойлашган бўлиб, жуда кўп тош қурооллар, оз миқдорда сопол идишлар топилган; бу жой-маконларда яшаган кишиларнинг асосий машғулоти овчилик, балиқчилик ва термачиликдан иборат бўлган. Чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ буюмлар сақланмаган. Афтидан, бу жойлар неолит даври овчилари ва балиқчиларининг муваққат манзилгоҳлари бўлган.

Шундай қилиб, неолит узоқ давом этган тош асрининг энг сўнги ва якунловчи босқичи ҳисобланади. Ибтидоий жамоа тузумининг илк, ўрта ва сўнги тош асрида, мезолит — ўрта тош асри жараёнида қўлга киритилган барча ютуқлар янги тош асрига келиб якунланади. Одамлар ўзларининг тинимсиз меҳнати, кузатувчилик қобилияти, ибтидоий билимларини сафар-

бар қилиб, ҳўжаликнинг илгор, унумдор шаклини — деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Бу археологияда «неолит революцияси» деб аталади.

Мазкур даврда қадимги аждодларимиз лойдан идиш ясаб, уни оловда пиширишни ўргандилар, ип йиғириш ва тўқимачиликка асос солдилар, уйсозликнинг пойдевор тошини қўйдилар. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб, сувда сузишни ҳам ўргандилар, хилма-хил буюмлар ясайдиган бўлдилар, шу тариқа дастлабки ҳунармандчиликка асос солдилар. Бу ҳол ибтидоий жамоа тузумининг бундан кейинги ривожига жуда катта таъсир кўрсатди.

Неолит даврида ибтидоий пазандалик соҳасида яна бир улкан қадам ташланди. Ер юзидаги баъзи қабилалар, чунончи, янги зеландияликлар қайнаб турган иссиқ булоқларда балиқ ва гўшт маҳсулотларини пишириб еганликлари маълум. Лекин бу маҳаллий характердаги ҳодисадир. Урта Осиёда неолит даврига келиб, кулолчиликнинг пайдо бўлиши, сопол идишлар тайёрланиши ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса гўштни сувда қайнатиб пишириш ва ҳар хил масаллиқлар солинган қуюқ ва суюқ овқатлар тайёрлаш имконини берди.

Шу нарса равшанки, қайнатиб пиширилган овқат тез ва осон ҳазм бўлиб, инсон организмнинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Фикримизча, ибтидоий одамлар ҳайвонларни қўлга ўргатар эканлар, дастлаб уларнинг гўшти, териси ва суягидан фойдаланганлар. Кулолчилик пайдо бўлиб, ҳар хил сопол идишлар ясаган одамлар қорамол ва қўй-эчкиларнинг сутини соғиб, идишларда сақлаганлар ва истеъмол қилганлар. Демак, шундай экан, сут маҳсулотларини овқат сифатида кенг истеъмол этиш неолит даврига мансуб бўлиши табиий ҳолдир.

Ибтидоий санъатнинг ривожланган босқичи ҳам неолит даврига тўғри келади. Қалтаминор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг ажойиб намуналари топилган. Уларда идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли-туман нақшлар, одам ва ҳайвон суратларини чизиш кенг тарқалган эди. Идишлар сиртида сув рамзини ифода этувчи тўлқинсимон чизиқлар кўзга ташланади. Шу билан бирга лойдан ясалиб, пиширилган аёл ҳайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналаридир.

Урта Осиё ибтидоий қоятош расмлари кенг тарқалганлиги, улар мазмунининг бойлиги ва даврининг қадимийлиги жиҳатидан СССРда фахрли ўринни эгаллайди.

Урта Осиёдаги Зараутсой, Шахта ғори, Биттик чашма, Сарижоз, Соймали тош, Сармишсой, Биронсой, Суратлисой, Сойхонсой, Тамғали тош, Қоратоғ, Помирдаги қоятош расмлари иттифоқимиздаги энг нодир санъат обидаларидир.

Шундай қилиб, ибтидоий давр кишилик маданияти тарихининг кейинги ривож учун улкан пойдевор яратиб қолдиргани,



бу пойдевор шу даврдан сўнг яшаган авлодлар учун, ҳатто замонамиз учун эса бениҳоя катта аҳамиятга эга эди.

Ф. Энгельс ибтидий жамоа тузумининг моҳиятига баҳо бериб, бундай деб ёзган эди: «Бу мўйсафид қадимий давр» ҳар қандай шаронда келажак авлодларнинг ҳаммаси учун ғоятда қизиқ давр бўлиб қолади, чунки бу давр энг кейинчалик бўладиган юксакроқ тараққиётни ташкил этади, чунки бу даврнинг бошланғич нуқтаси инсоннинг ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқишидан, унинг мазмуни эса келажакда иттифоқ бўлган кишилар ҳеч қачон дуч келмайдиган қийинчиликларнинг бартараф қилинишидан иборат»<sup>1</sup> дир. Ф. Энгельснинг бу фикри Урта Осиё археологиясини ўрганиш жараёнида ҳам ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, Урта Осиёнинг ибтидий археологиясини ўрганиш натижалари бу ўлканинг, унда яшовчи халқларнинг қадимийлигини, қадимийликда эса Ҳиндистон, Месопотамия ва ҳатто мисрликлар билан ҳам баҳслаша олишини яққол кўрсатиб берди.

Демак, Урта Осиё ҳам Қадимги Шарқ дунёси сингарини жаҳон маданиятига юксак ҳисса қўшган ўлкаларнинг биридир. Айни вақтда Урта Осиёнинг ибтидий ва қадимги маданияти Волгабўйи ва Ғарбий Сибирь қабилалари маданиятига жуда катта таъсир кўрсатган. Чунки мазкур жойларга қадимги одамлар Урта Осиёдан ҳам кириб борганлар.

**Қоятош расмлари ёдгорликлари.** Утмиш тарихимизнинг хилма-хил ёдгорликлари орасида Урта Осиёнинг тоғлик районларида кенг тарқалган қоятош расмлари алоҳида ўринни эгаллайди. Қоятош расмлари ишланиш техникасига кўра икки турли бўлиб, бир хиллари бўёқ билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб, ишқалаш, чизиш усули билан ишланган тасвирлардир.

Урта Осиёда ҳар хил рангдаги бўёқ — охра билан ишланган тасвирлар анча кам бўлиб, уриб-ўйиб, ишқалаш, чизиш усули билан ишланган расмлар, яъни петроглифлар жуда кенг тарқалган.

Ўлкадаги қадимий тасвирлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўрта асрнинг машҳур алломаси Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам учрайди. Абу Райҳон Беруний кимаклар<sup>2</sup> мамлакатадаги сирли расмлар устида гапириб, бу тасвирлар маҳаллий аҳолининг диний эътиқоди билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини баён этган<sup>3</sup>.

Аждодларимиз қолдирган энг ажойиб ёдгорликлардан бири ҳисобланган қоятош тасвирлари — кекса давр тарихи ва санъ-

<sup>1</sup> Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1957, 146-бет.

<sup>2</sup> Кимаклар — ҳозирги Қозоғистоннинг шимоли-шарқий томонида жойлашган кучманчи қабилалар.

<sup>3</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, Тошкент, 1968, 1-том, 308-бет.

ати намуналари кўпдан бери ҳаваскорларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган.

Қоятош расмлари Қозоғистонда ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Д. Мессершмидт, Ф. Страленберг, И. Гмелин, Г. Миллер каби XVII аср машҳур олимларининг асарларида учрайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида В. В. Бартольд, Н. Н. Пантусов, А. М. Никольский, Г. В. Фишер, В. Позднеев, В. А. Каллаур, М. А. Кирхгоф, И. Пословский ва бошқалар Урта Осиё ва Қозоғистоннинг кўпгина жойларидан қоятош тасвирларининг янги-янги жойларини топишга муяссар бўлганлар. Асримиз бошларида эса Жанубий Қозоғистоннинг кўп жойларидан қоятош расмларининг янги намуналари топилиб, эълон қилинган.

Совет ҳокимияти йилларида бу иш билан В. А. Городцов, С. С. Черников, А. Г. Максимова, Х. А. Олтмишбаев, Т. Н. Сенигова, А. Г. Медоев, П. И. Мариковский, М. К. Қодирбоев, А. Н. Марьяшев, Я. А. Шер, Л. Р. Қизилсов каби мутахассис-археологлар бевосита шуғулландилар. Натижада Қозоғистондаги қоятош тасвирлари ҳақида кўпгина мақола ва айрим монографик китоблар чоп этилди.

Қирғизистонда қоятош расмларининг ўрганилиши Б. М. Зимма, М. Э. Воронец, А. Н. Бернштам, Ю. Н. Голендухин, В. М. Гопоненко, Ю. А. Заднепровский, Н. Л. Подольский, Н. Д. Черкасов, Г. А. Памаскина ва бошқаларнинг номи билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қоятош расмларини ўрганиш ишига революциядан илгари киришилган бўлса ҳам, лекин бу иш асосан 30-йиллардан бошланди.

Бу соҳада Г. В. Парфёнов, А. П. Окладников, М. Э. Воронец, С. П. Толстов, М. Е. Массон, А. Формозов, Б. В. Лунин, И. Ф. Ломаев, Л. И. Ремпель, Г. А. Пугаченкова, Г. В. Шацкий, А. Р. Муҳаммаджонов Н. Х. Тошкентбоев, Б. С. Шалатонин, Р. Равшанов, Х. Ботиров, М. Хўжаназаров, О. М. Ростовцев, Ю. Ф. Буряков ва бошқаларнинг хизматлари каттадир.

Тожикистонда эса бу иш билан В. А. Равов, А. В. Гурский, О. Е. Агаханянц, А. Н. Дальский, С. В. Кисляков, А. И. Мендельштам ва бошқалар шуғулланганлар.

Қоятош расмларини ҳисобга олиш ва ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг хизмати жуда каттадир. Чунки бундай ёдгорликлар ўтмишнинг баъзи мураккаб, чигал масалаларини ҳал этишда мутахассислар учун қимматбаҳо манба хизматини ўтайди.


Урта Осиёнинг ажралмас қисмини ташкил этган Қирғизистон территорияси тоғлик жой бўлиб, у ерда қоятош расмлари анча кенг тарқалган.

Республикадаги қоятош расмларининг энг нодир намуналари Сариёз, Саймалитош, Аравон, Айримачтоғ, Суратлисой, Охна ва Талас дарёси ҳавзасидаги қатор қоятош ёдгорликлари бўлиб, уларда тоғ эчкиси, архар, буғу, бўри, тулки, тўнғиз, одам,



18-расм. Тоғ эчкилари тасвири. Эр. ав. V—I асрлар. Саймалитош (Қирғ. ССР).

уй ҳайвонларидан ит, от, туя, қорамол, қуроллардан ўқ-ёй, бумеранг, найза ва бошқа кўп нарсаларнинг тасвирлари намоён этилган.



19-расм. Саймалитош (Қирғ. ССР). Эр. ав. II мингйиллик. Одам, ҳўкиз, эчки, қоплон, ит, ооч ва бошқа нарсалар тасвири. Ер ҳайдаш, йиртқичнинг қандайдир ҳайвонга ташланиш манзараси.

Айни вақтда қояларда тоғ такаси, буғу, архар, тўнғизларни ов қилиш манзараси жуда мароқли ифодаланган.

Қирғизистондаги қоятош расмларининг энг қадимгиси бўлган буқа, одамлар тасвири бронза даврига, яъни милoddан аввалги II мингйилликка мансуб бўлса, бошқалари милoddан аввалги I мингйиллик билан белгиланади.

Расмларнинг учинчи гуруҳи милoddимиз биринчи мингйиллигининг биринчи ярмига ёки I—VIII асрларга, қолган расмлар эса ўрта аср ва замонамизга мансуб бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги қоятош расмларининг энг ажойиб намуналарига Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Қорачорвоқсой, Қўксарой, Илонсой, Такатош, Бошқизилсой, Тераклисой, Жарсой, Тутлисой, Қоронғиунгурсой, Чадаксой, Шўрбулоқсой ва бошқаларни киритиш мумкинки, улар жами 100 дан ортиқроқ жойдан топилган.

Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллариининг ажойиб расмларини кўриш мумкин. Улар ибтидий буқалар ва сигирлар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон ва гепардлар, тулки ва бўрилар, архар ва тоғ эчкилари, буғу ва эликлар, сайғоқ ва жайронлар, жайра ва тошбақалар, балиқ ва илонлар, қулон ва тўнғизлар, хонаки ҳайвонлардан ит ва отлар, эчки ва йирик шохлик қорамоллар, туя ва эшак кабилардир.


Аммо улар орасида одамларнинг ўқ-ёй, узун қилич, ханжар,




20-расм. Зараутсой. Ов манзараси.



21-расм. Зарамшсой. Ов манзараси.



22-расм. Сармишсой. Ов манзараси.



23-расм. Зараўтсой. Камон ўқи билан яраланган ибтидий буқа. Эр. ав. X—IV мингйилликлар.



24-расм. Одам, ибтидоий сигир, буқа, тоғ эчкиси, ит ва бошқа ҳайвонлар тасвири. Эр. ав. II минг йиллик.

яна бир гуруҳи эса ундан кейинги асрларга мансуб бўлиши мумкин. Аммо қадимий расмлар орасида замонавий тасвирлар ҳам учрайди.

Тожикистон асосан тоғлик ўлка. Республиканинг Зарафшон тизмасидан Шарқий Помирғача, Орқа Олой тоғларидан Бадахшонгача бўлган ораликда 120 дан ортиқ жойда қоятош расмлари ҳисобга олинган.

Тожикистондаги қоятош расмлари ҳам ишланиш техникаси жиҳатидан буюқли ва уриб-ўйиб ишланган петроглифларга бўлинади.


Қозоғистон, Қирғизистон сингари бу ерда ҳам петроглифлар жуда кенг тарқалган. Тасвирларнинг аксарияти Помирнинг ғарбий, марказий ва жанубий қисмида кўпроқ учраб, шарқ ва шимол томонида сийрақроқ тарқалган.

Тожикистондаги қоятош тасвирлари орасида Кукуйбел, Кур-

ўқдон, дубулға, қопқон, арқон, қалқон, ниқоб каби нарсалар тасвирлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой, манзараси жиҳатдан хилма-хилдир. Унда одамлар, ов, ҳайвонлар урушаётгани, шер, йўлбарс, барс каби йиртқич ҳайвонларнинг тўқнашуви ифода этилган манзаралар киши диққатини ўзига тортади. Республика-миздаги энг қадимги расмлар Зараутсойда бўлиб, буқа ва эчкиларни овлаш билан боғлиқ манзаралар мезолит-неолитнинг милоддан аввалги VIII—IV мингйилликларига мансубдир.

Ўзбекистондаги петроглифлар — қоятош расмларининг энг қадимгиси милоддан аввалги II мингйилликка алоқадор бўлса, бошқаси VI—II асрларга,



25-расм. Сармишсой. Қоятош расмлари.

така-Шахта, Қозонкўл, Заркўл, Яшилкўл, Бозор дара, Харгуш, Лангар-кишт, Хуф, Комоч дара, Жамак, Дарвоз, Работ, Ван қалъа, Вазнауд, Биттик чашма, Наматгут ҳамда Зарафшон дарёси ҳавзасидан топилган расмли жойлар мазмун ва манзараларнинг бойлиги жиҳатидан диққатга сазовордир.



қичларига келиб, Қуйи Мурғобда яшаган деҳқонлар Келлели, Ажиқуйи, Тоип, Одамбоскан, Овчин, Гонур, Тоголоқ, Тоҳирбой деган 8 та ўтроқ районда ёйилади.

Қадимги Келлели водий-райони Мари шаҳридан 120 км шимоли-ғарбда жойлашади. Бу ерда 6 қишлоқ харобаси топиб текширилди. Қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган мустақкам маконларда, пахса ва хом ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Суғориш учун сув Мурғоб ирмоқларидан олинган. Қишлоқларнинг майдонлари 2—5 гектар жойдан иборат.

Келлели 4 маконида тўғри бурчак шаклда қурилган катта жамоа уйи қазиб очилди. Уйнинг умумий майдони 870 м<sup>2</sup>, у 44 та катта ва кичик хоналардан иборат бўлиб, хом ғиштдан қурилган. Археологлар фикрича, бинодаги 2—3 хонали секциялар яқка патриархал оила аъзоларига мўлжалланган. Турар жойларга оид хоналарда ўчоқлар топилган, улардан ташқари, рўзғор хўжалик биналари ҳам бор. Келлели 4 маконида кичик оилалардан иборат бўлган бир умумий уруғ — катта патриархал оила аъзолари яшаган.

Дастлабки археологик ёдгорликлар бўлган катта жамоа уйлари Геоксюртепа, Қоратепа ва Олтинтепада топиб текширилган. Улар энеолит ва илк бронза даври билан саналанади. Демак, Қуйи Мурғоб аҳолиси илк ўтроқ қабилалар учун характерли бўлган маданий анъаналарни давом эттириб, уларни янги асосда ривожлантирган.

Келлелитепа 3 ёдгорлигида бронза даврига мансуб, ҳамма томони тенг тўртбурчак истехком топилган (томонларнинг узунлиги 128 м). Мустақкамланган ишоот иккита мудофаа девори билан ўралган (қалинлиги 1—1,2 м). Деворлар ўртасида махсус коридорсимон йўлак қўйилган. Ташқи деворда ҳар 15—18 метрда хом ғиштдан ишланган мудофаа буржи қолдирилган. Истехкомнинг ҳар бир томонида 6 тадан тўрт бурчакли буржлар бор.

Қуйи Мурғобдаги ёдгорликлар планлаштириш ва майдонлар белгилари асосида қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: 1) ўрни-жой 6 гектаргача (Келлели тепалари); 2) майдони 5—10 гектар (Одамбоскан, Ажиқуйитепа); 3) 10—28 гектар жойдан иборат бўлган қишлоқ харобалари (Тоиптепа, Гонур, Овчинтепа).

Бронза даврида қишлоқлар янги ерларда қўллаб қурилган. Мурғоб водийсидаги бизга маълум бўлган маконларнинг асосий қисми дарё ирмоқлари яқинида жойлашган. Улар қадимий айирбошлаш, савдо ва маданий алоқалар маркази ҳам бўлган.

Овчинтепа ва Ажиқуйитепада думалоқ шаклда ишланган икки ярусли хумдонлар қазиб олинган. Сопол идишлар тайёрлаш бронза даврида анча такомиллашди. Мурғоб водийсида топилган идишлар қулочилик чархида ишланган. Катта ҳажмдаги хум ва хумчасимон идишларда дон ва суюқ маҳсулотлар сақланган. Қўза, тувак, коса, товоқсимон идишлар уй рўзғорида кенг фой-

даланилган. Идишлар мустақкам бўлиши учун лой тайёрлашга тоза соғ туфроқ танланган. Сополларнинг сиртига қизил, сариқ, жигаранг бўёқ (ангоб) берилган. Идишлардан сув ташиш, овқат пишириш ва дон сақлаш учун кенг фойдаланилган.

Номозгоҳ VI даври сопол идишлари Туркменистон ёдгорликларида икки гуруҳга бўлинади. Копетдоғ атрофида жойлашган маконлардан топилган идишлар қалин ангоб билан қопланган. Улар нақшсиз ва ҳар хил ҳажмда ишланган коса, кўза ва тувак-симон идишлардан иборатдир. Кулолчилик буюмларини пишириш сифати анча яхшиланган.

Мурғоб воҳасидаги вазасимон, хумчасимон ва чойнаксимон идишларда геометрик ёки тўлқинсимон чизиқлар бор. Овқат пишириш учун ишлатилган қозонлар қўлда ясалган. Уларнинг лойига-қум ва майдаланган тош қўшганлар.

Бронза даврида Қуйи Мурғоб ўтроқ районларида кулолчиликдан ташқари металлчилик ва заргарлик ҳам жуда ривожланган. Бронза металлургияси кашф этилиши билан рўзғор буюмлари, меҳнат ва ҳарбий қуроолларнинг хиллари кўпаяди. Лекин тош бутун бронза даври давомида қурооллар ишлаш манбаи сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Археологик топилмалар орасида чақмоқтошдан ясалган ўқлар ва найзалар учрайди, ёргучоқлар аввалгидек, қумтошлардан ишланган, тери ишлашда ҳам чақмоқтош қирғичлардан кенг фойдаланганлар.

Жанубий Туркменистон бронза даври ёдгорликлари энг яхши ўрганилган ҳисобланади. Копетдоғ сой водийлари, Тажан ва Мурғоб водийлари кишиларнинг ҳаёт кечириши учун қулай районлар бўлган.

Бронза даври жамияти тадқиқотчилари ихтиёрида ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, тарихий-маданий жараёнлар асосан моддий топилмалар ёрдамида кўрсатилади. Совет археологлари кейинги 15 йил мобайнида ўтказган қазишлар Жанубий Туркменистонда яшаган қабилаларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва муносабатларини аниқлашда айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу ердаги юқори хўжалик формалари деҳқончилик ва чорвачилик асосида ривожланган аҳолининг муҳим маданий ютуқларини вужудга келтирган. Суғорма деҳқончилик ерни ҳайдашга асосланади, ҳунармандчиликда темирчилик, кулолчилик, заргарлик, тўқувчилик, йигириш ва тўқимачилик айрим ҳунаркасб бўлиб қолади.

Канал қазиб, дарёлардан сув чиқариш, канал ва ариқларни доимо тозалаб туриш, ирригация ишлари кенг йўлга қўйилган. Деҳқончиликда дон (арпа, буғдой, жавдар) экиш, чорва учун хашак бўладиган ўсимликлар ўстириш, сабзавот ва мевачилик ривожлантирилган.

Қорақум чегараларига яқин жойлашган ўтроқ қишлоқлар ҳосилдор водий районларига айланган. Катта-катта марказий қишлоқлар (Олтинтепа, Номозгоҳтепа) мудофаа деворлари би-

лан ўралган. Улар қадимги қишлоқ хўжалик районларининг ҳунармандчилик ва айирбошлаш-савдо марказлари бўлиб, кишиларга меҳнат қуроолари, яроғлар, сопол идишлар тарқатиш функциясини ўтаган.

Унумдор хўжалик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиради, шу асосда уруғ жамияти ичида мулкий табақаланиш жараёни бошланади. Айниқса ота уруғ — патриархал таркиб топгандан кейин одамлар ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлган. Ер ҳайдаш деҳқончилиги ортиқча маҳсулот ва мол айирбошлашни тартибга солишда асосий роль ўйнаган.

Олтинтепадан топиб текширилган кичик жамоа уйлари билан бирга (майдонлари 40—50 м<sup>2</sup>) катта уруғ жамоа уйлари-нинг тарқалиши (майдонлари 90—100 м<sup>2</sup>), олтиндан ишланган зеб-зийнатлар, бой қабрлардан топилган бронза идишлари ва яроғлар, қиммат тошлардан ясалган маржонлар ва уруғ бошлиқларининг шахсий тамгалари мол айирбошлаш келиб чиққанлигидан далолат беради. Баъзи оилаларнинг бойликлари дон ва чорва молларидан иборат бўлган. Кулолчилик ва металлчилик буюмлари аста-секин айирбошлаш-савдо объектига айланган, дейиш мумкин.

Лекин хусусий мулкчилик ва мол айирбошлаш қайси даражада ривожланганлиги ҳақида археология фани аниқ маълумотларга эга эмас. Бронза давридаги Жанубий Туркменистон ижтимоий ва иқтисодий жараёнлари тараққиёти дастлабки давлатлар хусусиятларига мансуб манбаларни ҳар томонлама ўрганиш имкониятини бермайди. Қабилалар ҳаётида ибтидоий уруғчилик хусусиятлари, шу жумладан, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргаликда олиб бориш, ерга биргаликда эгалик қилиши, умумий турар жойда (катта жамоа уйларида) яшаш сақланиб қолган. Бу уйларда яқка кичик оилаларга 2—3 хонали турар жойлар тегишли бўлса-да, лекин уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти — «умумий том остида», уруғ бошлиғи раҳбарлигида ўтганлиги билан характерланади.

Қадимги давлатларга мансуб ёзувлар, подшо саройи типидagi қалъалар Жанубий Туркменистон ёдгорликларида топилмаган, ҳарбий қурооллар ривожланиши юксак даражада бўлмаган.

Жанубий Туркменистон қабилаларини Қадимги Шарқ қулдорлик давлатлари билан маданий алоқалар ва савдо йўллари бирлаштирган. Маълумки, Тожикистон ва Афғонистоннинг Бадахшон тоғларидан бошланган савдо йўллари Эрон ва Месопотамияга олиб борган. Бадахшонда қазиб чиқарилган қимматли тош — ложувард (лазурит) дан ясалган буюмлар Месопотамия, Эрон ва Жанубий Туркменистон ёдгорликларида топилган. Улар милоддан аввалги IV мингйилликнинг охири — III мингйиллик билан саналанади. Олтинтепа ва Номозгоҳтепада Эрон, Жану-

бий Афғонистон ва Ҳиндистондан келтирилган сопол идишлар ва металл буюмлар ҳам учрайди.

Бронза тайёрлаш учун зарур бўлган қўрошин билан қалай руда конлари Жанубий Туркменистонда йўқ. Урта Осиёда улар Қизилқумда, Фарғона водийси тоғларида ва эҳтимол Зарафшон воҳаси юқори қисмида жойлашган. Соф ва тозаланган металлни ҳунармандчилик буюмларига айирбошлаш мумкин бўлган, буни Қуйи Зарафшон Номозгоҳ V даври типидagi сопол идишлар ва металл буюмлар топилганлиги тасдиқлайди.

Фарғона водийсида II мингйиллик бошларига оид Ҳақ хазинаси борлиги маълум. Ундан бронзадан ишланган идиш, болта ва тўнағичлар топилган. Ҳақ хазинаси типидagi буюмлар Эрон, Жанубий Туркменистон ва Шимолий Афғонистон ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Фарғона водийсида савдо-айирбошлаш асосида пайдо бўлган бўлиши мумкин.


Сўнги бронза даврида Жанубий Туркменистоннинг турли районларига Урта Осиёнинг шимолий даштларидан келиб чиққан чорвадор қабилалар тарқалади. Уларга оид моддий манбалар Ановтепа, Теккемтепа ва Мурғоб ёдгорликлари атрофида топиб текширилган.

**Ўзбекистон территориясидаги бронза даври ёдгорликлари.** Ўзбекистон тупроғидаги бронза даври қабилалари бир хилда тараққий топган эмас. Бу босқичда Сурхондарё, Зарафшон воҳаси ва Хоразмдан иборат учта ўлкада энг қадимги маконлар топилган. Ҳар қайси ўлканинг маданий тараққиётида ўзига хос хусусиятлар бўлган. Бу маданиятлар деҳқончилик-уй чорвачилиги ва чорвачилик-деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда тараққий қилган эмаслар ва қабилалар ўртасида кенг маданий алоқалар бўлган.

Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё) муқим ўтроқлик ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бронза даври ёдгорликлари қадимги суғорма районлар — Улонбулоқсой, Шеробод, Бандихон ва Миршодида топиб текширилган. Қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда яшаганлар. Бронза даври аҳолиси сойлар бўйларига тарқалиб, суғорма деҳқончиликда уларнинг сувларидан фойдаланганлар. Маҳаллий суғориш тажрибасида сойлардан канал ва ариқ чиқариш катта аҳамиятга эга бўлган.

Сурхондарё иссиқ иқлимли ўлка бўлиб, шимол, шимоли-ғарб ва шарқда Ҳисор, Кўхитоғ, Боботоғ, жанубда Амударё билан чегараланган. Қадимги суғориш ерлари тоғ тизмаларига яқин жойлашган. 1968 йилда Термиздан 70 км шимоли-ғарбдаги Сополлитепа топиб текширилди.

Тўрт гектар жойдан иборат тепаликнинг марказий қисмида тўртбурчакли истехком қазиб очилди. Унинг ҳамма томони 82 метр. Истехком ичида турар жойлар, рўзғор ва хўжалик хоналари, ҳунармандчилик устaxonалари иншоотлари топилди.



34-расм. Сополлитепа.

Сополлитепа тарихи 3 та маданий қатламга ва қурилиш даврига бўлинади. Биринчи давр уйларида 30 та кичик оила, иккинчи давр уйларида — 61 та оила ва учинчи давр уйларида эса 47 та оила яшаган. Олимлар фикрича, умуман Сополлитепадаги ўтроқ қишлоқлар аҳолиси 155—315 кишидан иборат бўлиши мумкин. Катта патриархал оила аъзолари яқка уйларда яшаган, улар жамоа кварталларига айланган. Сополлитепада 8 та кварталга тегишли уй-жой текширилган. Бу ерда қурилиш, ҳунармандчилик ва иқтисодий муносабатлар анча ривож топган. Турар жой хоналаридаги девор ичига ўрнатилган ва сандал типидagi ўчоқлар бор. Қурилиш материаллари пахса ва хом гишталардир. Уй-жой поллари лой билан сувалган, дон сақлаш учун ишлатилган хоналарнинг поллари ганч (алебастр) билан ҳам сувалган ёки хўжалик хоналарининг полларига сопол синиқлар ўрнатилган.

Сополлитепадаги уй-жой деворлари тагида қадимги қабрлар текширилган (умуман 138 та қабр). Уларнинг 125 тасига яқка жасад кўмилган, 13 та қабр коллективли гўр вазифасини бажарган. Улиқлар сопол идишлар, қурол-яроғлар ва зеб-зийнат буюмлари билан бирга кўмилган. Эркаклар қабрларидан 26 та металл қурол, аёллар қабрларидан 104 та бронза буюм—

ҳалқалар, билакузуклар, жезойналар ва муңчоқлар топилди. Сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган, асосан нақшсиз ва тўғри симметрияли буюмлардан иборатдир.

Ёдгорликнинг маданий қатлаמידан ва қабрлардан топилган идишлар 14 та хилга бўлинади: вазасимон идишлар, товоқлар, косалар, туваклар, хумлар, хумчалар, чойнак ва пиёласимон идишлар, тошдан, ёғочдан ва бронзадан ишланган идишлар. Хилма-хил кулолчилик буюмлари уй рўзғорида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сақлаш учун ишлатилган.

Моддий манбалар Сополлитепада металлчилик юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Бронзадан ханжарлар, ўқ учлари ва найза пойконлари, пичоқлар, болталар, жез игналар, идишлар ишланган. Бронза металлургияси ҳунармандчилик устахоналарини вужудга келтиради.

Сополлитепа топилмалари милоддан аввалги 1700—1500 йиллар билан саналанади. Аҳолининг ҳўжалиги деҳқончилик ва уй чорвачилигига асосланган. Қазилмалар натижасида арпа, буғдой ва сомон қолдиқлари топилди. Дарё тошларидан ва қумтошдан ишланган ёрғучоқлар ва ҳовончалар кенг учрайди.


Сополлитепадан 16 мингтача ҳайвон суяклари топилди, уларнинг 63% и қўй ва эчки суяклари, бошқалари эшак, чўчқа, туя, сигир, ит ва мушук суякларидир. Шу билан бирга одамлар ҳаётида ёввойи қушлар ва ҳайвонларни овлаш ўз аҳамиятини йўқотмаган. Сополли тепадан топилган буғу, жайрон, қулон, ёввойи чўчқа, қуён, ўрдак, каптар ва бошқа кўпгина ҳайвон ва парранда суяклари қолдиқлари бу фикрни тасдиқлайди.

Овчилик одамларнинг қўшимча машғули бўлган. Улар асосан ёввойи чўчқа, буғу ва қулонни овлаганлар. Ёввойи ҳайвонлар суяклари орасида буғу суяклари 39,5% ни, қулон суяклари 36,5% ни ва чўчқа суяклари 17,5% ни ташкил этади.

Археологик топилмалар бронза даври ҳайвонот дунёси ҳозирги фаунага нисбатан анча бой бўлганлигини кўрсатади. Дарё vodiylari, тоғлар ва даштлар хилма-хил ҳайвонлар ва қушлар тарқалиши учун қулай табиий муҳит бўлган.

Сополлитепа моддий манбалари уй ҳунари юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Одамлар лойдан, суякдан, тошдан, ёғочдан ва чармдан хилма-хил буюмлар ясаганлар. Бронза даврида кийимлар матолардан тикилган. Сополлитепа матолари жун ва зиғир толасидан тўқилган бўлиши мумкин. Тўқимачиликка оид сопол ва тошдан ишланган урчуқлар топилган.

Патриархал уруғнинг ривожланиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан катта жамоа оилаларининг бойлик орттиришлари учун қулай вазият яратилган. Қабрлардан топилган буюмлар дастлабки мулкий тенгсизликлардан дарак беради. Сополлитепадаги 39 та қабрдан сопол идишлардан ташқари металл қуроллар ва зеб-зийнат буюмлари, айрим қабрлардан 5—35 та сопол идиш топилди.




35-расм. Сополлитепа. Бронзадан ишланган идишлар.

Катта патриархал оилаларга мансуб бронза тамғалар топилган. Буюмларда бургут, илон, туя ва бошқа ҳайвон расмлари бор. Олимлар фикрича, улар уруғларнинг тотемлари бўлган.

1973 йилда Шеробдарё воҳасида жойлашган Жарқўтон бронза даври ёдгорлигида бошланган археологик текширув ишлари натижасида давом этмоқда. Утган йиллар давомида Жарқўтонда муҳим моддий манбалар топиб ўрганилди.



Жарқўтон 100 гектар майдонда жойлашган уй-жойлар ва қадимги қабристонлардан иборат. Жарқўтон қабристонидан 730 дан ортиқ бронза даврига оид гўрлар қазиб очилди. Топилган буюмлар орасида бронза идишлар, ханжарлар, пичоқлар, зебзийнат буюмлари, сопол идишлар ва чақмоқтошдан ишланган найза пойконлари бор. Аёллар қабрларидан ложувард, сердолик ва феруза тошдан ишланган мунчоқ ва маржонлар топилди.



36-расм. Бронза даври сопол идишлари. Миршоди.

Тожикистоннинг қоя тошларида асосан одам, айиқ, архар, тоғ эчкиси, буғу, ўқ-ёй, барс, буқа, як, шунингдек уй ҳайвонларидан қорамол, эчки, от ва итнинг тасвирлари ифода этилган. Қояларда ёввойи ҳайвонлар, айиқ, буғу, тоғ эчкиси, архарларни овлаш билан боғлиқ ажойиб манзаралар жуда маҳорат билан ишланган.

Тожикистондаги Биттик чашма ва Куртака сойининг Шахта ғоридаги бўёқ билан ишланган одам, айиқ, тўнғиз ва бошқалар расмлари Зараутсой суратлари билан замондош бўлиб, мезолит-неолит даврининг милоддан аввалги VIII—IV мингйилликларига мансубдир.

Тожикистондаги қоятош расмлари — петроглифларнинг энг қадимгиси бронза даврига оид бўлиб, милоддан аввалги II мингйилликни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич расмлар эса милоддан аввалги биринчи мингйилликка мансуб бўлиб, улар Сак-скиф типи, деб аталади.

Расмларнинг учинчи гуруҳи эрамиз биринчи мингйиллигининг биринчи ярмига тааллуқлидир. Тўртинчи гуруҳ расмлар VII—XV асрларга, бешинчи гуруҳ расмлар эса XVIII—XX асрларга оид бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Урта Осиё қоятош расмлари кенг тарқалганлиги, мазмун ва манзараларнинг бойлиги, ишланиш услубининг хилма-хиллиги ва қадимийлиги жиҳатидан СССРда биринчи ўринни эгаллайди.

Қоятошларга ишланган тасвирлар археологик ёдгорликларнинг бир тури сифатида аждодларимиз маданияти тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Қоятош расмлари ўрганилар экан, уларнинг мазмуни ва манзаралар маъносидан келиб чиқиб, ибтидоий ёки қадимги давр кишиларининг ҳўжалик ҳаёти ҳақида, ҳайвонларни ов қилиш, қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш, чорвачиликнинг вужудга келиши, унинг турлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Айни вақтда расмлар воситаси билан у давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуроллари қандай эканлигини билиб олиш мумкин. Шунингдек қоятош расмлари қадимги ота-боболаримизнинг гоъвий қарашлари ва диний эътиқодини ўрганишда ҳам жуда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, қоятош расмлари ўзига хос санъат асари ҳамдир, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги кишиларнинг санъати, эстетик истеъдоди қандай бўлганлигини ҳам билиб оламиз.

Айни вақтда қоятош тасвирлари Урта Осиёнинг ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда зоолог ва палеозоологларга катта имкониятлар очиб бериши мумкин.

Шундай қилиб, қоятош расмлари ўтмишнинг ўчиб кетган саҳифаларини ўрганишда тарихчи, этнограф, санъатшунос, палеозоолог ва бошқа фан намояндалари учун қимматли манба

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қоятош ёдгорликларини қидириб топиш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Урта Осиёдаги моддий ва маданий ёдгорликлар ўзининг қадимийлиги, хилма-хиллиги ва қалин жойланиши жиҳатидан СССРнинг бошқа жойларидан ажралиб туради. Бу ўлкада илк тош асри маконларидан тортиб ўрта асрларгача ва ундан кейинги даврга мансуб ҳамма турдаги бой археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу ёдгорликлар Урта Осиё халқлари тарихининг муҳим масалаларини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

### 3-боб. УРТА ОСИЕНИНГ ЭНЕОЛИТ, БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

#### 3.1. ЭНЕОЛИТ ДАВРИ

Энеолит — мис-тош даврида одам металл билан танишади. Унгача ибтидоий одамлар икки ярим — уч миллион йиллар давомида (палеолит, мезолит ва неолит даври) фақат тошдан, ёғочдан ва суюқдан ясалган қуроллардан фойдаланганлар.

Мис давrigа ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучлар янада юксалганлигини кўрсатади. Мисдан ишланган қуроллар тош қуролларга қараганда анча такомиллашган бўлса-да, лекин мис кучли ва оғир қуроллар ясаш учун яроқсиз бўлган. Шу сабабдан энеолит даври қабилалари тош қуроллардан ҳам кенг фойдаланганлар. Мис ва тош қуролларнинг ишлатилиши қадимги хўжалик тармоқларининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Мезолит охирида ва неолит даврида териб-термачлаб овқат топишдан ёввойи ўсимликларни экиш ва ўтқизиш йўли билан вужудга келган деҳқончилик энеолит замонида юқори хўжалик формасига айланди. Деҳқончилик билан уй чорвачилиги ортиқча маҳсулотлар етиштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос бўлган.

Икки дарё оралигида (Месопотамияда) ва Олд Осиёда мис-тош даврининг бошланиши илк бор давлат-шаҳарларнинг вужудга келиши билан характерланади. Милоддан аввалги IV мингйилликнинг иккинчи ярмига келиб, Қадимги Шарқнинг юқори маданият ўчоқларида ва илк қулдорлик давлатларида мисдан ишланган меҳнат қуроллари ва зеб-зийнатлар кенг тарқалади.

Қадимги Шарқ дунёсида қишлоқ хўжалик жамоалари асосида катта, серсув дарёлар водийларида синфларга ажралиш содир бўлди. Бу ерда қулай табиий шароитлардан ташқари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар

тараққиётининг умумий ривожини тезлаштиришга имкон берган.

Қабилаларнинг ижтимоий ва маданий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Неолит даври қабилалари орасида вужудга келган маданий нотекислик мис-тош замонида анча кучаяди. Мазкур даврда Европа ва Осиё аҳолиси хилма-хил хўжалик типларига бўлинади. Шу асосда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этади.

Маданий жиҳатдан орқада қолган жамиятлар овчилик ва балиқчилик асосида ривожланади. Уларнинг ижтимоий муносабатлари, тош даври тузумига хос хусусиятлари сақланади. Лекин Қадимги Шарқ юқори маданият ўчоқлари чегараларида яшовчи, деҳқончиликка асосланган қабилалар синфий жараёнлардан анча узоқлашганлар ва улар ибтидоий уруғчилик тузумининг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолганлар. Бу районлардаги деҳқончилик ортиқча маҳсулотлар яратилиши ва мулккий тенгсизлик тартибга солинишига кенг даражада асос бўлмаган эди. Уруғчилик-қабилавий тузум хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда, одамлар маҳсулотни умумий мулкка айлантирар ва маҳсулотлар барабар тақсимланар эди. Тузумнинг мустақкам бўлганлиги, истеъмол воситалари барабарлиги, меҳнат унумдорлиги пастиги ва хўжаликни бутун уруғ аъзолари биргаликда бошқарганлиги — ибтидоий тузумнинг асосий белгиларидир.

Энеолит даврида Урта Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқори кўтарилади. Лекин бу ердаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада бўлмаган. Археологик текширув ишлари натижалари Урта Осиё аҳолиси орасида нотекис ривожланиш бўлганлигидан далолат беради. Унумдор хўжаликларга асосланган қабилалар тезроқ ривожланган, қўшимча хўжаликлар билан машғул бўлганлари эса маданий жиҳатдан бир неча юз йиллар орқада қолган.

Маданий нотекислик жараёнлари билан боғлиқ равишда Урта Осиёнинг турли вилоятларида неолит билан энеолит бир вақтда бўлган. Туркманистоннинг жанубида мис-тош даврининг бошланиши милоддан аввалги IV мингйилликка мансуб бўлса, худди ўша замонда Урта Осиёнинг шимолий дашт ва шарқий тоғлик районларидаги қадимий қабилалар асосан овчилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шуғулланганлар. Демак, бу икки давр хронологик жиҳатдан эмас, балки маданий-хўжалик даражалари жиҳатидан биридан фарқ қилади. Маданий-хўжалик типлари қўшимча ёки унумдор хўжаликлар, турар жой, уй-рўзғор буюмлари, ишлаб чиқариш қуроллари асосида ўрганилади.

Металлчиликнинг кашф этилиши ва хўжаликда мис қуролларнинг жорий қилиниши бир неча асрлар давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуролларини ясаш учун ҳар хил тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келганлар. Дастлаб-

ки металл қуроллар ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Аммо мис рудаларини ишлатиш металлургия (кучли оловда руданинг суюқликка айлантирилиши) ривожланишига сабаб бўлган. Урта Осиёда ва Марказий Қозоғистонда очиқ руда конлари ва улар атрофидаги металл эритиш қўралари бир неча районларда топилди.

Мис юмшоқ металл бўлганлигидан қабилалар хўжалик ҳаётида тошдан ишланган қуролларни сиқиб чиқаролмаган, ҳатто бутун илк металл асри давомида ҳам тош қуроллардан кенг фойдаланилган. Шунинг учун ҳам бу давр мис-тош даври деб аталади. Мисдан ҳарбий қуроллар, уй-рўзғор буюмлари ва зеб-зийнатлар ҳам ишланган.

Урта Осиё энеолит даври тадқиқотчилари ихтиёрида ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, мазкур замоннинг маданий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлари моддий топилмалар асосида ўрганилади. Ёдгорликларнинг маданий қатламида сопол идишларнинг ва қуролларнинг алмашилиши изчиллиги аниқланади. Бу топилмаларнинг асосий хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади ва тарихий жараёнларнинг ҳар хил босқичларига мансуб бўлади. Моддий манбалар ёдгорликларнинг ёшини аниқлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Қадимги буюмлар нисбий хронологияга асосланади. Ёдгорликларнинг мутлақ ёшини ўрганишда радиокарбон усули катта аҳамиятга эгадир.

Тарихий ва маданий жараёнлар изчил қисмларга (замонларга, босқичларга, даврларга) бўлинади, бу қисмлар муҳим воқеалар билан бир-биридан фарқ қилади. Айниқса ўтроқ маконларда ҳар бир босқичга оид моддий манбалар топилади.

Маълумки, Урта Осиёнинг жануб қисмида (Туркменистонда) милoddан аввалги VI мингйилликда деҳқончилик хўжалиги пайдо бўлади. Бундаги маданият Жойтун маданияти, деб аталади. Жойтун қабилалари ҳаётида неолит даврининг ундан олдинги даврларига нисбатан янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кўриш мумкин. Бу прогрессив тарихий омиллар мис-тош даврида сақланади ва анча юксак даражада ривожланади.

Энеолит даври Урта Осиё жанубида янги маданий ва тарихий жараёнлар билан боғлиқдир; улардан: 1) хўжаликда моти-га-кетмонча билан қилинадиган деҳқончилик ва уй чорвачилигининг ривожланиши; 2) суғорма деҳқончилик — ирригациянинг раванқ топиши; 3) хунармандчиликда янги касблар — металлчилик, тўқимачиликнинг вужудга келиши; 4) кулолчиликда муҳим техника ютуғи — хумдонларнинг ишлатилиши; 5) ўтроқлик хўжалигининг мустақамланиши, ибтидоий жамоа бирлашмалари уйлари ва қурилишда хом ғиштнинг пайдо бўлиши; 6) рангдор сопол буюмлар ва лойдан ясалган бўлиб, оналик уруғига хос бўлган ҳайкалчаларнинг тарқалиши.

Қадимги қабилалар мис-тош даврига ўтгач, маданий-хўжалик ва ишлаб чиқариш тараққиётининг янги босқичи бошланади. Янги хўжалик турлари — деҳқончилик ва уй чорвачилиги

аввалгидек Туркменистоннинг жануби-ғарбида қулай географик шароитда ривожланади. Қуйи Зарафшон ва Амударё ҳавзаларида яшовчи қабилалар зироатчиликка, яъни ўсимликлар ўстиришга ҳали ўтмайди. Урта Осиёнинг шарқий қисмидаги тоғлик районлар аҳолиси ибтидоий хўжалигида овчилик устунлик қилар эди. Демак, илк ва ривожланган мис-тош даврида Урта Осиё қабилаларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекислик сақланади.

Унумдор хўжаликлар асосида ривожланган Туркменистон аҳолиси Қадимги Шарқдаги юқори маданиятли (цивилизацияли) районлар билан маҳкам алоқада бўлган. Урта Осиёнинг шимолий ва шарқий вилоятларида Калтаминор ва Ҳисор маданиятларига мансуб маданий-хўжалик типлари тарқалади. Дашт ва тоғ маконларидан топилган хилма-хил моддий манбаларни ўрганиш натижалари (сопол идишлар, тош қуроллар, ҳайвон ва қушлар суяклари) қабилаларнинг иқтисодий ҳаётида қўшимча хўжаликлар — овчилик ва балиқчилик асосий манбаи бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга дашт одамлари тарихида чорвачиликнинг илк босқичи бошланади, дейиш мумкин; лекин неолит замони анъаналари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолининг асосий қисми дарёларнинг irmoқлари соҳилида ва қўллар атрофида яшаган. Табиий бойликлар энеолит даври одамлари учун ҳаёт манбаи эди.

Ёввойи қушлар ва ҳайвонлар суяклари қадимги жанубий маконларда ҳам топилган. Демак, ов қилиш деҳқончилик қабилалари орасида ҳам сақланган, аммо уларда қўшимча хўжаликлар катта аҳамиятга эга бўлмаган ва ибтидоий хўжаликда иккинчи ролни ўйнаган.

Мис-тош даври маданиятини ўрганишга археологик ёдгорликлардан топилган хилма-хил моддий манбалар катта имконият беради. Кўпгина уй-жой қолдиқлари, меҳнат қуроллари, сопол идишлар, зеб-зийнат ва бошқа ашёвий буюмлар узoқ ўтмиш тарихий жараёнларидан далолат беради.

Шу даврга оид муҳим археология ёдгорликлари Жанубий Туркменистонда топиб текширилган. Шимол томонида Қорақум чўли, жануби-ғарбда Копетдоғ билан чегараланган Туркменистон ерлари қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкадир. Неолит даврида вужудга келган Жойтун маданияти асосида Анов I—II ва Намозгоҳ I—III даврларига мансуб энеолит замони маданияти кенг территорияда тарқалади.

Жанубий Туркменистоннинг энеолит замони маконларида муваффақиятли ва кенг қўламда олиб борилган илмий текширишлар XX асрнинг 50-йиллари билан боғлиқдир. Ёдгорликларни текширишда Б. А. Куфтин, В. М. Массон, В. И. Сарияниди, О. К. Бердиев ва И. Н. Хлопин ва бошқалар катта хизмат кўрсатдилар. Археологлар турар жойларни қазиб, қадимги суғориш тармоқлари ва суғориш ерларининг чегараларини аниқ-



27-расм. Жанубий Туркменистон. Нақшли сопол идишлар.

ладилар, мис-тош даври маданияти ва тарихини муваффақиятли равишда ўргандилар. Маконларда ўтказилган қазилар натижасида муҳим моддий манбалар топилди. Совет олимлари топган археология материаллари асосида Жанубий Туркменистон энеолит даври тарихи аниқланиб тикланди.

Копетдоғ атрофидаги ерлар ўзининг табиати ва иқлими жиҳатидан деҳқончилик учун жуда қулайдир. Энг қадимги суғориш тармоқлари шундай шароитга эга бўлган сойлар этакларида вужудга келган. Тоғ дарёлари бўйларида яшовчи қабила-

лар қадимдан суғорма деҳқончиликда (арпа, бугдой, беда, поллиз ва бошқа экинларни суғоришда) асосан сой сувларидан фойдаланганлар.

Жанубий Туркменистон энеолити уч даврга — илк энеолит (Анов I, Номозгоҳ I); ривожланган (Анов II, Номозгоҳ II) ва сўнгги мис-тош даври (Номозгоҳ III) га бўлинади. Кенг даражада текширилган ёдгорликлардан Ановтепа, Номозгоҳтепа, Қоратепа, Чакмоқлитепа, Ясситепа ва Геоксюртепа машҳурдир.

Археологик қазилардан чиққан илк энеолит Анов I ва Номозгоҳ I даврига оид уй-жойлар хом гиштлардан қурилган. Моддий топилмалар орасида мис қуроқлар кам учрайди (мис пичоқлар ва жезгиналар). Қадимги маконларда тошдан ясалган жуда кўп қуроқлар — ўроқ ва пичоқ қадамалари, қирғичлар, тешкичлар, найза ва ўқ пойконлари, ёргучоқлар ва бошқа қуроқлар топилди. Аввалгидек, мис-тош даврида ҳали тошдан ишланган қуроқлар хўжаликда катта роль ўйнаган.

Сопол идишлар рангдор бўлиб, нақшлар ичида эгри чизиқлар ва учбурчак геометрик суратлар учрайди. Анов I сопол буюмлари ҳар хил шаклларда ясалган, кўпчилик сопол идишларнинг таги ясси. Дон сақлаш учун хумчасимон идишлар ишлатилган. Улар билан бирга товоқсимон пиёла, қосасимон майда идишлар ҳам бўлган. Сопол буюмларнинг қизил, қора ва сариқ рангли нақшлари минерал буёқлар билан ишланган.

Ясситепада олиб борилган археологик қазилар натижасида ибтидоий ибодатхонанинг қолдиқлари ҳам топиб текширилди. Қадимги ишшоотнинг деворлари геометрик нақшлар билан безатилган бўлиб, уларга қора ва қизил рангли буёқ берилган. Марказий хонада катта ўчоқ топилган. Ибодатхонанинг деворлари ёнида ёғоч устунлар ўрнатиш учун полга чуқурчалар ўйилган.

Анов I даври моддий манбалари Жойтун маданияти топилмаларидан кўпда фарқ қилмайди.

Анов I	Номозгоҳ I даври топилмалари	Неолит даври аъёналари	Энеолит даври янгиликлари
Уй-жойлар	Қурилиш техникаси Тўрт бурчакли уйлар Девор рангли нақшлари	— + +	+ — —
Сопол идишлар	Кулолчилик техникаси Рангли нақшлар тузилиши Расмлар	+ + +	+ + +
Ҳайкалча-лар	Одам ҳайкалчалари Ҳайвон ҳайкалчалари	+ +	— —
Тош қуроқлар	Урчуқлар Ёргучоқлар	— +	+ —
Мис буюмлар	Ўроқлар Пичоқлар Ўқ учлари	+ + +	— — —
		—	+

Ривожланган энеолит (Анов II, Номозгоҳ II) даврига оид ёдгорликлар Геоксюр воҳасида кенг равишда ўрганилган. Геоксюр қадимий каналлари Тажан дарёси тармоқларидан чиқарилган ва сув манбаи ҳосил этилган ерларга, қишлоқларнинг ёнига олиб борилган. Қадимги каналларнинг узунлиги 3 км, чуқурлиги 1,2 м бўлган.

Тош ва мис қуроллар, арпа, буғдой донлари ва бошқа ашёлар қадимги геоксюрликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Уларда уй чорвачилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, қабилалар кўпроқ майда чорва — қўй ва эчки боққанлар.

Анов II маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган қишлоқларда, паҳса ёки гиштардан қурилган уйларда яшаганлар. Уй-жойлар думалоқ ва тўртбурчак шаклида бўлган. Уйларнинг эшиклари жанубга ёки шимол томонга қаратилган, хоналарнинг ичига овқат пишириш учун ўчоқлар ўрнатилган.


Муллалитепада ўтказилган қазишларда қадимги мудофаа девор қолдиқлари топилган. Ялонгочтепада катта умумий уруғ-жамоа уйларининг борлиги маълум бўлди. Ёдгорликларнинг маданий қатламларидан чиққан турли хилдаги моддий қолдиқлар, шу жумладан, сопол идишлар, тош қуроллар, мис буюмлар ва ҳайвон суюклари энеолит даврида Туркменистоннинг жануби-ғарбида яшаган аҳолининг маданий-хўжалик белгиларини кўрсатиб берди.

Анов II ва Номозгоҳ II даврига мансуб маконлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривож топганлигидан далолат беради. Сопол идишлар асосан коса, тувак ва бошқалардан иборат. Уларнинг сирти қора бўёқда геометрик чизиқлар ва ҳайвон ёки қуш расмлари билан безатилган. Радиокарбон усулида аниқланган Номозгоҳ II топилмалари милоддан аввалги  $3160 \pm 50$  йилга мансуб деб саналади.


Сўнгги энеолит даври (Номозгоҳ III) моддий топилмалари, шу жумладан, рангдор сопол буюмлар, аёл ва эркек ҳайкалчалари, мис пичоқлар, тош қуроллар ва бошқа уй-рўзгор буюмларидир. Номозгоҳ III даври радиокарбон хронологияси милоддан аввалги  $2860 \pm 100$ ,  $2490 \pm 100$  йилга оиддир.

Сўнгги мис-тош замони қурилишида планлаштиришга амал қилинган. Кўчалар, майдонлар ва катта жамоа бинолари тартиб билан қурилган. Қоратепанинг марказий қисмида 130 дан ортиқ хоналар текширилди. Улар катта жамоа уйларига айланган. Муллалитепада 20 та энеолит даври уйлари топилган. Улар тўртбурчакли қурилишлар бўлиб, уй-жой, ошхона, хўжалик хоналарига бўлинган (майдонлари 8—15, —17 м<sup>2</sup>).

Туркменистон қадимги жамиятининг ижтимоий, хўжалик ва маданий ривожланишида катта ўзгаришлар содир бўлган. Сўнгги энеолит она уруғи — матриархат тузумидан патриархат — ота уруғига ўтувчи давр деб ҳисобланади, лекин ота уруғи




28-расм. Жанубий Туркменистондаги энеолит даври маконларининг плани (Муллалитепа, Ялонгочтепа)



29-расм. Мистош даври қабри.

хукмронлиги фақат бронза асрида ўрнатилиб, қадимги қабила-лар орасида кенг ёйилади. Геоксюр воҳасида сўнги энеолит даврига оид қадимги қабристон қазиб очилди. Қабрлар думалоқ шаклда бўлиб, хом гиштдан терилган сағаналардан иборат.



30-расм. Геоксюр воҳаси. Энеолит даврига оид қабр.

Гўрларда 10—12 склет учрайди; демак, сағаналар уруғ аъзоларининг коллектив қабрлари вазифасини бажарган. Қабрлардан чақмоқтош қурооллар, сопол идишлар, мис буюмлар ва тошдан ишланган маржонлар топилди. Улар энеолит даври маданиятидан далолат беради.

Сўнги мис-тош даврида кулолчилик юксак даражада ривожланиб, у шакли хилма-хил сопол идишлар билан характерланади. Нақшлар орасида қора ва жигар рангда ишланган одам, қушлар ва ҳайвонлар расмлари учрайди. Айниқса турли хилдаги геометрик нақшларга эътибор бериш лозим. Улар замонавий гиламларда ишланган нақшларга ўхшаб кетади.

Жанубий Туркменистон территориясида ҳозирги кунларгача энеолит замонида мансуб 32 та қадимги макон-тепа маълум. Уларнинг асосий қисми Ашхободга яқин жойда ва Геоксюр воҳасидан (Қуйи Мурғоб ва Тажон дарёлари орасида) топиб текширилди. Геоксюр воҳаси 8 та қадимги қишлоқдан иборат. Энеолит даврида улар ўтроқлик водий-районига айланган ва Геоксюртепа I марказий макони атрофида жойлашган. Археологлар фикрича, Геоксюр воҳаси айрим ўтроқ деҳқончилик районларининг аҳолиси 4000—5000 кишилик умумий қабила аъзоларидан иборат бўлган.


Геоксюртепа I атрофидаги қадимги сугориш майдонлари 50—75 гектар бўлиб, каналларнинг узунлиги ўртача 3 км, чуқурлиги 1,2 м, эни 2,4—5,5 м ни ташкил этган. Деҳқончиликда арпа ва буғдой экиш асосий роль ўйнаган. Қабилалар ҳаётида майда чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Улар билан бирга ёввойи қушлар ва ҳайвонлар ови қўшимча хўжалик вазифасини бажарган.

Деҳқончилик ривожланганлигидан ўтроқлик маконлари, қадимги каналлар, меҳнат қурооллари, тошдан ишланган ёрғучоқлар ва ўроқлар, дон қолдиқлари ҳам далолат беради. Арпа ва буғдой сопол идишларда сақланган. Маконлардан катта хўжалик хоналари ҳам қазиб очилган.

Бир неча маконда 15—20 та уй-жой топилди. Қазилар патижасида уйлар хом гиштдан қурилганлиги маълум бўлди. Уйларнинг поллари ва деворлари сомонли қоришма билан сувалган. Эшиклар учун ёғоч ишлатилмай, улар ҳайвон терилари билан тўсилган, лекин сўнги энеолит даврида ёғоч эшиклар пайдо бўлган, дейиш мумкин.

Қурилиш техникаси анча ривожланган. Уйлар ичида тўрт бурчакли ёки ҳалқа шаклидаги ўчоқлар ўрнатилган. Турар жойлар ёнида дон сақлаш учун хоналар ва махсус молхоналар қурилган. Бинолар тўрт бурчак ва думалоқ шаклида бўлган.

Жанубий Туркменистон энеолит замони сопол буюмлари қадимги ҳунармандчилик касбини ўрганишда гоёат қимматли моддий манба ҳисобланади. Илк энеолит — Анов I даврига мансуб идишларнинг 30% ида нақшлар учрайди. Анов II даврига мансуб идишларга солинган рангли нақшлар ҳам анча кўп. Улар



31-расм. Қоратепе. Сўнги энеолит даври топилмалари.

билан бирга одамлар қурооллар, лойдан одам ва ҳайвонларнинг ҳайкалчаларини ясаганлар.

Қазишмалар натижасида топилган манбалар ибтидоий динлар ва ибодатлардан ҳам далолат беради. Энеолит ибодатхоналарида рангли девор нашқлари топилган. Иншоотлар ўртасидаги марказий ўчоқ диний маросимлар ўтказишга хизмат қилган. Бу ўтга сиғинишнинг дастлабки формалари бўлиши ҳам эҳтимол, чунки одамлар ибодатхонадаги марказий ўчоқни овқат пишириш учун эмас, балки табиий кучларга сиғиниш мақсадида қурганлар. Деҳқончилик қабилалари орасида оловдан ташқари, қуёшга, ерга, сувга, ҳосилдорликка сиғиниш кенг тарқалган.

Геоксюртепа ва Қоратепадан топилган жамоа қабристонлари ёки уруғ аъзоларининг сағаналари одамлар мурдани кўмишида маълум маросимга риоя қилганликларидан дарак беради. Мурдалар ёнига сопол идишлар, меҳнат қурооллари ва зеб-зийнатлар қўйилган.

Энеолит замони тарихий-маданий муносабатларини ўрганишда Ўрта Осиё, Эрон ва Месопотамия аҳолисининг маданий алоқаларига эътибор бериш лозим. Ўрта Осиё жанубидаги мис-тош даври қурилишида ва тасвирий санъатида Қадимги Шарқ давлат-шаҳарининг маданий таъсирини кўриш мумкин. Ташқи савдо ва айирбошлаш асосида Ўрта Осиё жанубида мисдан ишланган идишлар, қурооллар ва зеб-зийнатлар кўпайиб боради.

Энеолит даврида ҳаёт кечириш территориялари кенгайиб борган. Сўнги мис-тош даврида деҳқончилик билан машғул бўлган қабилалар Қуйи Мурғобда ҳам тарқалади. Мурғоб водийсида канал-ариқлар қазиб, сув чиқариш имкони бўлган жойларда (муқим ўтроқ водий районларда) суғориб экиладиган деҳқончиликнинг турли формалари вужудга келади.


Жанубий Туркманистондаги энеолит даври жамияти олдинги неолит замони жамиятидан ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёти даражаси юқори бўлиши билан ажралиб туради. Суғорма деҳқончилик ва чорвачилик тирикчиликнинг асосий манбалари деб ҳисобланган. Энеолит даври одамнинг энг катта ишлаб чиқариш галабаси — ирригация, суғориш техникаси ривож топган давр бўлди.

Қабилалар маҳсулотлари умумий мулкка айлантириллар, маҳсулотлар жамоа айрим оилалари аъзолари ўртасида барабар тақсимланар эди. Уй жамоасининг аъзолари умумий турар жойда яшаганлар, биргалишиб ишлаганлар, қуроолларга, рўзгор буюмларига ва хўжалик маҳсулотларига ҳам биргаликда эгаллик қилганлар.

Жанубий Туркманистонда табиат кучларига сиғиниш вужудга келади, одамлар улар билан бирга уй оловига ҳам иззат-ҳурмат изҳор қилганлар. Муқаддас оловга топиниш кейинги тарихий давларда катта аҳамиятга эга бўлади. Жанубий Туркманистонда ўтказилган қазишлар вақтида айрим қурилишларнинг марказий қисмларида катта ўчоқлар топилган. Уларни «оловхонлар»га мансуб дейиш мумкин. Ибодатхоналарнинг деворларига солинган рангли расмлар муҳим тарихий аҳамиятга эга. Ибодатхоналар энеолит даври ижтимоий ҳаётининг диний марказлари ҳисобланган бўлиши мумкин.

Қадимги диний қарашларда ибтидоий сиғинишлар ҳам сақланган. Лойдан ишланган ҳайвон ҳайкалчалари ва рангли сопол идишлардаги ҳайвон расмлари тотемизм (ҳайвонларга сиғиниш) формалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистон территориясида энеолит даври ёдгорликлари яхши ўрганилмаган. Машҳур совет археологи С. П. Толстов Қуйи Амударё этакларида неолитдан металл даврига ўтиш босқичи



32-расм. Олтинтепа. Энеолит даврига оид буюмлар.

тарихини аниқлашга муваффақ бўлди. Қуйи Зарафшон қадимги ёдгорликларини ўрганишда Я. Ғ. Ғуломов, А. Асқаров, У. Исломов асарлари катта аҳамиятга эгадир.

Милоддан аввалги IV—III мингйиллик бошларида Амударё ва Зарафшон қуйи оқимларида Қалтаминор маданияти тош қуроллари, сопол идишлари ва уй-жойлари кенг тарқалади. Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқ даштларида ва Орол денгизи соҳилларида ибтидоий овчилик, балиқчилик ва илк чорвачилик хўжаликларига асосланган қабилалар яшаган.

Археологлар фикрича, Бухоро областининг Лавлакон, Бешбулоқ мавзеъларида ва Замонбобо I қабристонидан топиб текширилган моддий маъналар энеолит даврига оиддир. Бу ёдгорликлардан сўнгги Қалтаминор маданияти топилмаларига ўхшаш сопол идишлар бўлаклари ва чақмоқтош қуроллар билан бирга мисдан ясалган игналар ва мунчоқлар топилди.

Қуйи Зарафшоннинг Қаптарни қуми ва Қаттатузкон мавзеълари атрофида тўрт жойдан энеолит даврига оид ёдгорликлар текширилди. Тақир ва қум устида сочилиб ётган тошдан ишланган ёрғучоқлар, ўроқ ва пичоқ қадамалари билан бирга мисдан ишланган қуроқ синиқлари топилди.

Юқори Зарафшоннинг Панжикент шаҳридан 15 км ғарбда топилган Саразм қишлоғи харобаси муҳим археологик ёдгорликдир. У деҳқончилик қабилаларининг Ўрта Осиё шимоли-шарқига ёйилганлигидан далolat бериб, қадимги деҳқончилик аҳолисининг географик чегараларини ҳам кўрсатади.

Саразм қишлоғи харобаси 90 гектар майдонда жойлашган 10 та тепалиқдан иборатдир. Ёдгорликнинг тарихи тўрт даврга бўлиниб, улар муҳим топилмаларга кўра бир-биридан ажралади. Археологик топилмалар ёдгорликнинг ёшини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Саразм I даври сопол идишлари рангли нақшлар билан безатилган бўлиб, Туркменистоннинг Анов II, Геоксюр типидagi моддий буюмларига анча ўхшайди. Идишлар сиртида қора ва қизил бўёқлар билан ишланган турли геометрик нақшлар бор. Маданий қатламда мисдан ясалган қуроллар ҳам учрайди. Бу даврнинг мутлақ хронологияси радиокарбон усули асосида аниқланган бўлиб; милоддан аввалги  $3100 \pm 60$  йил,  $2930 \pm 30$  йилдир.

Саразм II босқичи сўнгги энеолитдан илк бронза асрига ўтиш даври ҳисобланади. Бу босқичда Геоксюр типидagi идишлар билан бирга нақшсиз сополлар пайдо бўлади. Бронзадан ишланган буюмлар анча тарқалади. Топилмаларнинг ёши радиокарбон усули асосида аниқланганда милоддан аввалги  $2510 \pm 10$  йил ва  $2280 \pm 40$  йил эканлиги маълум бўлди. Саразм III—IV маданий қатламлари бронза даврига мансубдир.

Саразм I даври қурилишлари кўп хонали уй массивларидан иборатдир. Улар катта жамоа уйлари ҳамдир. Ҳозирги вақтгача 48 та пахсадан қурилган хона топиб текширилди. Умумий турар жойлар якка кичик оилаларга мўлжалланиб, 2—3 хонали қилиб қурилган. Улар уй-жой ва рўзгор-хўжалик иншоотлари вазифасини бажарган. Турар жойга мосланган хоналарда



думалоқ шаклда ишланган ўчоқлар топилган. Буларга ўхшаш ўчоқлар Жанубий Туркманistonнинг Анов II маданияти ёдгорликларида ҳам кенг тарқалган.

Маълумки, оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлган, у уруғ ерида хўжаликни биргаликда олиб борган. Уй жамоаси аъзолари умумий турар жойда яшаганлар ва мол-мулкка биргаликда эгаллик қилганлар.

Археологик маълумотлар (қурилишлар, сопол идишлар, металлдан ва тошдан ишланган қуроллар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар) Зарафшон воҳасининг юқори қисмида деҳқончилик маданияти ёйилишига Жанубий Туркманistonнинг Геоксюр типдаги аҳолиси сабаб бўлганлигидан дарак беради, дейиш мумкин; лекин Саразм моддий топилмаларида Жанубий Афғонистон, Эрон ва Калтаминор маданиятларига мансуб буюмлар ҳам бор. Улар энеолит даври қабилалари ўртасидаги кенг маданий ва иқтисодий алоқалардан далолат беради.

Юқори Зарафшон воҳасининг табиий шароити дастлабки деҳқончилик ривожланиши учун унчалик қулай эмасди. Шунинг учун тоғларга яқин жойлашган Саразм аҳолиси ҳаётда металл конларни ишлатиш катта роль ўйнаши мумкин эди. Энеолит ва бронза асрида металлчиликнинг кенг ёйилиши ва меҳнат қуроллари яшаш техникаси ўзгариши билан одамлар янги руда конларини қидиришга мажбур бўлганлар (айниқса мисни қалай билан, қўرғошин билан бирга эритиб, қотириш ўрганиб олинганда). Лекин дастлабки металл даврида ҳам мис жуда қimmatли материал бўлган ва соф мис (руда) фақат айрим жойларда учраган. Деҳқончилик қабилаларининг узоқ районларга тарқалиши янги ерларни ўзлаштиришдан ташқари, қазилма бойликлар, металл рудаси конларини қидириш билан боғлиқ бўлган.

Энеолит даври ўрнини эгаллаган навбатдаги тарихий давр — бронза асри (даври) дир.

### 3.2. БРОНЗА ДАВРИ

Бронза даври милоддан аввалги III мингйилликда бошланади. Бронза — бу мис билан қалай қотишмасидир. У ўз хусусиятлари билан мисдан устун туради. Маълумки, мис юмшоқ металл бўлиб, ундан ишланган қуроллар унча чидамли бўлмайди. Бронза мисга қараганда қаттиқ ва пишиқроқдир.

Унинг ilk ватани Кичик Осиё ва Иккидарё оралиғи бўлган. Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё ва Эроннинг жануби-ғарбида милоддан аввалги III—II мингйилликнинг бошларида қулдорлик жамияти кенг равнақ топган. Урта Осиё территориясида ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар анча тараққий топган ва жанубий районларда Қадимги Шарқ маданиятларига мансуб маданий хўжалик типлари тарқалган.



33-расм. Вазасимон сопол идиш. Бронза даври.

Бронза даврининг хўжалик соҳасида эришган энг катта муваффақиятларидан бири қадимги деҳқончиликнинг кенг ёйилиши ва милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқишидир. Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривожланиб, ижтимоий ва иқтисодий процессларга таъсир қилади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида моддий маданият ҳам янги асосда тараққий этади.

Бронза даврида деҳқончилик ва чорвачилик Урта Осиё маданиятининг асосий соҳалари бўлган. Металлдан ишланган қуроллар қадимги иқтисодий ва ижтимоий тараққий эти тизлаштиргани туфайли Урта Осиё чўлларида яшаган қабилалар бошқа аҳолидан ажралиб чиқади ва асосан чорвачилик билан маш-

гул бўлади. Чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши — бу дастлабки меҳнат тақсимотидир.

Ҳозир бу типдаги ёдгорликларни учта катта хронологик даврга, яъни илк, ривожланган ва сўнгги бронза даврига бўлиш мумкин. Урта Осиёнинг шимолий ва шарқий районларида мавжуд бўлган бронза ёдгорликлари маданияти жанубий ўтроқ бронза ёдгорликларидан ажралиб туради.

Урта Осиё бронза даври археологиясини ўрганишда С. П. Толстов, В. М. Массон, А. Н. Бериштам, Я. Ф. Фуломов, Б. А. Литвинский, М. А. Итина, А. А. Марущенко, В. И. Сариниди, А. А. Асқаров, А. И. Тереножкин, А. М. Мандельштам, Ю. А. Заднепровский ва бошқалар асарлари катта аҳамиятга эгадир.

**Жанубий Туркменистон маданияти.** Археологик маълумотларга қараганда, Туркменистон бронза даври маданияти икки хронологик босқичга бўлинади. Булардан биринчиси Номозгоҳ IV—V илк ва ривожланган бронза даври бўлиб, милoddан аввалги III мингйилликнинг ўрталари — II мингйилликнинг биринчи ярмига мансубдир. Иккинчиси Номозгоҳ VI сўнгги бронза даври бўлиб, милoddан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмига оиддир.

Номозгоҳ IV—V даври ёдгорликлари ғарбда Қизил Арват шаҳридан бошлаб, шарқда Тажан дарёси ва Қуйи Мурғоб бўйларигача тарқалади. Қадимий қишлоқларда катта уруғ жамоалари яшаган бўлиши мумкин. Кенг даражада текширилган маконлардан Номозгоҳтепа, Ановтепа, Оқтепа, Олтинтепа, Теккемтепа, Гонуртепа ва Тоғолоқтепа машҳурдир.

Номозгоҳтепа майдони 70 гектар жойдан иборат бўлиб, ёдгорликнинг маданий қатлами 34 метрдир. Қишлоқда аҳоли милoddан аввалги IV мингйилликдан II мингйилликнинг охиригача яшаган. Тепаликда кўп хонали биноларнинг қолдиқлари қазиб очилди. Уйларнинг деворлари хом ғиштдан терилган бўлиб, ҳар бир иншоот ёнида кичик ҳовли бўлган. Хоналарнинг кўпи тўғри бурчак шаклида қурилган. Улар ичида супалар ва ўчоқлар бўлган, деворларда токчалар ўрнатилган.

Номозгоҳ IV даври сопол идишлари ранглидир, нақшлар ичида ўсимликлар ва ҳайвон расмлари учрайди. Ривожланган бронза даври бошланиши билан сопол идишлар чархда ясалган ва икки ярусли хумдонларда пиширилган. Номозгоҳ V босқичи сопол буюмлари нақшсиз ва асосан тувак, хум, чойнак, товоқ ва қўлгина бошқа хил идишлардан иборат бўлган.

Кулол чархи Урта Осиёда биринчи бор Туркменистоннинг жанубида топилган. Кулол чархининг ҳунармандчиликда жорий қилиниши сопол буюмлар ишлаб чиқаришининг янги техникасини яратади. Чархда ишланган идишлар қўлда ясалган сопол буюмлардан анча фарқ қилади ва асосан деҳқончилик маданияти учун характерлидир.

Олтинтепа майдони 30 гектар бўлган. Ёдгорликда кўп хонали уйлар топиб текширилди. Археологлар фикрича, бундай уй-

ларда катта патриархал оила жамоалари яшаган. Уйларнинг майдонлари 50—70—100 м<sup>2</sup> келади. Улар тўғри бурчакли уйжой ва рўзғор-хўжалик хоналаридан иборатдир. Турар жойларнинг марказий ёки бурчак қисмида пахсадан ўчоқ қурилган.

Археологлар Олтинтепа ёдгорлигини қазиб натижасида пахсадан ва хом ғиштдан ишланган зинапоёли минора — ибодатхонани очганлар (унинг номи — зиккурат). Зиккуратлар Иккидарё оралиғида Урук даврида пайдо бўлган. Олтинтепа иншооти катта тўрт зинапоёли бинога ўхшайди (пойдевори 55 метр, баландлиги 12 метр). Зиккуратнинг ёнида бир неча хона қазиб очилди, уларнинг бирида муқаддас ўчоқ бўлиб, унда муқаддас олов ёнган. Яна бир хонанинг ичидан қабрлар топилган. Археологлар фикрича, қабрларга зиккурат — ибодатхонанинг хизматчилари кўмилган.

Муҳим археологик топилмалар ичида олтиндан ясалган буқа ва бўри бошчалари ҳайкалчаларига эътибор бериш керак. Олтин, кумуш ва бронзадан ишланган буқа бошчаси ҳайкалчалари Иккидарё оралиғидаги Ур шаҳрида кенг тарқалган ва милoddан аввалги 2600—2500 йиллар билан саналанади. Олтинтепа топилмалари Қадимги Шумер санъати ва ҳайкалтарошлигининг маданий таъсирини кўрсатади.

Бронза даврида Туркменистон жануби Урта Осиёнинг энг муҳим маданий марказларидан бири бўлган. Қопетдоғ этақларидаги Қуйи Тажан ва Мурғоб воҳасидаги қулай географик шароитда ривожланган деҳқончилик суғориш-ирригацияга асосланган. Номозгоҳ ва Олтинтепа атрофларида қадимги суғориш ерлари кенг майдонларга эга бўлган. Дарёлардан канал чиқариш техникаси анча ривожланган. Бронза даврида ирригация хўжалиги дастлабки оддий суғориш деҳқончилигидан анча фарқ қилган ва у ўтроқ қабилалар ерни ҳайдаб, деҳқончилик қилишга ўтган вақт бўлган.

Тараққий қилиб борган деҳқончилик маданияти ҳақида арпа, бугдой, жавдан (қора бугдой), дон қолдиқлари, меҳнат қуроллари — ёрғучоқлар, ховончалар, ўроқлар ва бошқа топилмалар далолат беради.

Деҳқончилик билан бирга одамлар ҳаётида уй чорвачилиги ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кўпинча маконлардан қўй, эчки ва сизир суяклар топилди. Чорвачилик деҳқончиликнинг ёрдамчи тармоғи бўлган. Ёввойи ҳайвонлар ови аввалги аҳамиятини йўқотган бўлса-да, лекин ёдгорликларнинг маданий қатламларида жайрон ва тоғ эчкиси суяклар ҳам учрайди. Илк ва ривожланган бронза даврида от ва туя қўлга кенг ўргатилмаган, дейиш мумкин. Олтинтепадан топилган лойдан ишланган тўрт ғилдиракли арава нусхаси моделига туя бошчаси қўшиб тасвирланган. Бу нусхада туя тортувчи куч вазиятида кўрсатилган.

Туркменистоннинг қадимги қишлоқ планлаштирилиши, қурилиш техникаси ва архитектураси Месопотамия ва Эрон қадимги шаҳарларининг маданиятига ўз белгилари билан анча

яқин туради. Номозгоҳтепа ва Олтинтепа илк шаҳарлар вази-  
фасини бажарган, дейиш мумкин. Улар қадимги деҳқончилик  
районларининг иқтисодий ва идеологик марказлари бўлган.  
Олтинтепада қуролларнинг устахоналари текширилган. Брон-  
за даврида металлчилик ҳам юксак даражага кўтарилади.

Олтинтепадаги жамоа уйларининг майдонлари 40—50 ёки  
80—100 м<sup>2</sup> келади, шу жумладан, турар жойлар 7—10 ва 10—  
25 м<sup>2</sup>, хўжалик хоналари 2—5 ва 5—13 м<sup>2</sup>. Уйларнинг катта-ки-  
чиклиги ва археологик топилмалари жамоа аъзолари орасида  
айирбошлаш жараёни борганлигидан далолат беради. Бой қабр-  
ларда сопол идишлар, бронза ва зеб-зийнат буюмлари учрайди,  
бошқа қабрларда эса моддий топилмалар кам.

Бронза қадимги жамият иқтисодининг ривожланишида кат-  
та аҳамиятга эга бўлиб, бу жамиятнинг ижтимоий муносабатла-  
ри ўзгаришига таъсир кўрсатган. Бронзадан ханжар, пичоқ,  
найза, ўроқ, жезойна, бигиз, мунчоқ, тамға, идиш ва бошқа бу-  
юмлар ишланган.

Металлчиликнинг ривожланиши ва кулол чархининг сопол-  
чиликка жорий қилиниши ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан  
ажралиб чиқишига сабаб бўлади.

Туркменистон жанубида айирбошлашнинг ўсиши билан илк  
синфий муносабатлар ҳам таркиб топган бўлиши мумкин, лекин  
давлатлар вужудга келганлиги тўғрисида археология фани ҳа-  
ли аниқ маълумотларга эга эмас.

Милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталарида Туркма-  
нистоннинг Копетдоғ атрофида жойлашган катта марказий  
қишлоқлар ўрнида кичик овуллар пайдо бўлади. Ушбу даврда  
бронза асрининг янги босқичи бошланади.


Сўнги бронза асри Номозгоҳ VI даврига оид ёдгорликлар  
Копетдоғ атрофида ва Қуйи Мурғоб воҳасида топиб текширил-  
ган. Буларга биринчи райондаги Елкантепа, Теккемтепа, Анов-  
тепа ва Янгиқалъа қабристонлари кирилади.

Қадимги қишлоқларнинг майдонлари 1—2 гектар жойдан  
иборат бўлган. Бундай ёдгорликлар жумласига кирадиган Ел-  
кантепа, Шўртепа, Тойчаноқтепа ва Теккемтепа археологик қа-  
зишмалар асосида текширилган.

Қурилишда аввалгидек, пахса билан ҳам гишт ишлатилган.  
Хўжалик ва ҳунармандчиликда Номозгоҳ V даври маданий анъ-  
аналари давом этади.

Янгиқалъа қабристонларида марҳумлар чуқурларда букчайти-  
риб кўмилган. Гўр-чуқурларда гулхан қолдиқлари бор, бундан  
шуни тахмин қилиш мумкинки, олов қадимги маросимлар билан  
боғлиқ бўлган, лекин жасадлар қуйдирилганлиги ҳақида ҳеч  
қандай маълумотлар йўқ. Марҳумлар ёнига сопол идишлар ва  
бронза буюмлар қўйилган.

Сўнги бронза маданияти Мурғоб водийсида яхши ўрганил-  
ган. Бу ердаги энг қадимги маконлар энеолит замони охирларида  
ва илк бронза даврида пайдо бўлади. Номозгоҳ V—VI бос-



37-расм. Бронзадан ишланган ханжар.

Қабристондан кулолчилик чархида ясалган жуда кўп сопол  
буюмлар чиқди. Одамлар идишлардан кенг фойдаланганлар  
ва сопол эса моддий маданиятнинг муҳим қисми бўлган.

Сурхондарёнинг Шўрчи районидаги Миршоди қишлоқ Со-  
вети территориясида жойлашган Муллалитепа, Муллали қабри,  
Қизилжартепа, Қизилсув ва Бўйрачи I тепалари ҳам текширил-  
ди. Қадимги қишлоқларнинг майдонлари 8—9 гектардан ибо-  
рат. Аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Суғориш учун сув  
сойлардан олинган. Миршоди ёдгорликлари милоддан аввалги  
II мингйилликнинг иккинчи ярмига мансубдир.

Ўзбекистон территориясида бронза даврида асосан чорвачи-  
лик ва деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий  
маданият ёдгорликлари Хоразмда топиб текширилган. Бу ма-  
даният Тозабогёб маданияти номи билан машҳур (дастлабки  
ёдгорликлар Тозабогёб канали атрофида топилгани учун). Бу  
даврга мансуб сопол буюмлар Қозоғистон ва Сибирь чўл район-  
ларидаги сополларга анча ўхшаб кетади. Лекин Тозабогёб  
маданияти ўзига хос хусусиятлари билан Шарқий Европадаги  
чорвадорлар яратган ёғочбанд маданиятидан, Қозоғистон ва  
Сибирдаги Андронов маданиятидан ҳам фарқ қилади. Бунга  
сабаб тозабогёбликлар орасида деҳқончилик кенг тарқалган.

Қават 3 макондан бронзадан қуроллар ясаш устахонасининг  
излари топилган (қолиплар, руда парчалари, қуролларнинг си-  
ниқлари). Кўкча 3 макони атрофида қадимий мазорлар ҳам қа-  
зиб очилган. Қабрлардаги ўликлар букчайтириб, бошлари ғарб-  
га қаратиб қўйилган. Скелетларнинг бош суяги ёнидан идишлар  
ва бронзадан ишланган зеб-зийнат буюмлари топилган.

Тозабогёб маданиятига мансуб бронза даври маконлари  
Амударёнинг Оқчадарё дельтасида жойлашган. Ҳозирги кунга  
ча 50 та қадимги макон текширилган. Улар ярим ертўлали уй-  
жойлардан иборат бўлиб, атрофида каналлар ва қадимги суғо-  
риш майдонлари топилган.


Кўкча 15 маконида бир-бирдан 30—50—100 м узоқликда жойлашган 10 та ярим ертўлали уй ўринлари қазиб очилди. Ертўлалар тўғри бурчакли ёки думалоқ шаклга яқин қурилган. Улар 52—90—128 м<sup>2</sup> жойдан иборат. Ертўлаларнинг полларига енгил каркасли қатор тик ёғоч устунлар ўрнатиш учун чуқурчалар ўйилган. Демак, улар устушли енгил уй системасини ҳосил қилган.

Чуқурчаларнинг диаметри асосан 12—18 см дир. Уйларнинг бурчакларида ўрнатилган чуқурчаларнинг диаметри 0,4—0,5 м. Улар йирик ёғоч устунлар ишлатилганлигидан ҳам далолат беради.

Уйларнинг марказий қисмларида жойлашган ўчоқлар оддий тўрт бурчакли чуқурлардан иборат (1,4×0,9 м). Ертўлаларда ҳайвон суякларини, сопол идишлар, тошдан ва бронзадан ишланган қурооллар топилди.

Тозабогёб сопол идишлари қўлда ишланган. Улар асосан қозон ва туваксимон идишлардан иборат бўлиб, хилма-хил геометрик чизиқлар билан нақшланган.

Хоразмда текширилган сўнгги бронза даври ёдгорликлари Амиробод маданияти номи билан аталган. Амиробод маданияти милoddан аввалги IX—VIII асрлар билан саналанади. Бу давр ёдгорликлари Тозабогёб маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла, турар жой, ирригация-канал излари билан ва қўлда ясалган сопол идишлар билан характерланади. Бронза буюм-



38-расм. Тозабогёб маданияти. Уй-жойнинг расми (ярим ертўла).

ларидан ўроқлар, ўқ учлари, жезгинлар ҳамда ўқ учлари қуйилган тош қолиплар ва уларнинг синиқлари топилди.


Хоразмдаги бронза даври аҳолиснинг асосий тирикчилик манбалари чорвачилик ва деҳқончилик бўлган. Табиий шароит канал қазиб, сув чиқаришга имкон берган районларда (Кўкча, Қават, Яккапарсон) суғорма деҳқончиликнинг турли формалари вужудга келган. Чорвачилик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Айниқса Орол денгизи соҳилларига яқин даштларда чорвачилик ҳатто бир неча асрлар давомида устушлик қилган. Бу қабилалар асосан майда чорва боққанлар, қорамол ва отлар ҳам қўлга ўргатилган эди.

Хунармандчилик уй хунар-касбларига оид (қулоччилик, металлчилик, тўқувчилик) бўлган. Металлургия ривожланиши учун металл руда конлари зарур бўлган. Қизилқумда бронза даврига мансуб қадимги мис конлари ва руда эритиш хумдонлари бўлганлиги маълум бўлди.

Тозабогёб маданиятига мансуб маконлар ва қабрлар Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Замонбобо кўли яқинида, Фарғона водийсида ва Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғида текширилди.

Археологлар фикрича, Қуйи Зарафшон ерлари бронза даврида камсув бўлиб, улар асосан чорвачилик учун қулай бўлган эди. Деҳқончилик кўпроқ Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари



39-расм. Замонбобо кулбасининг реконструкцияси.

ҳосил қилган зах ерларда ривожланган. Археология адабиётларида Қуйи Зарафшон бронза ёдгорликлари Замонбобо маданияти номи билан аталган.

Замонбобо кўли яқинида қадимги қабристон ва макон топилди. Замонбобо қабристонидан 45 дан ортиқ қадимги мазор қолдиқлари қазиб ўрганилди. Қабристоннинг 8 та қабрида жуфт ва 28 та қабрида якка скелетлар топилди. Яна иккита қабрда катта одамлар скелети билан бирга бола скелети борлиги маълум бўлди. Қабрлар оддий чуқурлардан ва катакомбали қабрлардан иборатдир. Жасадлар букчайтирилган ҳолда бир томонга ёнбошлашиб кўмилган.

Эркаклар қабрларидан олинган топилмалар орасида кўпроқ сопол идишлар, чақмоқтошдан ишланган ўқ учлари ва найза пойконлари, пичоқсимон пластинкалар учрайди. Аёллар қабрларидан қимматбаҳо тошлардан (ложувард, феруза, сердолик) ясалган турли шаклдаги мунчоқлар ва маржонлар, мис кўзгулар, аёл ҳайкалчаси ва бошқалар топилди.

Замонбобо маконида ярим ертўла чайла-уй қолдиқлари қазиб очилди. Турар жойнинг узунлиги 23,5 м, эни 9 м, чуқурлиги 1 м, умумий катталиги 170 м<sup>2</sup>. Макон майдонидан ўчоқ ўринлари, ҳайвонлар суяклари, меҳнат қуроллари ва уй-рўзгор асбобларининг синиқлари топилди. Ярим ертўла яқинида сопол идишлар, хумдонча қолдиқлари ҳам текширилди.

Уй ҳайвонлари суяклари — қорамол, қўй ва эчки суякларидир. Одамлар Замонбобо кўли атрофидаги кенг яйловларда асосан майда чорва боққанлар, ов қилиш қўшимча машғулот бўлган. Замонбобо маконида ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам учрайди.

Қуйи Зарафшон қабилаларининг иқтисодий тараққиётида деҳқончилик муҳим роль ўйнаган. Тошдан ишланган қадама ўроқлар ва ёрғучоқ синиқлари, буғдой ва арпа донлари, чириб кетган сомон қолдиқлари бу ерда деҳқончилик мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Замонбобо маданиятида ҳам ота уруғи таркиб топгандан кейин ижтимоий тузумда катта ўзгаришлар содир бўлган. Олимлар фикрича, Замонбобо маконида катта жамоа аъзолари яшаган. Жамоа асосини якка кичик оилалар ташкил этган. Умумий турар жойда, бир катта том остида яшаган уруғ аъзолари хўжалик ишларини биргаликда бажарганлар.

Урта Осиё бронза даври аҳолиси бир-биридан ажралган ҳолда тараққий қилган эмас. Қабилалар ўртасида кенг иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлигини Замонбобо моддий манбалари ҳам кўрсатиб туради.

Замонбобо қабристонидан топилган баъзи мунчоқлар Бадахшон ложувардидан ясалган. Демак, Замонбобо топилмаларида чўлли зона қабилалари маданиятига ва жанубий ўтроқ маданиятларга мансуб хусусиятлар сақланиб қолган. Улар бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу иккала маданий анъана-

лар Қуйи Зарафшонда, биринчидан, иқтисодий ва маданий алоқалар асосида, иккинчидан, Урта Осиёнинг жанубий ўтроқ ва шимоли-шарқий чорвадор қабилаларининг ёйилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин эди. Бронза даврида яшаш территориялари тобора кенгайиб борган. Металлургия, деҳқончилик ва чорвачилик юксак даражада ривожланиши билан бирга табиий бойликлар, янги руда конлари, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлиб турган.

Урта Осиё дарёлари (Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Мурғоб, Вахш, Панж) бўйлаб бронза даври иқтисодий алоқалари ва янги районларига кўчиш йўллари пайдо бўлади. Айрим жойларда бу йўллар ёқасида қадимги мазор-қўрғонлар ва қабрлар топилди.


Чорвадор қабилаларга мансуб бронза даври қабрлари Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғида текширилган. Мўминобод қабрларидан хилма-хил моддий манбалар, шу жумладан, сопол идишлар, жез кўзгу, мис билакузук ва бошқа буюмлар топилди.

Зарафшон тоғлари яқинидаги Қоратепа массиви яқинида жойлашган яна бир бронза даврига мансуб ёдгорликка — Сазагон маконига эътибор бериш лозим. Сазагонда топиб текширилган моддий манбалар — тошдан ва бронзадан ишланган қуроллар, ҳайвон суяклари қолдиқлари ва бошқа топилмалар Ўзбекистоннинг тоғли районларида чорвачилик ва овчилик ривожланганлигидан далолат беради.


Милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон дашт районларига чорвадор қабилалар келиб ўрнашди. Уларнинг моддий манбалари Жанубий Сибирь ва Қозоғистоннинг чўлларида яшаган Андроново маданиятига ўхшаб кетади. Дашт қабилалари тарқалганлигидан айниқса сопол идишлар, металл буюмлар ва чорвадор қабилаларга мансуб қадимги қабрлар тузилиши далолат беради.

Қуйи Қашқадарё сўнги бронза даврига мансуб Гужайли қабристони топиб текширилган. Қадимги мазорлардан бронзадан ишланган билакузуклар ва геометрик нақшлар чизилган сопол идишлар топиб текширилган. Гужайли топилмаларида Замонбобо маданий таъсирини кўриш мумкин. Аввалгидек, Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида чорвачилик билан деҳқончилик жамият тараққиётида катта ҳамиятга эга бўлган. Уй чорвачилиги ўрнига яйловларда боқиладиган чорвачилик келиб чиққан.

Қишилик жамияти маданий тараққиётида катта ўзгариш содир бўлган. Ўзбекистон территориясида кейинги 10—15 йиллар мобайнида бронза даврига мансуб хилма-хил ёдгорликлар текширилди. Бу ёдгорликлар деҳқончилик ва уй чорвачилиги билан, баъзи районларда эса асосан чорвачилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Ҳар иккала хўжаликка оид бўлган маданият Ўзбекистон территориясида кенг тарқалган.



40-расм. Гужайли маконидан топилган сополлар.




41-расм. Чўл маданиятига хос идишларнинг парчалари (сўнги бронза даври).

**Жанубий Тожикистон ёдгорликлари.** Милоддан аввалги II мингйиллик ўрталарида ва иккинчи ярмида Жанубий Тожикистондаги қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Улар хўжалик ва ижтимоий тараққиёт даражаларига кўра бир-бирларига яқин бўлсалар-да, лекин сопол буюмларнинг хили, қабрларнинг тузилиши ва турар жойларнинг қурилиши жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Кофирниҳон, Вахш ва Қизилсув дарёлари бўйларида бронза даври мазор-қўрғонлари жуда кўп учрайди. Бу ерлардаги катта-кичик табиий тепаликлар дашт манзарасига боғланиб кетади. Бешкент чўлида бронза даврига оид Тулхар қабристони топиб текширилган (75 та қадимий мазор қазиб очилган). Мазорлар остида 1 метрли оддий чуқурлар кўп учрайди. Катакомба шаклида ён томонга ўйиб қазилган алоҳида лаҳадли қабрлар ҳам топилган. Қабрларга ўликлар букчайтириб, бошлари шимолга ва шарққа қаратиб кўмилган. Скелетларнинг ёнида идишлар, тош қуроллар, бронзадан ишланган буюмлар ва мунчоқлар топилган. Бронза буюмлари орасида ханжарлар, пичоқлар ва жез кўзгулар жуда кўп учрайди. Бронзадан ясалган қурол ва яроғларнинг шакллари яхшиланади ва сони кўпаяди. Улар асосан эркаклар қабрларидан топиб текширилган. Сопол идишлар қўлда ва чархда ишланган, таги ясси туваксимон ҳамда косасимон идишлардан иборатдир.

Жанубий Тожикистонда Тулхар, Тандирўл, Вахш, Ойкўл ва Қизилсув қабристонларидан топилган моддий манбалар бронза даври қабилалари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлигини кўрсатади. Сопол идишлар ичида Сурхондарёда, Шимолий Афғонистонда ва Жанубий Туркменистонда ишланган идишларга ўхшаш сопол идишлар учрайди. Археологлар фикрича, милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида Жанубий Тожикистоннинг тоғ ва дашт районларига жануби-ғарбдан ва шимолдан деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлган қабилалар келиб ўрнашган. Дашт қабилаларининг ёйилганлигидан айниқса Вахш маконида топилган сопол буюмлар ва металл қуроллар далолат беради. Сопол идишлар қўлда ишланган ва уларнинг сирти мураккаб геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Бу идишлар милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида Ғарбий Сибирь ва Қозоғистоннинг чўл ва дашт районларига ёйилган Андроново маданиятига доир идишларга жуда ўхшаб кетади.

Жанубий Тожикистон районларида бронза даврида янги этник гуруҳлар пайдо бўлганлиги археологик манбалар асосида таъкидланади. Тегузак ва Қангуртут маконларидан топиб текширилган уй-жой қолдиқлари, сопол идишлар, меҳнат қуроллари ва зеб-зийнат буюмлари Урта Осиёнинг жанубий ўтроқ деҳқончилик ва шимолий чорвачилик қабилаларининг ёйилиши билан характерланади. Бу қабилалар Кофирниҳон, Вахш ва Панж дарёлари даштларига, тоғ ёнбағирларига ёйилиб кетган.



42-расм. Яккапарсан макони. Бронза қуроллар ясаш учун ишлатилган тош қолиплар.

Бешкент ва Вахш маданиятига мансуб бронза даври қабрлари дарё соҳиллари бўйлабгина тизилиб кетган бўлмай, балки чўл ва тоғ ёнбағирларида ҳам тарқалган. Бу нарса аҳоли кенг ерда жойлашганлигини ва чорва боқиш ҳамда унга ёрдамчи бўлган деҳқончилик билан шугулланиш мақсадида қулай географик территорияни ўзлаштириш лозим бўлганлигини кўрсатади.

Археологик текширишлар натижасида қорамол, қўй ва эчки суяклари топилган. Олимлар фикрича, сўнгги бронза даврида ибтидий уй чорвачилиги ўрнига яйловларда боқиладиган чорвачилик келиб чиққан. Ҳисор, Боботоғ ва Помир тоғлари ёнбағирларидаги кенг яйловларда одамлар асосан майда чорва боққанлар.

Шундай қилиб, Урта Осиё территориясида топилган бронза даври археологик манбалари катта аҳамиятга эгадир. Улар ўлканинг турли вилоятларида яшаган бир қанча қадимги қабила-лар тарихини ёзишга имкон берди. Совет археологларининг ҳаракатлари натижасида ибтидий жамият хўжалик ва маданий тараққиётини ўрганишда кўпгина янгиликлар киритилди.

Археологик манбалар асосида Урта Осиёда бронза даврининг охирида мулкӣ табақаланиш жараёни натижасида уруғчилик жамоаси харобаларида дастлабки синфий жамият вужудга келганлиги аниқланди. Ибтидий жамоа тузумидан қулдорлик тузумига ўтиш йўлларини ўрганишда совет археологлари кўп ишлар қилдилар. Бир қанча асарларда бронза даври тарихи тўғрисида чиқарилган илмий хулосалар ва янги маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

### 3.3. ИЛҚ ТЕМИР ДАВРИ

Қадимги одамлар соф темир билан милоддан аввалги III—II мингйилликда танишганлар. Табиатда соф темир метеоритларда учрайди. Лекин метеорит темирдан ишланган буюмларни, металлургия ишлаб чиқаришини кишилиқ ҳаётига кирита олмаган.

Темир ҳақидаги ёзма маълумотлар Миср фиръавлари Аменхотеп III (милоддан аввалги 1455—1419 йй.) ва Эхнатон (милоддан аввалги 1418—1400 йй.) давларига тўғри келади. Фиръавн Тутанхамон қабрида темирдан ясалган майда буюмлар учрайди. Уларнинг ҳаммаси ғоят қимматли заргарлик буюмларидир. Дастлабки темир Миср, Икки дарё оралиги ва Эгей дунёсида аввал зеб-зийнат буюмлари сифатида кашф этилган.

Темир бронзадан кўра қаттиқроқ ва ўткирроқ металлдир. У ер юзида (мис ва қалайга нисбатан) кўп топиладиган металл бўлишига қарамай, одамлар уни бошқа металллардан кейин ўзларига хизмат қилдира бошлаганлар. Темир 1530° иссиқликда эрийди; бу ҳароратга эга бўлиш учун янги металлчилик техникаси ишлатилган; ҳамма металллар темирдан кўра хийла паст температурада эрийди. Темирнинг кашф этилиши қадимги техника соҳасида ўзгариш ясаган (рудадан бевосита темир ажра-

тиб олиш, дам бериш техникаси ва қора металлургия ривожланиши содир бўлган ва ҳоказо).

Ўзма манбалар ва археология маълумотлари энг қадимги темир металлургияси Кичик Осиёдаги Хетт подшолиги территориясида милоддан аввалги XIV—XIII асрларда вужудга келганлигидан далолат беради. Оссурия ва Урарту тунроғида топилган, милоддан аввалги IX—VIII асрларга мансуб темир буюмлари темирчиликнинг ёйилиш географиясини кўрсатади.

Милоддан аввалги X—IX асрларда темир металлургияси Эрон ва Ҳиндистонда ҳам кашф этилади. Лекин милоддан аввалги II мингйилликнинг охирида ва I мингйилликнинг бошларида бронзадан ишланган буюмлар ҳам кенг ишлатилган ва Осиёнинг кўп жойларида темир бронза қуролиларидан устунлик қилмаган. Ф. Энгельс темир катта-катта майдонларда экин экишга, кенг ўрмонзорларни тозалаб экин майдонига айлантиришга имкон берганлиги, у қосибларга пухта ва ўткир қуроллар берганлиги, тошлардан, ўша вақтда маълум бўлган бошқа металллардан ҳеч бири уларга барабар кела олмаганлиги тўғрисида ёзган эди.

Урта Осиёда темирдан ишланган меҳнат қуролилари пайдо бўлганлиги археологик жиҳатдан аниқланган. Илмий текширишлар натижасида энг қадимги темир буюмлари қуйидаги 22 та ёдгорликдан топилган ва улар асосан милоддан аввалги VI—IV асрларга мансубдир:

<i>Жанубий Туркменистон</i>		Лолазор — милоддан аввалги VI—V асрлар
Анов — милоддан аввалги IX—VII асрлар		<i>Хоразм</i>
Анов — милоддан аввалги V—IV асрлар		Кузалиқир — милоддан аввалги VI—V асрлар
Элкантепа — милоддан аввалги V аср		Қуйисой — милоддан аввалги VII—VI асрлар
Езтепа — милоддан аввалги V—IV асрлар		Уйгарақ — милоддан аввалги VI—V асрлар
Чўрноқ — милоддан аввалги V—IV асрлар		Дингилжа — милоддан аввалги V аср
<i>Жанубий Тожикистон, Сурхондарё</i>		<i>Помир</i>
Қалъан Мир — милоддан аввалги VI—IV асрлар		Оқбент — милоддан аввалги VI—IV асрлар
Ғозимулла — милоддан аввалги VI—V асрлар		Тегирмонсув милоддан аввалги VI аср
Қизилча I — милоддан аввалги VI—V асрлар		Томди — милоддан аввалги V—IV асрлар
Қизилча 6 — милоддан аввалги V—IV асрлар		Аличур — милоддан аввалги V—IV асрлар
<i>Қашқадарё ва Зарафшон водийлари</i>		<i>Фарғона</i>
Даратепа — милоддан аввалги VII—VI асрлар		Далварзин — милоддан аввалги VIII—VII асрлар
Афросиёб — милоддан аввалги VI—IV асрлар		Оқтом — милоддан аввалги V—IV асрлар
		Даста ашт — милоддан аввалги V—IV асрлар

Анов, Далварзин, Даратепа ва Қуйисой топилмалари милоддан аввалги VII асрга мансуб бўлиб, улар Жанубий Туркменистон, Қашқадарё ва Зарафшон водийлари, Хоразм ҳамда Фарғонада темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигидан далолат беради. Улар асосан темир пичоқ ва ўроқлардир.

Урта Осиёда илк темир даврининг бошланиши ва темир металлургияси—металлчилик кашф этилиши ҳақида археологлар орасида илмий баҳслар боради. Олимларнинг бир гуруҳи Урта Осиёдаги илк темир даври Эрон ва Ҳиндистонга замондош бўлиб, милоддан аввалги X—VIII асрларда бошланган, деб ҳисоблайди. Аммо Анов ва Далварзинда топилган энг қадимги темир ўроқ ва пичоқ милоддан аввалги VIII—VII асрлар билан саналанади. Милоддан аввалги VII—VI асрларга мансуб темир пичоқлар Хоразмдаги Қуйисой, Қашқадарёдаги Даратепада топилди ва юқорида кўрсатиб ўтилган Урта Осиё маданияти учун характерлидир. Қадимги темир қуроллар асосан милоддан аввалги VI—IV асрлар билан саналанади. Ушбу маълумотларга кўра, милоддан аввалги X—VIII асрларни Урта Осиё тарихида бронза давридан илк темир асрига ўтиш даври деб ҳисоблаш мумкин (илк темир асри милоддан аввалги VII—IV асрларга мансуб деб фараз қилинади).

Милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларига онд ёдгорликлардан Жанубий Туркменистонда 46 та қадимги қишлоқ харобаси маълум, бундай хароба Сурхондарёда 8 та, Қашқадарёда 7 та топилган. Қуйи Мурғобдаги Ёзтепа, Арвалитепа, Қўҳна-тепа, Учтепа, Сурхондарёдаги Кучуктепа, Бандихон I ва Қизилтепа, Қашқадарёдаги Ерқўрғон, Чироқчитепа ва Сапгиртепа ҳам шундай харобалар жумласига киради. Ёдгорликларнинг энг қадимги маданий қатламлари темир асрига ўтиш даврига хосдир.


Ёзтепанинг энг қадимги қуйи қатлами — Ёз I милоддан аввалги 900—650 й. билан саналанади. Ушбу даврда ёдгорлик 16 гектар майдонли қишлоқ турар жойларидан ва тўғри бурчакли катта иморат—қўрғондан иборат бўлган. Қўрғон ўрнида 8 метр келадиган хом гиштли саҳн устига қурилган сарой қолдиқлари топилган. Қурилишлар узунчоқ (коридорсимон) ҳамда тўртбурчак хоналардан иборат. Ёзтепанинг қазилган бошқа жойларида ҳам аҳоли яшаган қадимги уй-жойлар топилган.

Ёз I даври сопол идишларининг кўпчилиги қўлда ясалган. Идишлар сариқ ангоб билан бўялган ва ангоб устидан жигарранг ҳамда қизил бўёқ билан геометрик шаклли нақш солинган. Ёз I қатламида бронзадан ишланган пичоқ, мунчоқлар, ўқ учлари ва тош қуроллар топилган.

Ёз I, Кучук I, Қизил I ва Ерқўрғон I қатламлари учун характерли моддий манбаларнинг ҳаммаси битта асосий хусусияти билан Яқин маданиятига мансубдир.

Кучуктепа Термиздан 70 км шимоли-ғарбда жойлашган. Милоддан аввалги 1000—750 йилларда тепалик ўрнида саҳн ус-






43-расм. Тошдан ишланган бош ҳайкалчаси. Сурхондарё.  
Эр. ав. X—VIII аср.

тига қурилган қўрғонча бўлган. Иморат мудофаа деворлари билан ўралган 6 та уй-жой ва рўзғор хоналаридан иборат.

Кучук I сопол идишлари икки гуруҳга бўлинади. Кулолчилик чархида ишланган идишлар — косасимон, туваксимон ва хум-




44-расм. Нақшли сопол идишлар. Бандихонтепа (эр. ав. IX—VIII аср.)

часимон нақшсиз идишлардир. Қўлда ишланган идишлар—рангли эгри чизиклар ва учбурчак геометрик нақшлар билан безатилган буюмлардир. Кучук I сопол буюмлари ҳар хил шаклларда ясалган, кўччилик сопол идишларнинг таги ясси. Дон сақлаш учун хумчасимон идишлар ишлатилган. Улар билан бирга товоқ, коса ва пиёласимон майда идишлар ҳам бўлган.

Деҳқончилик хўжалигида тош ва бронза меҳнат қуроллари кенг жорий қилинган. Кучук I маданий қатламида бронзадан ишланган ўроқ, пичоқ, ханжар ва ўқ учлари топилган.

Милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларида Фарғона vodiysida Чуст маданияти ривожланади. Намаиған, Андижон ва Уш областларида 70 дан ортиқ қадимги маконлар топиб ўрганилди. Чуст, Далварзин, Ашқолтепа, Бозтепа, Чимбой ва бошқалар шулар жумласидандир.



45-расм. Рангдор сопол идишларнинг парчалари.

Чуст маданиятини яратган деҳқонлар ертўла, пахса ёки хом гиштдан қурилган уйларда яшаганлар. Чуст ва Далварзин қишлоқ харобалари деворлар билан ўралган. Далварзинда қазиб очилган деворнинг эни 4,6 м, баландлиги 2,5 м келади.

Ёдгорликлардан топилган тош ва жез ўроқлар, пичоқлар, тош ёрғучоқлар ҳамда арпа, буғдой, тарик донлари ва улар учун қовланган ўралар чустликлар асосан деҳқончилик билан машғул бўлганлигидан дарак беради.


Қадимги аҳолининг турмушида металлчилик, қулолчилик ва тўқувчилик катта роль ўйнаган. Чустликлар ясаган бронза ўроқ, камон ўқларининг пойконлари, тош ўроқ, пичоқ ва рангли сопол идишлар Ёз I ва Кучук I буюмларига анча ўхшайди. Бронза даврдан темир асрига ўтишда Урта Осиё қабилалари ўртасида мустаҳкам маданий, айирбошлаш ва савдо алоқалари бўлган. Археологик топилмалар орасида кенг тарқалган сопол идишлар умумий маданий жараёнлардан далолат беради.

Чуст маданиятига мансуб гулдор сопол буюмлар топилган. Сопол идишлар уй хўжалигида ишлатилган қозон, хумча, тувак, кўза ва товоқлардан иборат. Улар асосан қўлда ишланган ва рангли геометрик чизиқлар билан нақшланган.

Ёз I, Кучук I ва Чуст типидagi рангли сопол идишлар Урта Осиёнинг кўп жойларида учрайди. Улар Жанубий Туркманис-

тондаги Копетдоғ атрофида жойлашган Ановтепа, Элкантепа, Улуғтепа, Шимолий Афғонистондаги Тиллатепа, Сурхондарёдаги Жарқўтон ва Бандихонтепа I, Урта Амударё қисмидаги Одойтепа ёдгорликларида топилган. Лекин Туркманистоннинг жануби-ғарбида жойлашган қадимги Дохистон топилмалари Ёз I типидagi моддий манбалардан анча фарқ қилади.

Дохистон ёдгорликлари шаҳар ва қишлоқ харобаларидан иборат бўлиб, кенг майдонларни эгаллайди. Баъзи тепаликларда қўрғон қолдиқлари ҳам бор (баландлиги 13—15 метр). Ёдгорликлардан топилган сопол идишлар, қулолчилик чархида ясалган. Дохистоннинг Атрек дарёсидан чиқарилган қадимий каналларнинг излари топиб текширилган. Уларнинг узунлиги 50—60 км бўлган. Қадимги каналлар айниқса Дохистоннинг марказий шаҳар харобалари — Мадов ва Изатқули атрофида яхши ўрганилган. Қадимги Дохистон аҳолиси Эрон қабилалари билан кенг алоқада бўлган.




46-расм. Тошдан ишланган қуроллар. Миршоди.

Мутахассислар Ёз I даври маданияти Урта Осиёда Шарқий Эрон қабилалари ёйилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, деб фараз қиладилар. Лекин ёзма манбаларсиз ушбу масалани аниқлаш жуда оғир, чунки археологик топилмалар асосан маданий ўзгаришлардан далолат беради.

Илк темир даврида Урта Осиёнинг жанубий областларида Ёз II, Қизил II ва Афросиёб I типидagi маданият ривожланган. Урта Осиёнинг қадимий вилоятларидаги жамият тўғрисида муҳим ёзма манбалар—Авесто, Ахмонийлар даври ёзма ёдгорликлари ва грек тарихшунослари ҳикоя қиладилар.

Авесто боблари шарқ-эроний тилларда тузилган ва манбаанинг энг қадимги ҳужжатлари замонамизгача етиб келмаган. Бу тўплам эрамизнинг II—III асрларида таҳрир қилинган ва ундан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлмоқ керак.

Авесто (шарқ-эроний тиллардан «Асос» деб таржима қилинади) Зардушт (Заратуштра) динидаги халқларнинг шариат қонуллари мажмуидир. Пайгамбар Заратуштра (грекча Зороастр, эронча «Олтинтуяли») номи билан аталган заратуштризм (зороастризм) Урта Осиёда ҳам тарқалган. Авестонинг айрим энг қадимги қисмлари (масалан, «Готалар»—«муқаддас қўшиқлар») ахмонийлар давридан олдинроқ замонларга оид бўлган.



47-расм. Археологик қазилмалар. Даратела.

Авесто маълумотларига кўра, ушбу давр қабилалари бирлашмаси вилоят — «дахию» бўлган, уруғ жамоаси — «вис» айрим оилалардан — «нмана» дан ташкил топган, бўлак қабила эса «занту» номи билан машҳурдир. Аҳоли коҳинлар, жангчилар, деҳқонлар ва чорвадорлар тоифасига бўлинган.

Ахмонийлар давридаги (милоддан аввалги VI—IV асрлар) миҳсимон ёзувлар Бехистун ва Нақши Рустам қоятошларида, Суза, Хамадон ва Персепош шаҳарларида топиб текширилган. Улар қадимги форс тилидаги турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат. Ахмонийлар ёзмаларида Урта Осиё халқлари ва вилоятлари тўғрисида маълумотлар бор.

Қадимги грек тарихчилари Гекатей, Геродот ва Ктесий асарлари Урта Осиё халқларининг тарихий ва географик қиёфасини кўрсатиб беради.

#### Урта Осиёнинг ёзма манбалардаги тарихий вилоятлари

Авесто	Қадимги форс ёзувлари	Грек тарихчилари
Моуру	Марғуш	Марғиёна
Сугда	Сугуда	Сугдиёна
Баҳди	Бақтриш	Бақтриёна
Хваризам	Хваразминш	Хорасмия
—	Парс ава	Парфиёна

Кўчманчи Шарқий Эрон қабилаларини грек тарихчилари скифлар ва массагетлар деб атаганлар, ахмонийлар даври ёзувларида эса улар саклар деб юритилган.

Урта Осиёнинг дашт ва тоғлик районларида яшаган саклар хўжалигида чорвачилик айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Бу қабилалар қорамол, майда чорва ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Сакларнинг ёдгорликлари Қуйи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тяньшань тоғларида топилган. Улар асосан мазор-қўрғонлардан иборатдир. Топилмалар орасида бронза ва темирдан ишланган ҳарбий қурошлар, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қурошлари ва сопол идишлар учрайди.

Сакларнинг мазор-қўрғонларида от анжомлари топилди. Геродотнинг айтишича, Урта Осиё кўчманчилари (массагетлар) йилқичилик билан шуғулланганлар. Милоддан аввалги VII—VI асрлар Урта Осиёнинг дашт ва тоғлик районларида кўчманчи чорвачиликка ўтиш вақтига тўғри келади.

Қуйи Сирдарёнинг қадимги ирмоғи бўлган Инкардарё бўйида Уйгарак қабристони топилган. Ёдгорлик ҳалқа шаклида бўлиб, баландлиги 1,5—2,0 м, диаметри 27—40 м келади. Кичик мазор-қўрғонларда оддий қабрларда сопол идишлар ва бронза ўқ учлари учрайди. Катта мазор-қўрғонлардаги саклар уруғ

ва қабила бошлиқларининг қабрларида яроғ-аслаҳа, от анжомлари ва зеб-зийнат буюмлари топилган.

Помирдаги Аличур, Томди ва бошқа ёдгорликларда темирдан ясалган қиличлар топилган. Қурол дастасининг боши ёйсимон қайириб қўйилган. Кўчманчиларнинг мазор-қўрғонларида ҳарбий болталар, ханжарлар ва бронза ўқлари жуда кўп учрайди. Сақларнинг ўқлари баргсимон, икки ёки уч қиррали бўлган. Милоддан авалги V—IV асрларда бронза ўқлар билан бирга темир ўқлар ҳам тарқалган.


Сақларнинг от анжомлари, ўқлари ва ханжарлари скиф яроғ-аслаҳаларига ўхшайди, Шарқий Европа ва Осиё даштларидаги кўчманчи қабилалар маданиятини эслатади. Бронзадан ишланган санъат буюмларида ҳам яқин хусусиятлар ва катта ўхшашлик бор. Илк темир даври кўчманчиларини мустаҳкам маданий алоқалар бир-бири билан боғлаб турган.

Сақларнинг шаҳар харобалари топилмаган. Кўчманчиларнинг уй-жойлари ертўла ва чайласимон уйлардан иборат бўлган. Уларнинг турар жойлари унча яхши текширилган эмас. Йиллар давомида чорвадорлар янги ем-хашак майдони топши учун ҳаракат қилганлар, ўтроқ ҳаёт улар учун муҳим роль ўйнамаган. Қадимги грек авторларининг маълумотларига қараганда, чорвадорлар кўчиб юрганда уларнинг оилалари ва анжомлари араваларга ортилган.

Сақлар мазор-қўрғонларида мулкӣ тенгсизлик кўзга ташланади, лекин уларда синфий жамият қачон пайдо бўлганлиги ноаниқ. Археологлар фикрича, милоддан аввалги VII—VI асрларда кўчманчилар орасида ҳарбий-сиёсий қабила уюшмалари вужудга келган. Дастлабки кўчманчилар тарихини ўрганишда Тагискен мақбараларига эътибор бериш лозим (милоддан аввалги IX—VII асрлар, Қуйи Сирдарё). Улар хом гиштдан бино қилинган, тўрт бурчак, ҳалқасимон мақбаралардир. Олимлар фикрича, Тагискен қабрларига кўчманчиларнинг жамоа бошлиқлари кўмилган. Айрим мақбараларда жуда кўп буюмлар бўлган.

Совет археологлари кейинги йилларда ўтказган қазишларига Урта Осиёда яшаган илк темир даври қабилаларининг моддий маданиятини аниқлашга бир қадар имкон берди. Фақат Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг ўзи 350 тадир (Милоддан аввалги VII—IV асрларга мансуб маданий қатламлар Ёзтепа, Кучуктепа, Қизилтепа ва Тиллатепада кенг ўрганилган (Ез II милоддан аввалги 650—450 йиллар, Ез III 450—350 йиллар, Қизил II 700—550 йиллар, Қизил III 550—400 йиллар билан саналанади).

Қизилтепа шаҳар харобасининг майдони 22 гектар келади (Сурхондарё, Шўрчи райони). Тепанинг шимоли-ғарбий қисмида қўрғон қолдиқлари жойлашган. Қўрғоннинг баландлиги 10 метр келади. Пахса билан ўралган шаҳар деворлари қалин




48- расм. Тош қуроллар.

ва мустаҳкам. Мудофаа деворларининг ўртасида аскарлар юриши учун эни 1,5 метрлик махсус йўлак бўлган. Шаҳар деворлари устига ўқ отиш учун ҳар 3—5 метрда ҳарбий минора — мудофаа буржи қурилган. Деворларда ҳар 2 метрда шинаклар қолдирилган. Археологик қазилмаларда бронза ўқ учлари ва ўқ сифатида ишлатилган тош ядролар топилди.

Қизилтепа атрофидаги аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Кўпроқ тўрт бурчак шаклида қурилган қадимий уйларга эътибор бериш лозим. Улар пахса деворлар билан ўралган ва хом гиштлардан қурилган уй-жой, хўжалик хоналари ва ошхоналардан ҳамда ички ҳовлидан иборатдир. Пахса деворлар билан мустаҳкамланган ташқи қисмда подахона бўлган. Ушбу ёдгорликлардан Қизилча 1 ва Қизилча 6 маконлари яхши ўрганилган. Қизилчада бронзадан ва темирдан ясалган пичоқ ва ўроқлар, бронза идиш парчалари ҳамда ўқ учлари, сопол урчуқлар, металл игна ва бигизлар, тош пичоқ, тош ёргучоқ ва сопол идишлар топилган.

Илк темир даври оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлган, у уруғ ерида хўжаликни биргаликда бошқарган. Уй жамоасининг аъзолари катта патриархал оила, умумий турар жойда яшаганлар (Қизилча 1, Қизилча 6) ва мол-мулкка биргаликда эгалик қилганлар.


Археологик топилмалар илк темир даврида Сурхондарёда (Бақтриянинг шимолий қисми) архитектура ва қурилиш техникаси, ҳунармандчилик — металлчилик, кулолчилик, тўқув-



49-расм. Шу тепаликлар остида темир даври қишлоқлари жойлашган. чилик ва тикувчилик ривожланганлигидан далолат беради. Деҳқончилик билан чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, қабилалар қўй ва эчки боққанлар, майда чорва билан қорамол, отлар ва туялар чорвачиликда муҳим роль ўйнаган. Сурхондарёдаги яна бир неча истеҳком ва мудофаа деворлари билан ўралган қишлоқлар илк темир даврига мансубдир. Улардан Кучуктепа, Талашкантепа, Бандихонттепа, Ғозимуллатена ва бошқалар археологияда яхши маълум.

Қашқадарё (Жанубий Сугдиёна) илк темир даврига мансуб ёдгорликлардан Ерқўрғон, Дараттепа, Узунқир, Бешқўтонтепа ҳамда Қўрғонча диққатга сазовордир. Хом гишдан ва пахсадан қурилган бинолар, металл қуроллар, ҳунармандчилик буюмлари Сугдиёнада қадимий маданият юксак даражада бўлганлигини кўрсатади.

Тошкент областида илк темир даври ёдгорликлари Бургулик маданиятига айланган. Қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Турар жойлар ярим ертўлалардан иборат. Маданий қатламдан қўлда ишланган сопол идиш парчалари, бронза ўроқлар, ўқ учлари ва тош қуроллар топилди. Бургулик типидagi моддий манбалар Ураттепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепада ҳам топиб текширилган (қадимги қишлоқ харобасининг майдони 18 гектар келади, уй-жойлар ертўлалардан иборат, милоддан аввалги V—IV асрларда Сугд ҳунармандчилиги таъсири асосида Нуртепада кулчилик чархида ясалган сопол идишлар ҳам тарқалган).



50-расм. Бронзадан ва темирдан ишланган ўроқлар.


Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида (540—530—522 йиллар давомида) Урта Осиё вилоятлари Ахмонийлар ҳукмронлиги остига тушиб қолади. Улар Урта Осиёда икки юз йилча ҳукмронлик қилганлар. Эрондаги қадимги Персепол шаҳридан бақтрияликлар, хоразмликлар, сугдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларидаги бўртма расмларда турли халқларнинг хирож келтириши манзараси тасвирланган). Бу расмлар Урта Осиёда яшаган халқларнинг ўзига хос қуроллари, кийим-бошлари ва қиёфасини кўрсатиб туради.

Урта Осиёнинг бўйсундирилган вилоятларидан ва умуман Қадимги Шарқ вилоятларидан Доро I даврида катта-катта ўлкалар барпо қилинган. Уларни алоҳида ҳокимлар идора қилган (бу ҳокимларни қадимги форслар «хшатрапаван», греклар «сатрап» деб атаганлар). Ахмонийлар даврига оид Бехистун, Нақширустам ва Сузи ёзувларида Эрон подшолиги 24 сатрапликка бўлиб кўрсатилган. Масалан, Бехистун ёзувлари рўйхатида Бақтрия 16, Сугдиёна 17-ўринда кўрсатилган. Пер-

сепол саройи деворига солинган бўртма расмда Хоразм, Бактрия, Сугдиёна ва саклар вилоятидан хирож тўловчилар шохга турли хил идишлар, ҳарбий қуроолар ёки от, туя ҳамда қўй олиб келаётгани кўрсатилган. Сатрапликларнинг подшога тўлайдиган солиқлари миқдори Геродотнинг «Тарих» асарида ҳам келтирилади.

Милоддан авалги VI—IV асрларда Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида Мароқанда, Бактро, Марв, Тупроққалъа каби катта-катта шаҳарлар, марказлар равнақ топган. Грек тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Мароқанданинг узунлиги 11 километр келадиган ташқи девори ва қўргони бўлган. Қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан Ерқўрғон, Узунқир, Қузалиқир ва Қизилтепа ҳам ўралган бўлган. Ўрта Осиё шаҳарларида архитектура, қурилиш, ҳунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган.

Хоразмда милоддан авалги VI—V асрларга мансуб катта-катта сугориш иншоотларининг излари топиб текширилган. Археологлар бу иншоотлар Ахмонийлардан ҳам олдинги давлат территориясида қурилган бўлиши мумкин ва бу давлатга Хоразм, Сугдиёна, Парфия ерлари кирган, деб фараз қиладилар (асосий фикр: давлат ташкилоти бўлмаса, бундай катта ва узун




51-расм. Сополда илон тасвири.

каналларни қазиб ва сақлаб бўлмасди). Қуйи Мурғобда (Марғиёна) милоддан аввалги VIII—VI асрга оид Гуниёб ва Гатиоқар сугориш каналлари текширилган. Уларнинг узунлиги 30—55 км. Ушбу маълумотлар ҳам қадимги жамоачилар томонидан ҳоят катта ер ишлари бажарилганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё милоддан аввалги VI—IV асрларга оид моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Улкада кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қадимий маданият ўчоқлари ҳисобланган Қуйи Мурғоб, Тажан, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида, Хоразм, Фарғона ва Тожикистон водийларида темир даврига оид жуда кўп ёдгорликлар борлиги маълум бўлди. Айниқса Елкантепа, Ёзтепа, Афрасиёб, Кўзалиқир, Дингилжа, Элатонтёпа, Қалаимир, Ерқўрғон, Даратёпа, Қизилтепа харобалари шу даврга мансуб ёдгорликлардир.

Қалаимир ва Даратёпада милоддан аввалги VI—IV асрларга оид ёшт ва пахсадан қурилган уй-жойлар қазиб очилган. Бу уйларда катта патриархал оила аъзолари яшаган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган. Даратёпада турар жойга оид хоналарда девор ичига ўрнатилган ва хоналарнинг марказий қисмида сандал типидagi ўчоқлар бор. Даратёпа атрофида ҳозирги кунгача сақланиб қолган сугориш канали ва ариқнинг қуруқ ўзанлари ҳамда археологик қазишларда топилган кўп



52-расм. Темир даври сопол идишлари.

дан-кўп хумсимон идишлар, тош қуроғлар ва бошқалар қадимги аҳолининг хўжалиги ва маданиятини ўрганиш имконини берди.


Археологик текширишлар натижасида топилган милоддан аввалги VI—IV асрларга мансуб моддий манбалар ҳунармандчилик тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм ва Марғиёна тупроғида қулолчилик ва металлчилик устахоналарининг қолдиқлари айрим районларда қазиб очилган. Бу ёдгорликлардан сопол идишлар, бронзадан ва темирдан ишланган буюмлар, тош қуроғлар топилди. Металл буюмлар бу даврда яшаган ҳунармандлар металлчилик техникасини юксак даражада ривожлантирганидан дарак беради. Милоддан аввалги VI—IV асрларда заргарлик, тўқимачилик ва тикувчилик кенг ривож топган. Урта Осиё халқлари ҳаётида катта ижтимоий: хўжалик ва маданий ўзгаришлар содир бўлган.

Урта Осиёда энг қадимги давлатларнинг вужудга келиши жуда муҳим масаладир. Бу масалани ўрганишда археологик ва ёзма манбалар кўп жиҳатдан ёрдам беради. Синфларнинг пайдо бўлиши ва қулдорлик тузуми вужудга келишини ёритиб берадиган асосий ёзма манба Авесто ва антик дунё авторлари қолдирган маълумотлардир.

Ктесийнинг «Персика» асарида Қадимги Бақтрия давлати ҳақида бир қанча (жуда кўп истеҳкомлар ва қалъалар тўғрисида, областнинг аҳолиси анча кўп бўлганлиги ҳақида, Оссурия подшоси Нин ва Бақтрия ҳокими Зардушт-Зороастр урушлари ҳақида ва бошқалар) маълумотлар келтирилган.

Кейинги йилларда Бақтрия тупроғида ўтказилган археологик қазинишлар натижасида топилган дастлабки шаҳарлар ва қалъалар харобалари ҳамда моддий манбалар узоқ ўтмиш тарихий воқеаларидан далолат беради. Милоддан аввалги VII—VI асрларда Бақтрияда маданият, савдо юксак даражада ривожланган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши хусусий мулкчиликни ва айирбошлашни келтириб чиқарган, хом ашё ва ҳунармандчилик буюмлари савдо объектига айланган. Бақтрия еридаги Бадахшонда қазиб чиқарилган ложувард Эрон ва Месопотамия мамлакатларига олиб борилган. Бақтрия ва Эрондан олтин, қўрғошин ҳамда қалайи Оссурияга олиб борилган бўлиш ҳам мумкин. Ахмонийлар даврининг мих ёзувлари Урта Осиёдан Эронга олтин, феруза, ложувард, от ва туялар кўплай олиб борилганлигидан хабар беради. Савдо-сотиқ ривожланиши асосида маданий муносабатлар тез тараққий этади.

Археологик манбалар Қадимги Бақтрияда дастлабки шаҳарлар вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Ктесийнинг таъкидлашича, Бақтриянинг маркази Бактро шаҳри бўлган (ҳозирги Балх). Бактро қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган бўлган. Бақтриянинг бошқа марказлари асрлар давомида харобаларга айланиб, ер остида қолиб кетган. Юқорида айтиб ўтилган Қизилтепа, Ол-




53-расм. Сурхондарёдаги илк темир даври ишпоотининг реконструкцияси. Қизилча.

тиндилёр ва Бандихонтепа шу марказлар жумласидандир. Бу марказлар асосан айрим областларда ҳарбий аҳамиятга, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ аҳамиятига эга бўлган.

Урта Осиёнинг илк темир даври тарихини аниқлашга совет олимлари В. В. Струве, С. П. Толстов, М. М. Дьяконов, В. М. Массон, И. М. Дьяконов, Б. Ф. Гофуров, Б. А. Литвинский, А. А. Асқаров, В. И. Сарияниди муваффақ бўлдилар. Олимлар фикрича, милоддан аввалги IX—VIII асрларда (Бақтрия подшолигидан олдинги давр) Урта Осиё жанубида шарқий эроний қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси таркиб топган. Бу бирлашма ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, Авестода «Арешайёна» ёки «Арёнамвайжо» номи билан машҳурдир. Айрим тадқиқотчилар илк темир асрига ўтиш даврида Урта Осиё тупроғида йирик давлат бирлашмалари бўлмаган, лекин дастлабки кичик давлатлар пайдо бўлган, деб фараз қиладилар (Мурғоб этагида Моуру-Марғиёна). Улар Ахмонийлардан олдинги даврда қадимги Хоразмда кучли қулдорлик давлати ҳам вужудга келган, деб айтиш мумкин дейдилар.


Урта Осиё дастлабки давлатлари тараққиётининг янги ижтимоий ва иқтисодий босқичи милоддан аввалги VI—IV асрлардаги Ахмонийлар сиёсати билан боғлиқдир. Милоддан аввалги 330 йилда Македониялик Искандар Эрон подшоси Доро III қўшинларини тор-мор қилади. Милоддан аввалги 329—327 йилларда Парфия ва Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна Искандар ҳукмронлиги остига тушиб, Хоразм, Фарғона ва Сирдарёнинг шимолий районлари мустақил бўлиб қолади. Македониялик Искандар Салавка давлатини, Урта Осиё тарихида қадимги дунё —



54-расм. Қадимги Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна ёдгорликлари, эр. ав. VII—VI аср (чизиқчалар — қадимги йўллар).

антик ёки эллинистик даврни вужудга келтиради. Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида Парфия билан Бақтрия Салавка давлатидан ажралиб чиқиб, Бақтрия ерларида Грек-Бақтрия давлати ташкил топган.

Антик (эллинистик) даврда Урта Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берган. Улка вилоятлари Қадимги Шарқ ва Греция, Македония давлатлари билан кенг маданий ва савдо-сотик алоқаларида бўлган. Урта Осиёда ҳайкалтарошлик, заргарлик, кулолчилик ва бошқа ҳунармандчилик мактаблари вужудга келади, муҳим санъат ва маданият ёдгорликлари кўзга кўринарли ўринни эгаллайди.



55-расм. Қадимги Бақтрия архитектураси.

Олий ўқув юрларининг тарих факультетларида таълим олаётган студентлардан бир қанчаси ўқишни тамомлагач, Урта Осиё республикаларида ишлайдилар. Шунинг учун ҳам бўлажак мактаб ўқитувчилари ўз ўлкалари тарихи буйича кенг билимларга эга бўлишлари, моддий ва маданий ёдгорликларни, археологик обидаларни пухта билишлари керак.

Кейинги вақтларда янги ерлар ўзлаштирилиши муносабати билан Урта Осиёдаги кўп археологик ёдгорликларни сақлаб қолиш тобора кескин муаммога айланиб бормоқда. Улканинг тоғлик районларидаги Зараутсой, Соёмалитош, Биронсой, Сармишсой каби қоятош ёдгорликлари бузилиб кетмоқда. Шунинг учун бўлажак тарих ўқитувчилари ёдгорликка «биринчи ёрдам» кўрсата билишлари лозим. Бунинг учун улар аҳоли орасида ёдгорликлар аҳамиятини мунтазам равишда тушунтириб боришлари ва зарур бўлганда ёдгорликларни сақлаш ҳақидаги қонунларни татбиқ қила билишлари керак.

Археология фани вазифаларини ўрганишда студентлар «моддий манбалар», «археология ёдгорликлари», «маданий қатлам», «моддий маданият» терминларига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Урта Осиёда асосий қурилиш материали қадим замонларда пахса ва хом ғишт бўлганлигидан маконлар, қишлоқлар ва шаҳарлар асрлар давомида турли ҳодисаларга учраб, тепаликларга айланиб қолган. Уларнинг номлари географик, тарихий ва ҳоказо маъноларни билдиради (Шоштепа, Қаландартепа, Афросийёб, Даратепа, Оқтепа ва бошқалар).

Моддий манбалар маданий қатламларда сақланади. Асрлар давомида ривожланган уй-жой иншоотларида маданий қатламлар қалинлиги баъзан бир қанча метрларни ташкил этади. Инсонлар яшаган турар жойларнинг ҳаммасида маданий қатламлар ҳосил бўлган. Қишилар бир манзилда қанча узоқ яшаган бўлса, қатлам ҳам шунча қалин бўлади. Худди шу қатлам қазиб ўрганилади. Бу кўп қаватли ёдгорлик ҳисобланади.

Археологлар тарихий даврларни аниқлаш учун маданий қатламнинг стратиграфиясини (тузилишини) ўрганадилар. Натижада текшириляётган ёдгорликнинг пайдо бўлиши, қанча вақт ҳаёт кечиргани — хронологияси аниқланади.

Моддий-тарихий манбаларнинг кўпи ерда, археологик ёдгорликлар маданий қатламларда сақланмоқда. Моддий манбалар ёзма манбалардан кўра кўп марта қадимийроқдир. Тарихнинг улкан қисмини моддий археологик топилмалар орқалигини ўрганиш мумкин.

Демак, археология кишилик ўтмишини ўрганувчи фандир. Бу фан ўтмишдаги тарихий жараёнларни ўрганишни мақсад қилиб қўйган. Бу жараёнлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий



воқеалардан иборатдир. Археология ибтидоий даврнигина эмас, Балки қулдорлик ва феодализм даврларини ҳам ўрганган.

Ушбу қўлланмада Урта Осиёдаги тош даври, бронза ва илк темир асри моддий маданиятига ҳамда археология ёдгорликларига умумий характеристика берилган.

#### АДАБИЁТЛАР

Алписбаев Х. А. Памятники нижнего палеолита Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979.

Археологлар ҳикоя қилади. Тошкент, 1974.

Аминжонов М. Е. Қадимий ёдгорликлар қиссаси. Тошкент, 1968.

Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1973.

Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Тошкент, 1977.

Асқаров А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979.

Асқаров А. Развитие археологической науки в Узбекистане. «Общественные науки в Узбекистане», 1972, 11—12.

Борисовский П. И. Возникновение человеческого общества. Палеолит Африки. Л., 1977.

Виноградов А. В. Неолитические памятники Хорезма. Материалы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Вып. 8., М., 1962.

Вишневская О. А. Культура сакских племён низовьев Сырдарьи в VII—V вв. до н. э. М., 1973.

Гулямов Я. Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Заравшана. Ташкент, 1966.

Фуломов Я. Ф. Хоразминг сугорилиш тарихи. Тошкент, 1959.

Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. М., 1985.

Дандамаев М. А. Политическая история ахеменидской державы. М., 1985.

Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира.— В кн.: История иранского государства. М., 1971.

Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА, 118. М.—Л., 1968.

Исамиддинов М. Х., Сулейманов Р. Х. Еркурган. Ташкент, 1984.

Исламов У. Пещера Мачай. Ташкент, 1975.

Исламов У. И., Тимофеев В. И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент, 1986.

Итина М. А. История степенных племён Южного Приаралья. М., 1977.

Жабборов И. М. Қўдга харобалар сирӣ. Тошкент, 1968.

Касымов М. Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кульбулак в Узбекистане. МИА, 185. М., 1972.

Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоя тошларидан расмлар. Тошкент, 1976.

Кабиров Дж. Древнейшая наскальная живопись Зараутсай. Новосибирск, 1976.

Кузьмина Е. Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века Средней Азии. САИ, вып. В—4, М., 1966.

Луния Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Ташкент, 1958.

Литвинский Б. А. Древний среднеазиатский город (местные традиции и иноземные модели) в кн.: Древний Восток. Города и торговля. Ереван, 1973.

Литвинский Б. А., Пьянков И. В. Военное дело у народов Средней Азии VI—IV вв. до н. э.—Вестник древней истории, 1966, № 3.

Мандельштам А. М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане. А., 145., М.—Л., 1968.

Чирсаатов Т. М. Древние шахты Учтута. Ташкент, 1973.

Массон В. М. Древнеземледельческая культура Марганы. МИА, 73, 1., 1959.

Массон В. М. Поселение Джейтун. Л., 1971.

Массон В. М. Алтындепе. Тр. ЮТАКЭ, т. XVIII, Л., 191.

Массон В. М. Средняя Азия и Древний Восток. М.—Л., 1964.

Окладников А. П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. Южный Узбекистан. Палеолитический человек. М., 1949.

Ранов В. А. Каменный век Таджикистана. Душанбе, 1965.

Ранов В. А., Несмеянов С. А. Палеолит и стратиграфия Антропогена Средней Азии. Душанбе, 1973.

Сагдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактерии. Ташкент, 1987.

Сагдуллаев А. С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии.— Советская археология, 1982, № 2.

Сарианиди В. И. Энеолитическое поселение Геоксюр. Тр. ЮТАКЭ, т. X. Ашхабад, 1960.

Сарианиди В. И. Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.

Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.—Л., 1969.

Струве В. В. Датировка Бехистунской надписи.— Вестник древней истории, 1952, № 1.

Сулейманов Р. Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. Ташкент, 1972.

Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948.

Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.

Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.

Ташкенбаев Н. Х., Сулейманов Р. Х. Культура древне-каменного века долины Заравшана. Ташкент, 1980.

Урта Осиё археологияси. Методик кўрсатма. Тошкент, 1984.

Усманова З. И. Эрк Қала. Тр. ЮТАКЭ, т. XII, Ашхабад, 1963.

Хлопяк И. Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). Ашхабад, 1983. Энолит СССР. Археология СССР. М., 1982.

## МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима</i> . . . . .	3
<b>1-б о б. Урта Осиёда археология фанининг ривожланиши тарихидан</b> . . . . .	<b>5</b>
1.1 Археология фанининг вазифалари . . . . .	5
1.2. Антропогенез—одамнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши . . . . .	10
<b>2-б о б. Урта Осиёнинг тош даври ёдгорликлари</b> . . . . .	<b>14</b>
2.1. Қадимги тош асри—палеолит . . . . .	14
2.2. Мезолит даври ёдгорликлари . . . . .	57
2.3. Неолит даври ёдгорликлари . . . . .	69
<b>3- боб. Урта Осиёнинг энеолит, бронза ва илк темир даври ёдгорликлари</b> . . . . .	<b>104</b>
3.1. Энеолит даври . . . . .	104
3.2. Бронза даври . . . . .	118
3.3. Илк темир даври . . . . .	139
<i>Хулоса</i> . . . . .	157
Адабиётлар . . . . .	158

*На узбекском языке*

ДЖАББАР КАБИРОВ,  
АНАТОЛИЙ САГДУЛЛАЕВИЧ САГДУЛЛАЕВ

### АРХЕОЛОГИЯ СРЕДНЕЙ АЗИИ

*Учебное пособие для студентов  
исторических факультетов ВУЗов*

Ташкент «Ўқитувчи» 1990

Редакция муdiri А. Ҳасанов  
Редактор Х. Нуруллаев  
Кичик редактор М. Маҳмудова  
Бадний редактор А. Шмаков  
Техн. редактор Ш. Бабаханова  
Корректор И. Шоймардонов

ИБ № 5281

Тиражга берилди 10. 03. 89. Босилга рухсат этилди 17. 01. 90. Формати 60×90<sub>16</sub>.  
Тип. қоғози № 2. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма  
усулида босилди. Шартли б. л. 10,0. Шартли кр.-отт. 10,25. Нашр. л. 9,5.  
Тиражи 3000. Зак. № 2229. Баҳоси 50 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартно-  
ма № 07—55—89.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Дав-  
лат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашма-  
сига қарашли 1-босмахона. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1990.

Типография № 1 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по  
делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Ҳамза, 21.